

R 496

2017/3

# GULISTON

308 |  
№ 1

*Хуш дурур боғу коинот гули  
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.*

*Алишер НАВОИЙ*

Алишер Навоий  
1441-1501  
O'zbekiston



BAXTU SAODATI UCHUN HAYOTINI QURBON QILGAN VATAND  
OVENNIKOV, OTDAVSHIH SVOI JIZNINI ZA SVOBODU I NEZA

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



Jurnal 1925-yildan chiqqan boshlagan

**Muassis:**

O'zbekiston Respublikasi

Madaniyat vazirligi

**Bosh muharrir**

vazifasini bajaruvchi:

Temur A'ZAM

**Jamoatchilik kengashi:**

Muhammad ALI

Suyima G'ANIYEVA

Minhojiddin MIRZO

Farhod JO'RAYEV

Shuhrat SIROJIDDINOV

Akmal NUR

Baxtiyor SAYFULLAYEV

Hamidulla BOLTABOYEV

Isajon SULTON

Fatxulla MA'SUDOV

Mirza AZIZOV

Oqilxon IBROHIMOV

**Tahririyat:**

**mas'ul kotib:**

Komil JONTOYEV

**fotomuxbir:**

Mashrab NURINBOYEV

**sahifalash va dizayn:**

Nigina QODIROVA

**navbatchi muharrir:**

Manzura SHAMS

**USHBU SONDA:**

*Musalim NURIDDINOV:  
Muzeylar tarix ko'zgusi va  
o'ziga xos ibrat maktabi*

*Ibroyim YUSUPOV  
Esar Jayhun shamollari...*

*Sobir MIRVALIYEV  
Abdulla Qodiriy she'riyati*

*Azamat HAYDAROV  
Ma'naviyatimiz sarchashmasi*

*Odil YOQUBOV  
Yaxshilik*

*Ravshan ISROILOV:  
Maqsadimiz – bolalar qalbiga  
ezgulik olib kirish*

*Umida ABDUAZIMOVA  
Tinchlik bo'lsin!*

395 /  
№

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 13.09.2016-yilda ro'yxatga olingan. Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi. Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin. «Guliston» jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart. Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x841/8. Buyurtma № 39 . Adadi: 1660 nusxa. Hajmi 6 bosma taboq. Bosmaxonaga 11.05.2017-yilda topshirildi. Bosishga 15.05.2017-yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent — 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 42-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.



## АЖДОДЛАР МАТОНАТИ ВА ЖАСОРАТИ АВЛОДЛАР УЧУН НАМУНАДИР

*Мамлакатимизда 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди*

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни бу йил мамлакатимиз бўйлаб ўзгача руҳда нишонланди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони ҳамда «Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олиш, юрт тинчлиги ва озодлиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасини ёд этишдек эзгу мақсадлар мужассам.

Ушбу ҳужжатлар ижроси юзасидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бирига Президентимиз табриги, 2 миллион сўмдан пул мукофоти, навбатсиз машина олиш учун сертификат топширилди, эҳтиёж-мандларга уй берилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотинқизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Бадий академия, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ҳимоячиларига бағишланган учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказилди. Бундай хайрли ишлар давом этмоқда.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар келган.

Соат 9.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кириб келади.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар кўйди. Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Мотамсаро она ҳайкали пойи турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари томони-

дан кўйилган гулларга бурканди.

Шу куни Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти боғида Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 72 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 500 нафар уруш ва меҳнат фахрийси таклиф этилди.

Боғ байрамонга безатилган. «9 май – Хотира ва Қадрлаш куни», «Ғалаба байрамингиз муборак бўлсин!», «Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!», «Ватан ўз қаҳрамонларини унутмайди» каби шиорлар ёзилган.

Боғ ичидаги майдонда 1941-1945 йиллардаги муҳит акс этган. Окоп ва блиндажлар қурилган, ўша давр ҳарбий техника воситалари, қурол-аслаҳа намуналари жойлаштирилган. Жанг майдонларида халқимиз кўрсатган мардлик ва жасорат, урушдан қайтмаган минглаб юртдошларимизнинг муқаддас хотираси, ота-боболаримизнинг фронт орти меҳнат фаолияти акс этган.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли ижросида мусиқа янграмоқда...

Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қарсақлар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Президент Шавкат Мирзиёев минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари бу ерга йиғилганларни, бутун халқимизни 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 72 йиллиги муносабати билан табриклади.

Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин



аҳоли яшаган, шундан 1,5 миллион киши урушда қатнашган. Улардан 500 мингдан кўпроғи жанг майдонларида ҳалок бўлгани, яна қанча-қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанчаси бедарак йўқолгани ҳисобга олинадиган бўлса, бу ғалаба халқимиз учун нақадар қимматга тушгани яққол намоён бўлади.

Халқимиз уруш йилларида чинакам матонат ва жасорат кўрсатган. Ўзбекистонга бир миллионга яқин киши эвакуация қилинган. Уларнинг 200 мингдан зиёди болалар бўлган. Юзлаб ўзбек оилалари бу болаларни ўз паноҳига олган. Тошкентлик Шомаҳмудовлар оиласи 14 нафар, каттақўрғонлик Самадовлар оиласи 12, бухоролик Жўраев ва Ашурхўжаевлар оиласи 8 нафардан болани ўз бағрига олган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

– 20 ёшимда урушга кетдим, 2-Беларусь фронтида хизмат қилдим, – дейди хоразмлик Марат Ёмғуров. – Ҳозир 97 ёшдаман. Бугунги байрам, Президентимизнинг эътибори кўнглимизни тоғдек кўтарди, ёшимизга ёш қўшди. Хизматдош дўстларимизни кўриб, ёшлигимиздаги қўшиқларга ўйнаб маза қилдик. Бизнинг бундай тетиклигимиз замонамизнинг тинчлигидан, юртимизнинг ободлигидан. Шундай кунларга етказганига шукр. Илоҳим, элимиздан меҳр-оқибат, аҳиллик аримасин. Юртимиз ҳамisha тинч, халқимиз омон бўлсин!

Саҳнада ва улкан мониторда Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ҳаёт акс эттирилган.

...Ўзбекистон халқ артисти Тамарахоним ижро этган «Санамо» кўшиғи янграйди.

Уруш даврининг машҳур суҳандони Юрий Левитаннинг уруш бошлангани тўғрисидаги эълонни ўқиган овози янграйди. Йигитлар Ватан ҳимоясига отланади. Саҳна ортидаги улкан монитorda Иккинчи жаҳон уруши воқеалари тасвирланади.

– Байрам тантаналарида мустақиллик йилларида ҳаётимиз дастурига айланган инсон хотира билан тирик, кадр билан улуғ деган маъно-мазмун мужассам бўлгани барчамизни қувонтирди, – дейди Шайхонтоҳур тумани Янги шаҳар маҳалласи фаоли Рихсивой Орипов. – Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз кўрсатган қаҳрамонликлар, ота-боболаримизнинг жасорати ва матонати куй-қўшиқларда, бадий чизишларда тараннум этилди.

Мамлакатимиз вилоятларидан келган отахонлар дўстлари билан дийдорлашиб, ўтган умрини ёдга олди, бугунги ҳаётимизга шукроналик билдирди.

1941-1945 йиллардаги урушда ғалаба қозонишда мардлик ва матонат кўрсатган юзлаб юртдошларимиз ҳам юксак унвонларга сазовор бўлган. Минглаб ота-боболаримиз бу йўлда ўз жонини фидо қилган. Уларнинг қаҳрамонлиги қалбларимизга фахр туйғусини бағишлайди. Ўтганларнинг хотирасига бош эгиб таъзим қиламиз, ҳаёт бўлганларини эъзозлаймиз.

Байрам дастурида марҳум шоир ва санъаткорларимизнинг шеър ва кўшиқларига кенг ўрин берилгани Хотира ва Қадрлаш куни мазмун-моҳиятига мос тушган. Атоқли шоирлар Ҳамид Олимжоннинг «Кўлингга қурол ол», Фафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан», Абдулла Ориповнинг «Аёл» шеърлари, Эркин Воҳидовнинг «Нидо» дostonидан парчалар ўқилганда қалблар ларзага келди.

...Ўзбекистон халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова ижро этган «Уйғон, болам» кўшиғи янграйди.

...Уруш тугаб, ғалабага эришилгани эълон қилинади. 72 йил олдинги бу қувонч, сурур тадбир иштирокчиларини ҳам ҳаяжонга солди.

Мустақиллик йилларида Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти фахрийларини эъзозлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган улкан ишлар акс этган лавҳалар намойиш этилди.

– Биз бахтли авлодмиз – шундай тинч-осойишта мамлакатда яшаймиз, – дейди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ўқитувчиси Лилия Усмонова. – Бунда бобо-бувиларимизнинг, барча нурунийларимизнинг ҳиссаси беқиёс. Президентимиз таъкидлаганидек, уларга ғамхўрлик қилиш, умрларини узайтириш учун барча шароитларни яратиш ҳаммамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

– Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 72 йиллигига бағишлаб ўтказилган бугунги тадбир катта таассурот қолдирди, – дейди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Муваққат ишлари вакили Жанг Венчуан. – Унда ўзбек халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган салмоқли ҳиссаси таъсирли воситаларда ифодаланган. Ўзбекистон ва Хитой ҳамisha тинчлик тарафдори бўлиб, бу борада халқаро доирада бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Биз бу муносабатларни ғоят қадрлаймиз. Ўзаро ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам изчил тараққий этаверишига ишонамиз.

Уруш йилларининг ситамли хотиралари, бугунги тинч-осойишта ҳаёт қадри акс эттирилган бадий тадбир қатнашчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Сарвар ЎРМОНОВ,  
Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (сурат),  
ЎЗА





ватани озодлиги ҳамда мустақиллиги учун кураши билан боғлиқ даврлар музейга ташриф буюрадиган ҳар бир кишини қизиқтириши табиий. Шунингдек, истиқлол йилларида замонавий, юсак ҳарбий ва маънавий салоҳиятга эга бўлган, ҳар қандай тажовузга ўз вақтида қақшатқич зарба беришга, мамлакатимиз миллий манфаатлари, давлатимиз суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч ҳаётини ҳимоя қилишга қодир жанговор Қуролли Кучларимизни шакллантиришга оид жараёнлар нафақат ҳарбий касбни танлаган йигит-қизларни, балки қалбида мана шу она заминга муҳаббати жўш уриб турган бирор одамни бефарқ қолдирмайди. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар давлат музейининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш зарур. Мазкур маскан ўз фаолиятини дастлаб 1965 йилда бошлаган.

2010 йилда қайта реконструкция қилиниб, музейнинг захираси ва экспонатлари янада бойитилиб, янгиланди. Музей боғида чинакам ватанпарварлик намунаси бўлган муҳташам «Ватанга қасамёд» мажмуаси барпо этилди. 2010 йилнинг 12 январь куни ушбу мажмуанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бунда қад ростлаган «Ватанга қасамёд» монументи юртимиз тинчлигини, сарҳадларини кўз қорачиғидай асраб-авайлашга бел боғлаган фидойи ўғлонларимиз шарафига қўйилган бетакрор обида ҳисобланади. Мажмуада Ватанимизнинг муносиб фарзанди ва ҳимоячисининг давлатимиз рамзи бўлган байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, ота-боболаримиз хоки ётган қутлуғ заминнинг ҳар қарич ерини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилаётгани тасвирланган. Ана шундай мард, жасур, эл-юрти тинчлиги учун жонини ҳам беришга тайёр фарзандларни камолга етказган, муқаддас Ватан тимсоли бўлган она юрт хизматиға шайланган фарзандига оқ фотиҳа бермоқда. Бугунги кунда миллий армиямиз, қолаверса, мазкур музейимиз ҳам ёшларимиз қалбида ана шундай юсак туйғуларни мустаҳкамловчи ўзига хос ҳаёт мактаби, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.


Табиийки, Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Таъкидлаб ўтганимиздек, у ўзининг неча асрлик қадимий ва бой тарихий



илдизлари, бетакрор анъаналарига эга. Буни мамлакатимиз заминда жуда олис замонлардан бошлаб шаклланиб, ривожланиб келган ҳарбий санъат ва шу соҳадаги қадриятлар ҳам тасдиқлайди. Шу маънода музей асосан Ўзбекистоннинг ҳарбий тарихий ёдгорликларини йиғиш, уларни илмий тадқиқ қилиш, сақлаш, ҳарбий тарих фанини ривожлантириш йўналишида фаолият олиб боради. У мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларимиз қалбида ҳарбий ватанпарварлик, ҳарбий қасамёд ва ҳарбий бурчга садоқат, аждодлар руҳига ҳурмат ҳиссини шакллантириш йўлида фаолият кўрсатувчи маданий ва илмий-тадқиқот муассасасидир.

– **Албатта, ҳар бир музей ўзига хос тарих кўзгусидир. Шундан келиб чиқиб музей бўлимлари, экспозициялари, фонди ҳақида гапириб берсангиз.**

– Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Давлат музейидаги тарихий экспонатларда давлатимиз ҳудудидега милоддан аввалги IV-V асрлардан ҳозирги кунгача бўлган ҳарбий санъат ва ҳарбий соҳа ривож кетма-кетликда акс этади. Музейимиз экспозицияси Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг «Миллий армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» деган сўзи билан бошланади. Ҳар бир экспозиция миллий армиямиз тараққиёти тадрижи асосида жойланган. Музейнинг кўргазмалар залида мунтазам равишда муҳим саналарга бағишлаб илмий-маърифий тадбирлар, бадиий ва фото кўргазмалар уюштириб турилади. Фойедан Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби А.Алиқулов томонидан яратилган триптих жой олган. Бунда жаннатмакон ўлкамизнинг бетакрор табиати, Амир Темур бобомиз ва лашкари, Ўзбекистон Республи-



каси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг портретлари акс эттирилган. Ташриф буюрувчилар фойе деворларидан жой олган фотоплакатларда замонавий Ўзбекистон армиясида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ҳаётидан лавҳаларни ҳам кўришлари мумкин.

Учинчи қават экспозициянинг бошланиши бўлиб, у ўз ичига «Қадимги давр ва илк ўрта асрлар», «Амир Темур ва темурийлар давридаги ҳарбий иш», «XVI-XIX аср ўрталарида Ўзбекистон ҳудудида ҳарбий иш», «Мустамлака даврида ҳарбий сиёсат ва кўшинлар ҳолати» (1867-1917 йиллар), «Совет давридаги ҳарбий сиёсат ва муаммолар» (1917-1990 йиллар) бўлимларини ўз ичига олади. Иккинчи қаватда «Қуролли Кучларнинг мустақилликка эришиш арафасидаги ҳолати», «Туркистон ҳарбий округи» (1989-1991 йиллар), «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ташкил этилиш жараёни» (1991-1992 йиллар), «Қуролли кучларнинг ташкил топиш ва ривожланиш босқичлари» (1992-2010 йиллар), «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий қудрати», «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг ижтимоий ҳимояси», «Жисмоний тарбия ва армия спортини ривожлантириш» ва «Хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорлик» бўлимлари жойлашган.

Музей экспозицияси моддий манбалари: тарихга оид ёдгорликлар макетлари, этнографияга оид кўплаб буюмлар, тасвирий манбалар; турли хил фотосуратлар ва ёзма манбалар; қўлёзма ҳужжатлар ва нодир китоблар билан бойитилган. Шунингдек, музей экспозицияси ахборот сенсор дўконлар, видеолойиҳалар, ҳужжатли ҳамда видеофильмлар орқали ҳам намойиш этилади. Музей фондидан асосан архив ҳужжатлари, суратлар ва фото негативлар, қўлёзмалар, ҳарбий хизматчиларга тегишли бўлган ҳужжатлар, буюмлар, нумизматика бўлимида эса

орден ва медаллар, турли даврларга тегишли бўлган курол-аслаҳалар, ҳарбий делегациялар томонидан тақдим этилган эсдалик совғалари жой олган.

**– Гарчи ушбу даргоҳ Қуролли Кучлар давлат музейи дейилса-да, унга ҳарбий хизматчилардан ташқари мамлакатимиз ёшлари ҳам кўп ташриф буюради. Чунки бундай музейнинг нафақат ҳарбийлар, балки ёшларни миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам ўзига хос ўрни бор. Шу ҳақда гапириб берсангиз.**

– Тўғри таъкидладингиз, музейимизга ташриф буюрувчилар жуда кўп. Уларнинг ичида ёшлар катта ўрин тутаяди. Миллий армиямиз бугунги кунда ҳарбий касбни танлаган ёшларимизга замонавий билим ва кўникмаларни ўргатмоқда, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жаҳатдан чиниқтирадиган, руҳини, иродасини тоблайдиган мардлик ва матонат мактабига айланди. Қуролли кучларимиз сафларида хизмат қилиш эса, том маънода шарафга айланмоқда. Ҳар йили 14 январь – «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан декабрь-январь ойларида «Ватанпарвар ойлиги» эълон қилинади. Бунда турли тадбирлар, II жаҳон уруши фахрийлари, қаҳрамонлари, Мудофаа вазирлиги Фахрийлар марказий кенгаши аъзолари билан учрашувлар, Мустақиллик йилларида хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг оила аъзолари иштирокида кечалар ташкил қилинади. Бундай тадбирлар, албатта, ёшларни ҳамиша мустақиллик ғояларига содиқ, ватанимизни кўз қорачиғидай асрашни биринчи навбатдаги энг шарафли бурч деб билишга даъват этади, уларни чинакам ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Музейга турли тоифа ва ёшдаги одамлар келади. Асосан, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, фарзандлари, ҳарбий билим юртлари курсантлари, Олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари



талаба-ёшлари, ўқувчилар, ҳарбий академиялар тингловчилари, турли хорижий делегациялар ташриф буюради. Йил давомида ўртача ўттиз мингга яқин томошабинга экскурсия хизматлари кўрсатилади. Дунёдаги қатор давлатларда Қуролли Кучлар музейлари мавжуд. Бизнинг музейимизнинг аҳамиятли ва ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерга келганлар Марказий Осиё ҳудудида мавжуд бўлган қадимги давлатлар, шаҳар ва қалъалар, уларнинг қурилиш режалари, давлатларнинг ҳарбий бошқарув тизимлари, ҳарбий тактикалар ва техникалар, жанг санъати турлари, жанг қуроллари, аскарларнинг кийимлари ва кўплаб қадимги даврдан шу кунгача бўлган ҳарбий ҳаёт ҳақида тўла маълумотга эга бўлишлари мумкин.

– **18 май – Халқаро музейлар кунини ўтказишга тайёргарлик ишлари борасида маълумот берсангиз.**

– Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Давлат музейида мунтазам равишда муҳим саналарга бағишлаб сиёсий, маънавий-маърифий ва бадиий кечалар, кўргазмалар ўтказиб борилади. Таниқли санъаткорлар, эл ардоғидаги инсонлар, ижодкор ва рассомлар билан учрашувлар уюштирилади. Бу тадбирлар вазирликлар, давлат ҳамда уй-музейлари, олий ўқув юртлари, мактаблар, ҳарбий билим юртлари курсантлари, Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ва аскарлари билан ҳамкорликда ташкил этилади. Яқинда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 681 йиллиги муносабати билан «Биз билган ва билмаган Амир Темур» мавзусида ҳафталик ўтказдик. Тадбирга кўплаб тарихчи олимлар таклиф этилди. Амир Темурнинг биз билган ва билмаган хислат ва жиҳатлари ҳақида маълумотлар олинди. Ушбу тадбирларда Қатағон қурбонлари хотираси музейи бўлим мудирини, санъатшунослик фанлари номзоди Сирожиддин Аҳмедов, Ёзувчилар уюшмаси аъзосини, тарих фанлари докторини, профессор Ҳамдам Содиқов, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаларини иштирок этди.

Бу ерда ҳар йили 18 май – Халқаро музейлар кунини муносабати билан «Очиқ эшиклар кунини» бўлиб ўтади. Тематик экскурсиялар, мусиқий, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади. Музей фондида сақланаётган ноёб ва тарихий экспонатлар очиқ ҳолда намойиш этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат музейларини болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари 18 ёшгача бўлган болалар ва уларнинг ота-оналарига ҳамда бир нафар кузатувчисига Қуролли Кучлар



Давлат музейида бепул хизмат кўрсатилади. Бу кунлари, асосан, мактаблар ва олий таълимга қарашли барча даргоҳлардан ўқувчилар гуруҳ бўлиб ташриф буюради. Бу ҳам музейга ташриф буюрувчиларнинг сони ошишига, уларга қулайлик яратишга хизмат қилмоқда.

– **Кейинги йилларда музей қандай янги экспонатлар билан бойиди, шунингдек, келгусидаги режалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

– Биз доимий равишда музейни янги экспозициялар, экспонатлар билан бойитишга ҳаракат қиламиз. Масалан, мустақиллик йилларида хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган қаҳрамонларга бағишланган «Ватан – азиз, жасорат – мангу!» бўлими ташкил этилди. Бунда қаҳрамонларга тегишли бўлган шахсий буюмлар экспозицияга қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонунига асосан ҳамда Қуролли Кучлар Давлат Музейи Низомига таянган ҳолда, музей фонди ҳисобига экспозициядаги бўлимларни доимий равишда янгилаб ва бойитиб бориш муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади. Келгусида тарихчи олимлар, ҳарбий соҳанинг етакчи мутахассислари, фахрийлар ёрдамида музей экспонатларини ҳар томонлама бойитиш борасидаги изланишларни янада кучайтирамиз. Ташриф буюрувчилар, айниқса, ёшлар ўртасида олиб борадиган тадбирларнинг янада сермазмун ва таъсирчан бўлишига, улар онгу тафаккурида Ватанга садоқат билан хизмат қилиш, турли ёт ғояларга эргашмаслик, бўш вақтини самарали ташкил этиш сингари бугунги кунда жуда аҳамиятли бўлган масалалар ечимига, бир сўз билан айтганда, уларни юртимизнинг чинакам ватанпарвар фарзанди бўлиб камолга етишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

– **Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Минҳожиддин МИРЗО суҳбатлашди**



# MA'NAVIYATIMIZ SARCHASHMASI

Хар бир халқ миллий маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, олийжаноб жиҳатлари, улуг қадриятлари бўлади. Ота-боболаримиз, момо-бувиларимиздан бизга мерос бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган фольклор санъатини миллий маънавиятимизнинг сарчашмаси десак, асло хато бўлмайди. Фольклор йўналиши аслида халқимиз маданияти ва санъатининг асосий туб илдизи ҳисобланади. Таъкидлаш жоиз, халқ ижодиёти профессионал санъатнинг юзага келишида муҳим аҳамият касб этади ва унинг тараққий этишида катта ўрин тутати.

Фольклор санъати намуналарида халқимизнинг қадим тарихи, узоқ ўтмиши, турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, инсоннинг табиатга ва оламга нисбатан ҳис-туйғулари, интилиши, орзу-истаклари, муносабати мужассамдир. Шунинг учун ҳам фольклор санъатининг мазмун-моҳиятида халқимизнинг урф-одатлари, удумлари, миллий анъаналари ва қарашлари ўз ифодасини топган.

Биринчи Президентимиз ўзининг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида «Хар қайси халқ ёки миллат маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одатлари ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада миллий маънавий мерос энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади», деб алоҳида таъкидлаган эди. Бундан кўриниб турибдики, миллий фольклор санъати халқимизнинг маънавий қиёфасини, унинг ҳаёт тарзини кўрсатиб берадиган, бир сўз билан айтганда, ўзлигини намоён этувчи муҳим санъат турларидан биридир.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг фольклор-этнографик ансамбллари фаолиятининг қайта тикланиши миллий маънавий ҳаётимиздаги жуда катта ҳодиса бўлди. Собиқ тузум даврида халқ кўшиқлари замон руҳига мос эмас, деб тақиқланган бўлса, Истиқлол офтоби фольклор санъати тараққиётида янги бир босқични бошлаб берди. Фольклор ансамбллари халқимизнинг қадимий анъаналари, халқ оғзаки ижодининг ноёб намуналарини сақлашда, унга сайқал бериб, яна халқимизнинг ўзига қайтаришда жонбозлик ва фидойилик кўрсатувчи ўзига хос ижодий лаборатория вазифасини ўтаб келаётганини қайд этиш жоиз.

1989 йилдан бошлаб Наврўз республикамизда умумхалқ байрами сифатида нишонлана бошлади. 1990 йилда эса 21 март юртимизда дам олиш куни деб эълон қилинди. Бу даврда ҳали мамлакатимиз мустақилликка эришмаган, халқимизнинг бошидан таҳликали кунлар ўтаётган бир палла эди. Ана шундай вазиятда бундай қарорнинг қабул қилиниши халқимизга катта қувонч ва чексиз ифтихор бахш этди. Наврўз мамлакатимизнинг барча шаҳар, туманларида ва Тошкент шаҳрида катта шодиёна сифа-

тида байрам қилиниши, унда фольклор ансамбллари чикишларига алоҳида эътибор қаратилиши анъанавий фольклор тараққиётида, хусусан, фольклор жамоаларининг ижодий фаолиятини қайта кўриб чиқиб, ўз ишларини янгидан бошлашларида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Фольклор жамоаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида Қорақалпоғистон Республикасининг «Бес перде», Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги «Чавқи», Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги «Булбулигўё», Бухоро шаҳридаги «Моҳи ситора», Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги «Сайхун йигитлари», Жиззах вилояти Зомин туманидаги «Зомин сайқали», Навоий вилояти Нурота туманининг «Нуржаҳон», Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳридаги «Қўқон ёр-ёри» ва бошқа қўллаб фольклор-этнографик халқ ансамбллари ўзларининг жозибадор чиқишлари билан нафақат юртимиз аҳолиси, балки кўплаб хорижий давлатлар вакилларининг олқишига ҳам сазовор бўлди.

Ўтган йиллар давомида Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги «Шалола» фольклор-этнографик халқ жамоаси Польша, Франция, Буюк Британия каби 20 га яқин хорижий давлатларда, Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги «Беш қарсак» фольклор-этнографик халқ жамоаси Жанубий Корея, Германия, Озарбайжон каби мамлакатларда ижодий сафарда бўлиб, ўзбек фольклор санъатини дунё бўйлаб тарғиб қилдилар.

Самарқанд вилоятининг «Чавқи», Сирдарё вилоятининг «Сайхун йигитлари» фольклор-этнографик халқ жамоалари бадий раҳбарларининг «Шухрат» медали билан мукофотлангани ҳам Истиқлол йилларида ўзбек фольклор санъатини ривожлантириш, бадий ҳаваскорлик жамоаларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, халқ ижоди анъаналарини кенг тарғиб этишга қаратилган беқиёс ғамхўрлик ва юксак эътиборнинг натижасидир.

Бугунги кунда Маданият вазирлиги тасарруфидаги Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида 100 дан ортиқ фольклор ансамбллари фаолият юритмоқда. Бу жамоаларнинг 52 тасига Маданият вазирлиги Ҳайъатининг қарорига асосан «Халқ ҳаваскорлик жамоаси», 2 тасига «Болалар намунали жамоаси» унвонлари берилган. Ушбу жамоаларда икки мингга яқин ҳаваскор ижрочилар санъатининг ўзлари севган йўналишлари бўйича ижодий фаолият олиб бормоқдалар.

Фольклор ансамбллари кейинги йилларда ўтказилган кўрик-танлов ва маданий тадбирлардаги иштирокини кузатиш, улар фаолиятини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, кўпгина фольклор-этнографик жамоалар




йиллар давомида деярли бир хил дастурни намойиш этиб келишмоқда. Худудга хос фольклор асарларини ижро этиш, миллий анъаналарга мос кўшиқ, лапар, рақс, халқ куйларини ўз репертуарларига киритиш, маросим ва удумларнинг сахнавий талқинларини яратишга ҳамма жойда ҳам етарли даражада аҳамият қаратилмаяпти. Гоҳида баъзи урф-одатларни нотўғри талқин қилиш, ижрочилик борасида мамлакатимиз худудларининг ўзига хос фольклор намуналарини сақлаб қолиш ўрнига ижро услубларидаги бир хилликнинг кўпайиб кетиши, жамоалар репертуаридаги айрим кўшиқлар ва рақсларнинг бадиий жиҳатдан саёзлиги, халқимиз томонидан азалдан куйлаб келинган анъанавий кўшиқларнинг матнини бузиб, ўзгартириб ижро этиш ҳоллари кузатилмоқда.

Бу ўринда фольклор-этнографик жамоалари бадиий раҳбарлари ва балетмейстерлари лавозимига бевосита соҳа мутахассиси сифатида катта тажрибага эга бўлган, масъулиятни чуқур ҳис этадиган, салоҳиятли кадрларни тайинлаш ҳам муҳим аҳамият касб этишини унутиб қўймаслигимиз керак.

Негаки, ҳали олдимизда фольклор ансамбллари фаолиятини ўрганиб, қайта шакллантириш, янгиларини ташкил этиш, бунинг учун йўланма ва тавсиялар берадиган илмий рисолалар, методик қўлланмалар тайёрлаш, жамоаларнинг дастурларини худудларга хос маросим кўшиқлари ва қадимий рақслар билан бойитиш, мусиқа чолғуларига аҳамият қаратиш, сахна либрелларини тайёрлашда дизайнерлар билан ҳамкорликда ишлаш ва ансамблларга ёш истеъдодли ижрочиларни жалб этиш каби кенг кўламли ишлар турибди.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил Наврўз умумхалқ байрамини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида халқ сайиллари шаклида ўтказиш борасидаги ташаббуси халқимиз томонидан жуда катта мамнуният билан кутиб олинди. Президент қарорида жойларда бўлиб ўтадиган сайилларга фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, дорбозлар, цирк артистлари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада хонандаларини кенг жалб этиш, сайил дастурларини тайёрлашда халқ ўйинлари, фольклор санъатининг энг яхши намуналарини, элу юртнинг дилидан чуқур жой олган, қадимий урф-одатлар, эзгу инсоний туйғуларни тараннум этадиган куй ва кўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бу ўз навбатида келгусида фольклор санъатига жуда катта эътибор қаратиш ва фольклор жамоаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда янада ривожлантириш борасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур эканлигини ҳам кўрсатиб турибди.

Фольклор санъати халқимизнинг турмуш тарзи, дунёқарashi, руҳий-эстетик олами, ички кечинмаларини юксак бадиий ифода этган қадрият бўлиши билан бирга аجدодларимиздан қолган улкан маънавий-маданий мерос сифатида ўзининг мазмундорлиги, тарбиявийлиги ва умрбоқийлиги билан санъатнинг бошқа турларидан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам келгусида фольклор санъати аҳамияти, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрни ва ролини ҳисобга олган



ҳолда илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш, жойларда халқ меросини ёзиб олувчи илмий-экспедиция ва гуруҳлар ташкил этиш, фольклор санъати умрбоқийлигини таъминлашга беқиёс ҳисса қўшган бўлар эди.

**Азамат ХАЙДАРОВ,**  
Республика маданият муассасалари  
фаолиятини ташкил этиш илмий-  
методик маркази директори



Ибройим ЮСУПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири



# Эсар Жайхун шамоллари



\*\*\*

Отажон Худойшукуровга

Қайда юрсам соғинтирар,  
Она юртим томонлари,  
Хаёлимда сахар-сахар,  
Эсар Жайхун шамоллари.  
Атиргул териб чўллардан,  
Гулирайхон чаманлардан,  
Бизнинг бул гўзал эллардан  
Эсар Жайхун шамоллари.  
Пахтакор халқ меҳнат аҳли,  
Мартабали идрок, ақли,  
Ҳаёт жўш урса не чоғли,  
Эсар Жайхун шамоллари.  
Ўзбекистон – шонли диёр,  
Булбуллар ишқинда ёнар,  
Ҳамма фаслинда навбахор,  
Эсар Жайхун шамоллари.  
Умр қисқа, манзил узоқ,  
Йиллар биздан кетар йироқ.  
Мангу қўшиқ каби янгроқ,  
Эсар Жайхун шамоллари.  
Эл меҳри сўнмас юзингдан,  
Улуғ дарёи азимдан,  
Қорақалпоқ, Хоразмдан,  
Эсар Жайхун шамоллари.  
Ибройим дер, эл нафаси,  
Амунинг сирли шарпаси,  
Умримнинг боқий сабоси,  
Салом, Жайхун шамоллари!

## АЙТ, СЕН АЖИНИЁЗНИНГ ҚЎШИҚЛАРИДАН

Айт, сен Ажиниёзнинг қўшиқларидан,  
Йиғласин ёр ишқи бағрин тешганлар,  
Бўзласин юртидан айри тушганлар,  
Айт, сен Ажиниёзнинг қўшиқларидан.  
Созин сабо ёдлаб, сўзин ел билган.  
Бир шоир дунёга келдию кетди,  
Мажнунтол ортидан ойга термулган,  
Бир дилбар тушимга кирдию кетди.  
Қўшиқ дарё-дарё нур бўлиб оқсин,  
Севгисиз қалбларга ишқ ўтин ёқсин,  
Қиз йигитга жилва-ноз билан боқсин,  
Айт, сен Ажиниёзнинг қўшиқларидан.  
Айт, сен «Бўзатов»ни нағмага солиб,  
Дили ёнмаганнинг бағри тош бўлсин,



Қорақалпоқнинг кўхна дарди қўзғалиб,  
Бу кунга боққани сари маст бўлсин.  
Шоир кезган чўлда бўстонлар қатор,  
Бекор бўлиб кетди замон нобакор,  
Бир илҳом парисин кўрдим ишвакор,  
Айт, сен Ажиниёзнинг қўшиқларидан.  
Мен уни тингласам қолмай тоқатим,  
Кўнглимда сайраган мастона булбул.  
Мен уни тингласам туққан элатим,  
Ер жаннати бўлиб кўрингай буткул.  
Юлдузларни ерга қаратмоқ бўлсанг,  
Ёмон шоирларни уялтмоқ бўлсанг,  
Агар мен ўлганда тирилмоқ бўлсанг,  
Айт, сен Ажиниёзнинг қўшиқларидан.

Абдулла Орипов таржимаси

\*\*\*

Энди мен Тошкентга борганда доим,  
Сенга кўринмасга тиришар эдим.  
Бир куни дуч келдик, ногоҳ мулойим,  
«Ростдан бу сенмисан, сенмисан», дединг.  
Айни саҳар чоғда очилган гулдек,  
Қиз бўлиб журъатга тўлган экансан.  
Ҳинд кўлига тушган асранди филдек,  
Унсиз етагингда кетавердим ман.  
Товусдай товланган ўзбек қизлари,  
Дўстлик эҳтиромин кўрсатиб шу он.  
Эски дўстларимдек кулишиб бари,  
Ёзди олдимга талабалик дастурхон.  
ТошДУ – билим боғи, ёшлар дўстлиги,  
Қанча кўнгилларга нур берар ёғдунг!  
ТошДУ минг-минг қиз, йигитлар ёшлиги,  
Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг...

Янгибой Қўчқоров таржимаси

### МЕНИНГ ЙИГИТ ВАҚТИМ, СЕНИНГ ҚИЗ ВАҚТИНГ

Б...га

ТошДУ\* десам, дарҳол тушади эсга,  
Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг.  
Тўғри самолётдан тушдим-да, кеча,  
Ётоқ жойингизнинг эшигин қоқдим.  
Нукусда эканда, сен мени кунда,  
Ҳатто соат сайин соғинар эдинг.  
Бу гал сен кўрдингу мени Тошкентда,  
Маъюс мийиқ тортиб, «сенмисан» дединг.  
Гулшанда очилган бир тоза гулдай,  
Чиройингга чирой қўшган экансан.  
Қувончимни қай тарз айтишни билмай,  
Ютиниб, термулиб боқар эдим ман.  
Кетдик қўл ушлашиб кўчани бўйлаб,  
Унсиз келаяпмиз. Эснаб кўясан.  
«Жоним, айтгил, келаяпсан не ўйлаб?  
Эрта учрашамиз қаерда, қачон?!»  
«Эрта кўлим тегмас... Имтиҳоним бор...»,  
Дединг ўйнаб йўғон бураминг билан.  
Навоий театри халқ билан бисёр,  
Сен киргач у буткул яшнаб кетди шаън.  
Зар кўйлак чўғ сочиб ёнар устингда,  
Сен айтдинг «Авф эт, тобим йўқ», дединг.  
Ва мрамар зинадан эпчил тушдинг-да,  
Кетдинг... Мен сен учун бегона эдим.  
Сўнги «Казбегим»ни тутатиб олиб,  
Узоқ тентирадим анҳор бўйида.  
Мажнунтол шохларин сувларга солиб,  
Сенинг сочларингни солар ўйимга...  
ТошДУ десам, ҳамон тушади эсга,  
Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг...  
Сенга яна қайтиб озор бермасга,  
Бел боғлаб, жонимни ўтларга ёқдим.  
Очиқ деразалар имларди «кел» деб,  
Боғлар дерди «қайғу чекма, йигитим».  
Юракни тирнарди «Тановар» йиғлаб,  
Шамоллар изғирди хазонни титиб...

Ҳалима Худойбердиева таржимаси

### СОҒИНИШ


Саҳар вақти чиқсам Маъшуқ тоғига,  
Шарқдан кулиб боқди Зухро юлдузи.  
Кумуш булоқларнинг шўх қайнаши ҳам  
Сени эсга солди Амунинг қизи.  
Тоғдан булутларни ҳайдаса шамол,  
Силкиб тургандайсан менга оқ рўмол,  
Сув ичишга келган елдек шўх марол  
Сенга ўхшаб кетди Амунинг қизи.  
Гўё чўнг Эльбрус осмонга теккан,  
Булутлар маҳлиё, бошини эгган,  
Баҳор байрамида оқ кўйлак кийган  
Пайтларинг ёд этдим Амунинг қизи.  
Шамол шилдиратса толлар япрогин,  
Сени келдими деб алдандим тагин,  
Какликлар гурлашиб учгани сайин  
Хандангни эслатар Амунинг қизи.  
Кўрсам жимирлаган сувларин сойнинг,  
Тинглаб чўпон чалган шодон сурнайин,  
Шунда бир сен бўлиб шодлигим, қайғум,  
Кўз олдимда турдинг Амунинг қизи.  
Нарзан булоқлари қандайин шинам,  
Сенинг кўнглинг янглиғ тиниқ ва кўркам,  
Тоғлар уйғонади, қалбимда бир ғам –  
Орзуйим ўзингсан, Амунинг қизи.  
Соғинчинг тугатди бор тоқатимни,  
Тош устида турдим ўқиб хатингни,  
Ёзсам ёш эманга ўйиб отингни,  
Тоғлар ёдлаб олди Амунинг қизи.  
Бештов жилваланиб турар қошимда,  
Булутлар ўрмалар харсанг тошида,  
Ҳар ким куяр бўлса севги ёшида,  
Мендек бўлиб куйсин Амунинг қизи.



\*Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети



Собир МИРВАЛИЕВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор



# Abdulla Qodiriy she'riyati

Адиб шеърляти қодирйшуносликда теша тегмаган муаммолардан бири. Тўғри, гоҳ у, гоҳ бу ўринларда унинг 3-4 шеъри тилга олинади-ю, таҳлилга тортилмайди, Қодирй ижодида тутган ўрни ҳам қайд этилмайди. Чиндан ҳам адиб бундай қараганда, бирор бир шеърий тўплам ёки туркум шеърлар яратмаган. Ҳатто яқин-яқингача унинг «Тўй», «Аҳволимиз», «Миллатимга бир қарор» деган уч шеъринигина тилга олар эдик. Адибнинг «Фикр айлағил» деган тўртинчи шеъри ҳам аён бўлди («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 14 май, 1993 йил. Р.Тожибоев). Бинобарин, Абдулла Қодирй шoir сифатида ҳозирча ана шу тўртта шеъри билан маълум.

Унинг шеърлятига келганда, алоҳида қайд қилиш жoизки, ўша биз санаб ўтган ҳар тўрт шеър ХХ аср ўзбек маърифатпарварлик адабиёти, қолаверса, жадид адабиётининг илк намуналари сифатида муҳим қийматга эга. Негаки, уларда маърифатпарварлик ва жадидчилик ғоялари илгари сурилган ҳолда ўз даври ва миллати олдида турган ва ечимини кутаётган муҳим муаммолар кўтарилганлиги билан ҳам характерлидир.

Адиб шеърляти масаласи қодирйшуносликда теша тегмаган муаммолардан бири дедик. Абдулла Қодирй шеърларини характерига кўра, икки тоифага ажратиб таҳлил этиш маъқул кўринади. Агар уларнинг биринчиси соф шеърий шаклда, мустақил асар сифатидаги («Тўй», «Аҳволимиз» ва ҳ.к.) кўринишда бўлса, иккинчи тоифадаги шеърлари алоҳида эмас, насрий асарлари ичида, қоришма ҳолда, хусусан, «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» каби романларида учрайди. Уларнинг кўплари лирик руҳда бўлиб, пафос жиҳатидан интим, ҳажвий ва ҳазил шеърлардан таркиб топган. Жанр жиҳатидан эса марсия, қасида, мушоира, ғазалларга бўлиш мумкин. Ғазаллар гоҳ тахаллусли, гоҳ бетахаллус битилган бўлиб, ҳажаз, рамал, ражаз ва бошқа баҳрларда ёзилган. Насрий асарлари ичида учрайдиган шеърлар мустақил шаклдаги шеърлардан шакл ва мазмун жиҳатидан анча пухталиги, ғоявий-бадий етуклиги билан алоҳида ажралиб туради. Зеро, мустақил шеърлари адиб ижодининг бошланғич даврига тааллуқли бўлса, насрдаги шеърлари эса адибнинг анча катта ҳаётй ва адабий тажрибаси шаклланган даврига тўғри келади. Ва ниҳоят, «Пилдир, писс...» номли бешинчи шеър ҳажвия, пародия тарзида битилган.

Хуллас, Абдулла Қодирй адабиётимизга шoir сифатида ҳаммаси бўлиб, бор-йўғи 112 қатордан иборат 5 та шеър қолдирган бўлса, насрий ижоди ичида унга қараганда икки баробар кўп, аниқроғи, 198 қатор, жами 306 мисра шеър яратгани маълум. Хусусан, «Кичик асарлари»да 22 қатор, «Ўткан кунлар»да 32 қатор, «Меҳробдан чаён»да

98 қатор ва «Обид кетмон»да 46 қатор шеърдан фойдаланди ёки яратди.

Адибнинг насрий асарларида учрайдиган шеърларида ўзгача, бой ва самарали натижаларга дуч келамиз. Хусусан, катта насрий эпик асарлардаги мавжуд шеър бутун бир тақдир, бутун бир характер маъносига кўчади. Лоақал, бу ўринда «Ўткан кунлар»да учрайдиган шеърларни таҳлил қилиб кўрайлик. Романда биринчи бор шеърий парча Кумуш билан Отабек тўйи арафасида, тўй олдида ўтадиган қизлар базмида сирли кўшиқ бўлиб янгради. Улар маснавий тарзида бўлиб, жами 12 қаторни ташкил этади. Бироқ мазмун жиҳатидан бутун бир романда илгари сурилган ишқ-муҳаббат, оила муаммосини ечиш ва сифасини ўтайди десак, хато бўлмас. Эсингизда бўлса, романинг ўнинчи фасли: «Тўй, қизлар мажлиси» деб аталади. Гап бу ерда асосан тўй арафасида асар бош қахрамонларидан бири Кумушбиби ҳолати, руҳияти, орзу-умидлари, келажаги, аниқроғи инсон-аёл сифатидаги тақдири ҳақида. Адиб нутқида аввал шундай тасвир тизилади: «Кумушбибини ҳам бу қизиқ базмдан бошқалардек ҳис қиладир, суюниб қувонадир, деб ўйланмасин, чунки вужуди қизлар базми ичида бўлса ҳам хаёли аллақерда учиб юргандек, кўзлари ўйнағувчи қизларда бўлса ҳам аммо ҳақиқатда бошқа нарсани кўргандек... Кўринишдан натижа чиқариб айтганда, бу қизиқ мажлис унинг учун базм ўрнини эмас, аза жойини тутқондек...» («Ўткан кунлар», Т.1992, 46-бет). Шу ҳолатда икки соатларча давом этган базм тугаб, Гулсин билан Хонимбибининг мунгли кўшиғига навбат келади. Гулсин куйлайди:

Ўртоқларим, кўлга олсам торимни,  
Беихтиёр ёдлайдурман ёримни!

Ана шу «бир оҳанглик нафис, мусиқавий товуш «хаёл ичида шўнғиб ўлтурғон Кумушбиби»ни бир «сескан»тиради. Энди Гулсин ёнига Хонимбиби кўшилишиб иккинчи байтни айтадилар:

Бир кўриб яғмо қилган кўнглимни,  
Қайтиб яна кўролмадим ёримни!

Шу байт ижросидан сўнг «Кумушнинг икки кўзи жиқ ёшга тўлғон» бўлади. Кўряпсизки, байт-байтни тўлдириб, адиб қузатган сирли мақсад сари тобора тортиб боради. Энди кўшиқни ўзгалар эмас, гўё Кумуш ўзи ҳақида ўзи куйлаётгандек туюлади. Руҳидаги фожейи ҳолат, драматизм тобора таранглашиб боради. Ва ниҳоят, 3 ва 4-байтдан кейин Кумуш руҳида, ҳолатида тоқатсизлик бошланади,

ўзини қўйишга жой тополмайди. 5 ва 6-байтлардан сўнг эса «байтга қулоқ солғувчи қолмайди», чунки Кумушбиби ёнидаги қизга осилиб, йиғига тушади. «Кумушни тишининг оқини кўриш» амри маҳол бўлиб қолади. «Шу йўсин қизлар ўзларининг бир ўртоқларини хотинлик дунёсига узатиб, мажлисдан тарқашдилар». Аммо мунгайиб, хаёл паришон ҳолатдаги Кумушбибини эса ғам-алам эмас, «кутилмаган бахт» кутарди. Чунки Кумушбиби адиб таърифича «... лолалар ичидаги бир гул ё юлдузлар орасидаги тўлғон ой» мисоли товланар эди.

Шеърнинг қурилиши ва ё жанри ҳақида гап борганда шуни қайд этиш лозимки, адиб энди бу ўринда ўша расмий шеърларида учрайдиган мураккаб ифодаларни қўлламайди. Занжирли ташбеҳлардан йироқ туради. Аксинча, халқона усул ва услубдан фойдаланади. Қўшиқ-лапар гўё Кумушбиби охи-зорини куйлаётгандай ишқ ўтида ёндираётгандай байтдан-байтга ўтган сари алангаланиб боради. Қаҳрамон қалбида ёнган оташ тутуни бурқиб, булутга-ёмғирга, кўз ёшига айланади. Ёинки, худди шу «Ўткан кунлар»да Кумушбиби қабрига қўйилган тошдаги битикни эсланг: Ғайратий домланинг хотирасига кўра, адиб аввал Фузулийдан:

Ҳамроҳим эдинг бу йўлда, э моҳ,  
Ҳамроҳни ташлаб кетарми ҳамроҳ...

деган бир байтни Кумушнинг қабр тошига романнинг дастлабки қўлёзмасида фойдаланган экан. Аммо адибнинг «Муштум»даги дўстлари бунга эътироз билдириб, «Ўз асарларига ўз шеърлари бўлса яхши жаранглашини маслаҳат бериш»ганда Абдулла Қодирийга ҳам маъқул бўлиб, қуйидаги тўртликни яратган:

Аё чарх, этдинг ортуқ жабр бунёд,  
Кўзим ёшлиқ, тилимда қолди фарёд.  
Ҳаётим лозоридин аюрдинг,  
Ёқиб жоним, кулим кўкка совурдинг.

Зеро, аввалги бир байт билан мазкур тўртлик шакл ва мазмунига кўра тамоман ўзгача жаранглайди. Айтиш мумкин, ўта мунгли, ўта таъсирли бўлганлигидан фақат Отабек ҳолати, руҳиятинигина эмас, бутун асар ечими, моҳиятини очишга кўмаклашади.

Хуллас, адиб насрда ҳам етук шоир тарзида намоён бўлиб, ўз ўрнида мумтоз адабиётимиз анъаналари йўлидан борганлигидан далолат ҳамдир. Бу ҳақда профессор Ҳасан Қудратиллаев шундай ёзади: «Кўпгина асарларда наср назми, назм насрни тўлдириб келган ёки бошқача қилиб айтганда, муаллифлар насрий асарларида баён этган фикрларини янада мантиқий юксалтириш, унинг шираторлигини ошириш, давр адабий-эстетик талабининг сўз жозибасига нисбатан қўйган мезонини меъёрига етказиш учун шеърий парчалардан фойдаланганлар».

Эътибор берилса, бундай ҳолат фақат Навоий, Бобур каби мумтоз шоирлар ижодидагина эмас, балки ундан ҳатто Беруний, Ибн Сино сингари алломаларнинг у ёки бу фанга оид асарларида ҳам унумли фойдаланилганлиги маълум. Мумтоз романапис Абдулла Қодирий ҳам бундай самарали анъанани муваффақиятли давом эттиради. Айниқса, «Меҳробдан чаён» романида адибнинг шеърий санъати, маҳорати яна ҳам юқори пардаларга кўчади. Кузатишимиз-ча, «Меҳробдан чаён» романида шеърий лавҳалар юз мисрага яқин. Уларнинг ҳар бири асарда алоҳида бир ғоявий-бадий, тарбиявий-эстетик ўринга эга. Жумладан, асардаги Раъно ва Анвар дуэти, аниқроғи, мушоирасини кўз олдимизга келтирайлик.

Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси,  
Насиб ўлмиш менга гулшан аро гулларнинг «Раъно»си,

деган мисралар Анвар қаламидан қоғозга тушса, Раъно қалбида:

Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайсининг жунунидин,  
Не бахт, Раъно, харидоринг талаб аҳлининг «Мирзо»си

байти қуйилиб келади. Худди шу байт романнинг эпиграфи тарзида ҳам берилди. Зеро, адиб ушбу асарда икки ёш бахти, фожиаси, тақдири ҳақида ҳикоя қилишни мақсад қилиб олганлигидан хабардор этади. Шу туфайли мазкур байтлар икки ёш муҳаббати туташган нуқта сифатида асарда алоҳида ўринга эга.

Биз биламизки, ёзма, мумтоз адабиётимизда, халқ оғзаки ижодида бундай

айтишув, тортишув ёки «беллашув» кўп учрайди. Қўшиқ ҳолатида дуэт ҳам дейишади. Аммо бу ўринда мушоира деса хато бўлмайди. Зеро, адабиёт тарихида Амирхон ва Нодира, Фузулий ва Маҳзуна, Ғафур Ғулом ва Ғайратий мушоиралари борлиги маълум. Аммо Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги ушбу мушоира улардан фарқли ўлароқ, икки шоир мушоираси эмас, икки севишган баҳсидир. Яна у одатдагидек тахаллусли бўлмай томонлар исми айтилаётган байтга сингдириб юборилганлиги билан ҳам характерлидир. Қаҳрамонлар муҳаббати чиройли, нозик туйғуларда баён этилади. Аммо лирик сюжетда, яъни ҳис ва фикр ривожида қаҳрамонлар севгилари, орзулари олдида, аниқроғи тақдирларида қандайдир хавф ҳам борлигига урғу берилади, ташвиш кульминацияси пайдо бўлади. Шу ўринда Раъно ажойиб ўхшатишни қўллайди. Яъни инсонда сафро бузилгач ёки кўзғач, қон айланиши бузилади, ҳаётга хавф солади. Раъно ана шу тиббий баҳсда Анварни енгади. Анвар:

Ҳамиша хавфда кўнглим бу муҳаббат интиҳосидин,  
Мени ҳам этмаса Мажнун дебон Раънонинг савдоси.

деса, Раъно Анвардан ўпқаланиб:

Муҳаббат жомидин нўш айлаган аҳли зако бўлмиш,  
Фунуни тибда мажнундир кишининг куйса сафроси.

деган жавобни қайтаради.

Кўряспизки, бу шеърда фикр оқими етакчи бўлиб, у шарқона лирикага оҳорли йўналиш ҳада этади. Мисраларга насрнинг фикран сиқикроқ услуби кириб келади. Мазмун эса талмих (Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнунларга ошиқ-мошиқларни қиёслаш) санъати воситасида ифодаланади. Севги қисмати қандай кечидан ташвишлианиш (лирик конфликт) шу тахлит ҳал этилади.

Эҳтирос ва тафаккурдаги зиддиятли қутблар лирик кечинманинг ҳаётӣ, ишонарли бўлишини таъминлайди. Худди шу ўринда адиб: «Раъно ўзига қараб келгучи Анварга ер остидан кулимсираб олғач, бир оз кўриниб турган оёқ учларини сариқ атлас куйлаги билан яширди, атлас куйлакни яхшигина туртиб турган сирлик кўкраги устига ён ўрим сочларини олиб ташлади» («Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён». Т., 1992, 377-бет.) деган тасвири тизади. Бу билан адиб Раънодаги одоб, ибо, андишани кўз-кўз қилади. Айна чоғда мушоира баҳонасида унинг иккинчи бир муҳим фазилатини улуғлайди. Айниқса, Раънодаги зукколик, юксак савия, шоирлик иқтидорининг намойиши орқали ўша даврда ҳам Раъно каби истеъдодли аёллар борлигини таъкидлаш эди.

Романга киритилган ушбу мушоира ҳар икки ёшга хос бўлган покиза ишқ ва унинг тантанаси учун изчил ва сабот билан курашиш ғоясига таянади. Анвар андишасига кўра севги шажараси замзамаларига, мураккаб дамларига унча-мунча киши дош бера олмаслиги ҳам табиӣ эди. Севги икрори ва изҳорида бўлса халқ аҳъанасига кўра етакчилик йигитда – Анварда эканлиги ҳам шубҳа уйғотмайди. Унинг назокатли, маданий ва оқилона муомала соҳиби эканлиги, айна чоғда йигитларга хос шижоатли ва жасоратда устувор туриши ўқувчида катта бир тарбиявий-эстетик туйғуларни шакллантиришга хизмат қилади. Зеро, романдаги мушоира ҳар жиҳатдан далилланганлиги туйғули асарнинг ғоявий-бадий ечимида бир муҳим босқич вазифасини ўтайди. Кўриниб турибдики, адибнинг моҳир носирлиги моҳир шоир бўлишига, моҳир шоирлиги

эса етук носир бўлишига хизмат этади. Энди бу ўринда аҳъанавий ёки расмий шеъриятдаги риторика барҳам топиб, романга мансуб бўлган тафаккур тезлиги билан лирик вазият ва ҳиссиётга мувофиқ келадиган шеър санъатидан муваффақиятли фойдаланади.

Романдаги иккинчи бир характерли шеър марҳум келинчак шоира Назми қаламига мансубдир. Романнинг «Қирқ қиз» номли фаслида ана шу гўзал, аммо ўта бебахт қизнинг фожиали тақдирдан ҳикоя қилинади. Тасвирланишича, Назми Қўқон қишлоқларининг бирида истиқомат қилувчи бир камбағал деҳқоннинг фарзанди бўлиб, отасининг қарзи туйғули Худоёрхон ҳарамига зўрлаб келтирилган. Бу аламларга чидаёлмай, сил бўлиб вафот этган. Аммо шоира, нозик таъб, гўзал қиз бўлган. У ўз холасининг ўғлини севган, аҳд-паймон ҳам бўлган. Бироқ тўй арафасида зolim замона унинг туйғуларини оёқ ости қилган, таҳқир этган. Шеър-қўшиқ Назмининг ўз севгилисига бағишланган бўлиб, унда ушалмаган орзулар армони, дарди, кулфати алам билан куйланади:

Бағрим ўтда ёнади, ёрим мендан тонади,  
Кулни йўққа санади, мендан ё аразмидир?  
Мендан ё аразмидир?

Назмидан қолган бу мунгли шеърий гулдаста Нозик деган аёл томонидан рақсда ижро этилганда асар руҳига яна бир ўзгача маъно кириб келади. Маъноки, таҳқирланган аёллар тақдири, фожиаси ҳақидаги ўй-фикрлар яна ҳам чуқурлашади, теранлашади:

Тирнамағил сен ярам, йиғлатма кўб, қил карам,  
Тургон ўрнингдир ҳарам, яъни шохим базмидир!  
Яъни шохим базмидир!  
Ою йиллар йиғлаган, бағрин ҳар дам тиглаган,  
Ҳасратидан биғлаган, бахтсиз бир қиз Назмидир,  
Бахтсиз бир қиз Назмидир!

Ушбу байт охирида адиб ёзади: бу «байтлар оғир бир фожиани тасвир қиладилар: ойлар, йиллар йиғлаган, ҳасратидан хушсиз йиқилган бахтсиз бир қизнинг жонсўз бир фарёдини гавдалантириб кўрсатдилар», («Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён». Т., 1992, 402-бет.).

Чиндан ҳам мазкур қўшиқ-шеър Назми каби не-не истеъдодларнинг жаҳолат туйғули тортган азобу уқубатларини янада теранроқ англашга ёрдам беради. Энг муҳими, «севги достони» бўлмиш «Меҳробдан чаён»нинг мақсад ва вазифаларини, бадий-эстетик қирраларини янада тўлдиришга, бойитишга хизмат этади. Шеър билан наср ўзаро уйғунликда романга хос эпик ривоя билан эпик қаҳрамон тушунчасини мукамаллаштиради. Бунда шоира Назми характерининг шеърбўлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Негаки, шоиратаъб қаҳрамон ҳолати, характери насрнинг ўзида тўла ифодалаб бўлмаслиги табиӣ бўлганлигидан, адиб шеъриятга урғу беради.

Хуллас, адибнинг насрдаги шеърлари алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, улар бир томондан муаллифнинг шеърий савияси, имконияти, қолаверса маҳоратини англашга имкон берса, иккинчи томондан, насрий асарлари жозибаторлигини, ўқишлилиги ва яна маъноли бўлишига хизмат этади. Айтиш мумкинки, Абдулла Қодирийнинг наср шоири сифатида шаклланиши унинг лиро-эпик насрий услубини камолотга кўтарди. Такрорланмас ўзига хос романныс сифатида тарихга киритди.

# Barhaqot an'analari


Хоразм воҳаси ўзига хос этнофольклор ҳудудлардан биридир. Бу ерда асрлар давомида шаклланган халқ бадиий ижодкорлиги ўз моҳиятига кўра умумўзбек фольклори аънаналари билан муштарак жиҳатларга эга бўлиб, бу ҳол ундаги локал-маҳаллий хусусиятларнинг мавжудлигига моънелик қилмайди. Шундай ўзига хос хусусиятлардан бири халфачилик аъналарининг мавжудлигида кўринади. Халфачилик ўзининг бетакрор ва қадимий маданияти, беҳад улкан маънавий қадриятлари билан шуҳрат қозонган Хоразм воҳасидагина сақланиб келаётгани тасодифий эмас. Аввало, бу ҳол воҳада асрлар давомида шаклланган миллий урф-одатлар, турмуш тарзи, адабий-бадиий аъналар, маданий-маънавий ворислик, ҳудудий ижод ва ижро санъати каби соҳалардаги ўзига хосликлар билан изоҳланади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Хоразмда қадимдан хотин-қизлар мусиқа ижрочилиги ва оғзаки сўз санъатига рағбат билдиришган.

Халфачиликнинг ўзига хос хусусиятлари ижро ва ижод жараёнларининг ўзаро муносабатларида ҳам акс этади. Бу икки жиҳат бир-бири билан ўзаро мустақам алоқада бўлиб, ижрочилик халфачилик санъатининг асосий белгиси, яъни ўзак хусусиятидир. Зеро, ижрочилик бу санъатнинг ҳамма босқичларидаги барча халфалар учун муштарак хусусият бўлган бўлса, ижодкорлик асосан кейинги даврда фаолият кўрсатаётган халфаларнинг бир қисмигагина дахлдордир. Лекин бу ҳол ижодкорликнинг аҳамиятини сира ҳам пасайтирмайди, аксинча, ижро жараёнининг ўзи ижодийликнинг муайян унсурларидан фойдаланишни тақозо этади. Жумладан, бу ҳол ижро давомида қистирма мисра ва қочиримлар қўллаш, аънавий матннинг вариантлашуви, халқ куйига янгича ёндашув, тингловчилар билан қизгин мулоқот вазиятини яратиш ва бошқаларда кўринади. Шунингдек, ижро этиладиган асарлар хусусиятига кўра турли мусиқа асбоблари – гармон, дутор, рубоб, доира ёки оддий пиёлалардан танлаб фойдаланиш ҳам халфадан профессионал ижрочилик маҳорати ва ижодийликни талаб этади. Ижрога ижодий ёндашув асосан ижрочи халфаларга хос хусусиятдир. Шоира халфалар эса булардан ташқари индивидуал ижодкорлик салоҳияти билан ажралиб туришади. Бу ижодкорлик аънавий дostonлар, номаларининг ва куйларнинг нисбатан мустақил вариантларини яратиш билан бир қаторда янги оригинал термалар, қўшиқлар ва айтимлар тўқишда тўлароқ номоён бўлади. Лекин шуни унутмаслик керакки, халфаларнинг ўз ижодига мансуб бўлган бу асарларни индивидуал ижод табиатидан келиб чиққан ҳолда ёзма адабиёт намунаси деб қарамаслик керак. Чунки уларда жамоавий ижодкорлик аънаси устуворлик қилиб, воқеа ва ҳодисаларни фольклорона тафаккур асосида эстетик баҳолаш

етақчилиқ қилади. Шунинг учун шоира халфаларни ёзма адабиётга мансуб профессионал шоиралардан фарқлаш зарур. Жумладан, шоиралар ва халфалар учун бадиий фикрлаш, яъни воқеликни эстетик идрок этиш муштарак жиҳат бўлсада, шоиралар асарларида ёзма адабиётга хос жиҳатлари, халфалар ижодида эса халқ поэтик ижодиёти аънаалари таъсири яққол сезилиб туради. Шунингдек, шоираларнинг адабий жараёнга таъсири бевосита, халфаларники эса билвосита бўлади. Шу жиҳатдан халфалар ижоди маълум даражада синкретик қоришиқ характер касб этиб, бир томондан, оғзаки поэтик ижодиётга, иккинчи томондан, мусиқа ижрочилиги санъатига хос белгиларни ўзида мужассамлаштиргани билан ажралиб туради.

Халфачиликнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири устоз-шогирдлик муносабатларида кўринади. Бу аънаанинг илк даври диний китоблар қироати билан боғлиқ бўлганлиги учун саводхонлик ва ёқимли овоз соҳибаси бўлиш халфалар учун зарур бўлган энг асосий шарт эди. Устоз-шогирдлик аънаани эса нисбатан кейинги давр ҳодисасидир. Бахшичилик амалиётда шогирд тайёрлашда «халқ дostonларини эшитиш энг биринчи ва асосий шарт бўлса», халфачилиқда бунга ифодали ўқиш (қиссахон халфалар), индивидуал ижод қилиш, (шоира халфалар) ва бадихағўйликни эгаллаш (тўй қўшиқлари, келин салом ва ёр ёрларни айтувчи халфалар) каби омиллар зарур саналган. Ўтмишда халфалар ижро дастуридаги асарлар устоздан шогирдга бевосита ўрганиш ва ижро жараёнида ўтиб келган бўлса, кейинги даврларда бу ҳолат бирмунча ўзгарди. Яъни устоз халфалар ижро дастуридаги қатор асарларнинг нашр этилиши, радио ва телевидение орқали тарғиб қилиниши ёш халфаларнинг ижрочилик маҳоратини ошириш имкониятини кенгайтди. Шундай бўлсада, ҳозирги кунда ҳам давом этаётган халфачилик санъатининг ёш авлод вакиллари бу аънаадан асосан жонли ижро ва устозлар билан бевосита ижодий ҳамкорлик жараёнида кўпроқ бахраманд бўлмоқдалар. Ирода Искандарова, Зумрад Мадримова, Санамжон Отаева, Хуршида Эшниёзова, Дилбар Бектурдиевалар халфачилик аънааларини ижобий ўзлаштирган ҳолда ўз ижро дастурларини замонавий қўшиқлар, термалар билан бойитишмоқда. Булар орасида миллий аънааларни куйлаш, бахтли ёшлик ва ҳаётни мадҳ етувчи қўшиқлар талайгина. Хива санъат мактабида махсус халфачилик гуруҳи ташкил этилиб, ёш истеъодлар бу санъатни бугун ҳам давом эттирмоқдалар.

Моҳичеҳра ШОМУРОДОВА



# Yozuvchining mahoratini jamiyat belgilaydi

«Йўл-йўлакай учрашганларнинг ҳозиргача фақат 999 саволига йўл-йўлакай берган жавобларим» китобидан

\* \* \*

— Ёзувчи ва жамият ҳақидаги фикрингиз...

— Биласизми, ёзувчи жамиятни эмас, жамият ёзувчини яратади. Тўғриси, ёзувчини жамиятга халқ беради. Жамият бўлса ўша ёзувчини шакллантиради. Яъни, ёзувчининг қандай ёзувчи эканини жамият белгилайди. Ёзувчи жамиятга халқнинг дарди, орзу-армонларини айтади ва ёзувчи жамият фойдаси учун хизмат қилади. Шунга қараб ёзувчининг камолоти белгиланади, у ёзган асарларнинг кадр-қиммати аниқланади, бадий маҳорати баҳоланади.

Масалан, собиқ шўро даврида қанчадан қанча ёзувчилар бор эди. Уларнинг кўпчилиги ўша даврни улуғлайдиган, ҳукмрон сиёсат мафаатини кўзлаб хизмат қиладиган ёзувчилар эди. Бироқ ўша даврда ҳам ўз халқининг, ўз миллатининг манфаатини кўриқлайдиган, инсон ҳурматини юқори кўядиган ёзувчилар ҳам бор эди. Уларнинг аксариятини ўша жамият «миллатчи» сифатида қатағон қилди. Тоталитар тузум ҳаёт ҳақиқатини бузиб кўрсатишга, миллатлар тарихини кўмиб ташлашга ҳамда миллий ифтихорни йўқотиб юборишга ҳаракат қилди. Бироқ инсоннинг ор-номуси мустаҳкам экан, ҳар бир ақл-заковатли инсон миллатининг миллий ўзаги қувватини йўқотмаган экан. Мана, мустақил мамлакат бўлди!

\* \* \*

— Бадий ижодда ҳаммуаллифликка қандай қарайсиз?

— Адабиёт тарихида ҳаммуаллифликда ёзилган асарлар ҳам учрайди. Менинча, ҳаммуаллифлик — бир машинанинг рулини икки киши ушлагани янглиғ ҳодиса. Бунинг бир ёмон томони шундаки, машина ҳалокатга учраса (асар сифатсиз чиқса), рулни бошқарган икки кишининг қай бирини айблаш кераклигини аниқлаш мушкул муаммо туғдиради.

\* \* \*

— Баъзи бировлар «Китобни оёғинг билан босма, унинг жони бор» дейишади. Шу гапга ишонса бўладими?

— Ишонинг. Китоб, ҳақиқатан ҳам, мисоли қаттиқ уйкудаги инсон каби нафас олиб ётган жонли нарса. Агар уни ётган еридан кўлингизга олиб, бетларини очиб қарасангиз, у секин уйғонади ва сиз аввал эшитмаган, билмаган воқеаларни, ҳикматларни сўзлаб, ҳикоя қила бошлайди...

\* \* \*

— Ёзувчи бўлиш ниятим бор эди. Адабиёт — боши ва охири йўқ чексиз денгиз, деган бир фикрни ўқиб, кўрқа бошладим. Сиз нима дейсиз?

— Менинча, адабиёт денгизгина эмас, бепоён ва чексиз уммондир. Унда эркин сузиш учун фақатгина истеъдоднинг ўзи етарли эмас. Кўп ўқиш, кўп ўрганиш орқалигина чор атрофингда

айланаётган ҳаёт гирдобларининг бир-биридан фарқини англаш укувига эришмоғинг шарт. Шундан сўнг таваккал қилсанг бўлади.

\* \* \*

— Образга кириш дегани нима?

— Ёзувчи астойдил образга кириб кетса, ўзи ёзаётган асардаги қаҳрамонларнинг ашаддий муҳлисига айланиб қолганини сезмай қолади. Масалан, улғу ёзувчи Лев Толстой ўзи тасвирлаган образи Наташанинг князь Андрейга хиёнат қилиб кўйганига чидай олмай, ижодхонасидан йиғлаб чиқиб кетган экан. Образга кириш мана шунга ўхшаш ҳодиса.

\* \* \*

— Бир асарингизни «Нариги дунёдаги бобомга хатлар» деб номлагансиз. Ўша хатлар...

— Америка ёзувчиси Эрнест Хемингуэйдан бир танқидчи: «Сиз романларингизда тасвирлаган шаҳарларда бўлганмисиз?» — деб сўраганда у «Мен Дантега «Сиз «Дўзах»ни ёзиш олдидан дўзахни ўзингиз кўрганмисиз?» деб савол бермаган бўлар эдим», деган экан.

Бу ёғидан ўзингиз хулоса чиқарарсиз.

\* \* \*

— Қайси қаҳрамонингизда сизнинг қиёфангиз кўринади?

— Менинча, ёзувчининг ўзининг образи у яратган маълум бир қаҳрамонда эмас, унинг асар-

ларидаги барча қаҳрамонлар характеридаги сочилиб яшайди.

\* \* \*

— **Адабиётнинг жамиятдаги ўрни?**

— Бадий адабиёт жамиятни ўзида кўрсатадиган кўзгу бўлиши билан биргаликда жамоатчиликка тарбиявий насиҳат берувчи она ҳамдир.

\* \* \*

— **Бир сюжетни ҳар хил жанрда ёзадиганлар бор. Сизнинг бунга муносабатингиз қандай?**

— Бундай қилиш, менинча, сигирнинг яйловда ўтлаб келиб, қўрада кавш қайтаргани сингари бир ҳодиса... От кавш қайтармайди. Менга отнинг феъли маъқул.

\* \* \*

— **Яқинда бир ёши катта ёзувчи менга мавзу бериб: «Тез ёз, бўлмаса, бошқалар ёзиб қўяди», деди. Сиз қандай маслаҳат берасиз?**

— Ёш ёзувчига бундай маслаҳат бериш тажрибасиз онанинг боласини бешикка белаб бўлиб «Тез ухла, бўлмаса, сени шогол олиб кетади», деганидай гап, айлана-йин.

\* \* \*

— **Адабиётни қандай макон дейиш мумкин?**

— Адабиёт тўйхона эмас, лекин Тангри таоло тошқин истеъдод берган инсонлар учун тор эшикли меҳнатхонадир.

\* \* \*

— **Ватанпарварлик дегани нима?**

— Ватанпарварлик — биринчи навбатда, халқига, ватанига чин маънодаги муҳаббат. Улуғ рус ёзувчиси Алексей Николаевич Толстойнинг сўзлари билан айтганда: «Ватанпарварлик — бу фақатгина ватанга муҳаббатдан иборат эмас. Ватанпарварлик бу — ўзингни ватаннинг ажралмас бир бўлаги сифатида ҳис этиш, унинг ўтида ёниш, сувида қайнаш. Нафасинг узилгандан кейин унинг муқаддас тупроғига сингиб кетиш умидида яшашдир».

\* \* \*

— **Биров менга «Ҳаётингнинг калитини йўқотма!» деди. Ҳаётинг калити бўладими?**

— Бўлганда қандай! Ҳаётнинг калити — ақлга асосланган фикрлар, сўзлар, ишлар. Эсингда тут, ҳеч қачон унутма, ўз ақлини тўғри бошқарган инсон ҳар қандай қийин шароитларда ҳам ҳаётдан ўзига керакли йўллар топиб, хоҳлаган эшигини очадиган калитларга эга бўлади.

\* \* \*

— **Асар ёзишга киришиш олдидagi ва ёзаётган пайтдаги ҳолатингиз?**

— Бундай саволлар менга кўп берилган. Такрор бўлса ҳам менадан бурунги ёзувчиларнинг бу ҳақда айтган баъзи сўзларини яна бир бора эслатиб ўтаман: Француз ёзувчиси Гюстав Флобер: «Ёзишни бошласам, ёнимда биров тонгдан кечкурунча бақириб турса ҳам, менга умуман таъсир қилмайди», деган экан. Лев Толстой: «Мен жумлаларни товуш чиқариб гапириб ўтириб пишираман. Кимдир бундай қилмаса ҳам, майли. Бироқ бу одат дастлаб оила аъзоларинг олдидан ўнғайсиз туюлса ҳам, кейинроқ улар бунга кўникиб кетишаркан», — деган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек ёзишни бошлашдан олдин ижодхонасига кириб, у ёқ-бу ёққа тинимсиз юриб, гоҳ қўлларини бир-бирига муштлаб, гоҳ бошини ушлаб, турли қилиқлар қилиб, ўз-ўзига гапириб, қаҳрамонларининг образларига кириб бўлгандан сўнг ёзишни бошлар экан. Балким, менда ҳам ўша адилларга ўхшаш одатлар бордир. Бироқ улар ўзимга эмас, ўзгаларга яхшироқ сезилади.

\* \* \*

— **Энг кўп асар ёзган ва нашр этган ёзувчиларни биласизми?**

— Англиялик ёзувчи аёл Урса Блом (1893-1984) кўп асар ёзиш бўйича дунёга машҳур. Унинг илк «Йўлбарс» номли роман-эртаги 1900 йилда нашр этилган пайтда у ҳали етти ёшда экан. Ёзувчи 1984 йили 91 ёшида оламдан ўтунига қадар 600 та роман ёзишга улгурган экан. Ундан кейинги ўринда рус бадий сўз устаси, ёзувчи Владимир Иванович Дал (1801-1872) туради. У ўн тўрт жилдлик «Рус тилининг изоҳли луғати»дан ташқари 145 қисса ва ҳикоялар ҳамда «Матросские досуги» («Денгизчиларнинг бўш



Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
халқ ёзувчиси

вақти») номли тўплами учун 62 атамада ҳар хил тарихий маълумотлар ёзиб, минглаб эртақларни, 30 мингдан зиёд нақл ва мақолларни қайта ишлаган.

\* \* \*

— **XX аср атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорни устоз сифатида тилга оласиз. Агар шундай бўлса, устозингизнинг қандай насиҳатлари эсингизда қолган?**

— Биринчидан, шуни билиб қўйингки, ўтмишдаги улуғ шоирлар яратган ўзбек адабиёти — бутун жаҳон ёзувчилари учун бетакрор устоз! Ана ўша бетакрор устознинг асарларидаги бадий маҳорат сирлари ўтида қайнаб товланиш билан Европа адабиётининг тиниқ қаймоқларида обдон чўмилган Абдулла Қаҳҳорни бир мен эмас, ҳатто ўз тенгдошлари ҳам устоз деб тан олар эдилар. У «Адабиёт — атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарфламаслик керак», деб қўяр эди.

Шу билан бирга у адабиётимизнинг келажаги ҳақида кўпроқ жон куйдириб Улмас Умарбеков, Учқун Назаров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмировавни ўзбек адабиётининг оғир кемасини буюк келажакқа қараб элтадиган дарғалар сифатида айрича меҳр билан таърифлар эди. У киши менга: «Мен айтган истеъдодли ёшлар билан қалин дўст бўл... адабиётимиз, унинг келажаги ҳали сени ҳам юқори баҳолашни унутмайди», дерди.

Қорақалпоқ тилидан  
Рустам МУСУРМОН  
таржимаси



Агар қилаётган ишинг ўзингга ёқса, чарчамайсан, аксинча, дам оласан, дейишади. Инсон қайси соҳада ишламасин, ўз меҳнатидан қониқмаса, меҳрини бермаса, муҳаббат билан ёндашмаса, умри бесамар кетибди. Журналистлар ҳам ўз касбига муҳаббати туфайли ўзининг овози, қалами билан инсонлар кўнглида юртга, табиатга, тинчликка, одамларга, умуман, ҳаётга, борлиққа муҳаббат уйғотади. Чунки севган қалб ҳимоя қилади, авайлаб-асрайди, курашади. Биз инсониятда кўрмоқчи бўлган барча фазилатларнинг онаси – муҳаббат. Ўз касбига муҳаббат қаламкашни эл ичида ардоқли қилади. Унинг меҳнатлари муносиб эътироф этилади. Шу заҳматкашларнинг самарали меҳнатлари эвазига теле-радио орқали янгиликлардан хабардор бўламиз, уларнинг кечани кеча кундузни кундуз демай елиб-югуришлари натижасида хонадонларимизга китоблар, газета ва журналлар кириб келади. Радио, телевидение, матбуот ва ноширлик қаторига янги аср интернет журналистикасини ҳам қўшди. Ахборот олишнинг манбалари кўпайди. Энди олдинда оқни қорадан, яхшини ёмондар, ростни ёлғондан ажратиш масаласи туради. Бунга журналист ўзининг иқтидори, тафаккури, билими ва устозлар ёрдамида эгаллаган малакаси туфайли эришади.

# HAYOT HAQIQATINI AKS ETTIRISH ASOSIY MAQSADIMIZ

Сайди УМИРОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи:

– «Гулистон» – файзли, шукуҳли, чиройли ном. Кўп кўча, маҳалла, манзиллар шу ном билан аталади. Ҳатто қизларимизга ҳам шу гўзал номни беришади. Ҳам ш а р а ф л и , ҳам масъулиятли ном. Кимга қандай, мен шу қутлуғ номдаги уч нарсани – Саъдийнинг машҳур достонини, Мир-



зачўл бағрида қад кўтарган шаҳарни, ижтимоий-сиёсий, илмий-бадий, маданий-маърифий журнални алоҳида эъзозлайман. Касбим тақазосига кўра, «Гулистон»нинг ўтган аср олтмишинчи, етмишинчи йиллардаги чиқиши билан тезда сотилиб кетадиган, қўлма-қўл ўқиладиган сонларининг, ундаги дадил ва далилли, мазмундор ва мароқли мақолаларини адабиётимизга гуриллаб кириб

келаётган ёшларнинг сара шеър, ҳикояларини, «Темур тузуклари»ни илк бор чоп этиб ҳукмрон мафқуранинг найзасига кўксини қалқон, жамоасини ҳимоя қилган фидойи адиб Иброҳим Раҳимни, машинада пахта теришни минг тоннага етказишдек ёлғон ташаббус, совлиқлардан қоракўл тери олишда сифатини пасайтириш эвазига сонини кўпайтиришдек сохта ҳаракатларга қарши жасоратли, ҳаққоний мақолалар чиқишига изн берган журнал саҳифаларини парвозга шайланган ёш истеъодларнинг сарт майдончасига айлантирган, бағри кенг муҳаррир, таниқли адиб Асқад Мухторни мамнуният билан эслайман. Шу йилларда таҳририятда ишлаган ёш ходимлар кейинчалик таниқли шоир, адиб, олим, мунаққид, муҳаррирлар бўлиб етишишди.

Мустабид тузум даврида, ҳукмрон мафқура гурзисини кўтариб, очиқ ва пинҳоний тазйиқлар бўлиб тургандаки, «Гулистон» шундай зўр чиқиб, ўқувчилар меҳрини қозонган бўлса, эндиликда Истиклол замонида ҳамма-ҳамма имкониятлар яратилган шароитда журнални янада мазмундор, мароқли нашрга айлантириш имкони мавжуд. Жамоанинг бетиним изланиши, интилиши, меҳнати, журъат, илҳом, маҳоратга вобаста бўлган сара журналнинг мавқеи ошаверади, ўқувчиси, адади кўпаяверади. Ҳозир таҳририятда ёш, истеъодли ижодкорлар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг қўлидан кўп ишлар келишига ишончимиз комил.

Қуддус АЪЗАМ, Ўзбекистон телерадиоканали «Янги жамият» студияси бош муҳаррири:

– 1990 йилда устозим Нажмиддин Комилов раҳбарлигида «Абдулла Қодирий ижодининг ўзига хос томонлари» мавзусида номзодлик ишимни ҳимоя қилдим. 1991 йилда мамлакатимиз мустақилликка эришди. Бу кўплаб юртдошларимиз қатори менинг ҳам ҳаётимда улкан

бурилиш ясади. Мен қалбимдаги туғёнларимни мақолаларимда, чиқишларимда акс эттира бошладим. Шундан журналистика соҳаси менинг ҳаётим мазмунига айланди.

Ҳар бир тарихий даврнинг ўз ҳаётий талаби бор. Мустақилликка эришилгач, табиий равишда босқичма-босқич ривожланиш даври бўлди. Мустақилликни мустаҳкамлаш, ўз йўлини танлаб, бу йўлда ҳаракат қилаёт-



ган ёш давлатнинг атрофидаги ҳар хил кучларнинг асл қиёфасини кўрсатиш учун оммавий ахборот воситалари халқ билан ҳукумат ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилди.


Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқ ичига кириб бориб, уларнинг муаммоларини бартараф қилиш учун барча соҳаларда туб ислохотлар бошлаб юборди. Таълимни оласизми, тиббиётини, ички ишлар тизими, маҳаллалар, умуман, қайси бир соҳага қарамайлик, ўзгаришлар рўй бермоқда. Биз яловбардор бўлиб, иллатларга қарши мурасасиз курашишимиз керак. Оммавий ахборот воситалари виждонан ишламаса иллатлар кўпаяди. Бугунги кун журналистикаси жамият ривожига ҳисса қўшиши керак. Шунинг учун ҳам ҳақиқий журналистлар миллат виждони дейилади.

Бугунги глобаллашув даврида бир сония бўлса ҳам хотиржамликка берилиб бўлмайди. Ахборот маконимизда ўзимиз етакчи бўлмасак, ёшлар онгу тафаккурини ҳар хил ёт ғоялар билан тўлдирмоқчи бўлган кучлар етакчилигини қўлга олишади. Буни бугун чет давлатларда юз бераётган таҳликали вазиятлар мисолида кўриб туриб-

миз. Замон журналист-дан фаоликни талаб қилади. Барча ёвуз кучларга биз ҳолилик билан, тараққий-етимизга

рахна солаётган муаммоларга дадиллик билан жавоб топишимиз керак. Давр талабидан келиб чиқиб, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида халқимизнинг юрагидан жой оладиган материаллар тайёрлашимиз муҳим.

Барча ҳамкасбларимни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни билан табриклаб, ҳамisha, ҳар қандай шароитда миллат виждони бўлиб қолишларининг тилақдошиман.



**Ҳалима АХМЕДОВА,**  
**«Ўзбекистон» телерадиоканали, мусиқий ва кўн-гилочар эшиттиришлар муҳарририяти бўлим муҳаррири:**



– Мени бу соҳага қисмат етаклаб келган. Мактабда ўқиб юрган кезларим барча тадбирларнинг ташаббускори эдим. Университетни тугатиб, Навоий вилоятидаги педагогика

коллежида бирор йил ишладим. Барибир қаламим мени журналистика соҳасига тортиб кетди. Бир неча йил турли газеталарда ишладим. Барибир айтадиган гапимнинг руҳи ҳам халққа етиб боришини истадим. Ўзбекистон радиосига ишга келиб, ўз ишимдан қониқиш ҳис қилгандек бўлдим.

Менимча қадимда кўчама-кўча «Одамлару одамлар, эшитмадим деманглар!» деб хабар тарқатиб юрган жар-

чилар ҳам халқ орасидан овози, нутқига қараб танлаб олинган. Бугунги кун журналисти ҳам халқ билан ҳукумат ўртасидаги воситачи, хабарчи. Халқ руҳининг таржимонлари. Агар у рост ёзса, жамият ривожига ҳисса қўшади. Осмонга боқиб, «Сомон йўли»ни кузатганмисиз, журналистнинг йўли жамиятдаги мовий, шаффоф йўл. Унда тозалик муҳим. Унда ҳақиқат аҳамиятли.

Радионинг тоши оғир. Ҳар бир эшиттиришни тайёрлар эканман, кўз ўнгимда тингловчим туради. Энг чекка қишлоқларда яшаётган, йўлда кетаётган, дам олиб ўтирган, умуман, ҳар хил тоифадаги тингловчилар мени эшитса, нимадир олсин, ўтган вақтига ачинмасин, маънавий олами бойисин, дейман. Радио журналисти теран тафаккурли, қалами ўткир, овозида характер бўлиши керак. Мен радиоканаллар кўпайганидан қанчалар қувонсам, эшиттиришлар сифати, савиясидан шунчалар ташвишланаман. Радио мулоқот майдони. Уни ўйинга, олди-қочдига араштиришга ҳақимиз йўқ. Тингловчиларимиз овозимиз орқали ёниқ юракларимизнинг акс-садосини эшитиб турсин.

Республикамиздаги барча журналистларни, қалам-кашларни, маънавият ва маърифат тарғиботчиларини шарафли касб байрамимиз билан табриклайман.

**Муҳаммад АМИН,**  
**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомухбири:**

– Инсоннинг қалб кўзи бўлади деган гап бор. Журналист учун бу жуда муҳим. Кечаётган воқеа-ҳодисаларни кузатиш, таҳлил қилиш ва ҳаққоний равишда халққа етказиш учун уйғоқ қалб кўзи керак. Мен шу соҳада фаолият бошлаганимга ўттиз тўрт йил бўлди. Фотожурналист энг ҳушёр, энг тийрак касб эгаси. Бугунги кунда суратга тушиш, ва туширишнинг имкониятлари кенг. Бироқ лаҳзаларни муҳрлаш, уларни илғай билиш катта маҳорат.

Спорт соҳасини кўпроқ ёритганим учун олимпиадаларда, мусобақаларда спортчиларимиз билан кўплаб хорижий давлатларда бўлдим. Ҳамкасбларимнинг ижодий ишлари билан қизиқдим. Барчамиз бирдек суратга олсак ҳам ўз ватандошимнинг чиқиши менга завқ беради. Спортнинг нозик томонларини билмасангиз, мусобақа жараёнини суратга олиш қийин. Ҳамюртларимиз ғалаба

шоҳсупасига чиқиб, мадҳиямиз янграган дақиқаларни кўзимда ёш билан суратга оламан. Бу касбнинг саодати.

Шунингдек, касбга муҳаббат ва садоқат бўлсагина, сизнинг ишингиз кўнгиллارга сурур олиб киради. Энг муҳими тарқатилган хабарнинг ҳужжати бўлиб, биз туширган суратлар хизмат қилар экан, объектга юқорида таъкидлаганим – кўнгил кўзи билан қаралади.



(Давоми 44-бетда)



# *Нолу хатинг хаёлидин...*

***Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулгузор,  
Гаҳи кўзумга хол тушубтур, гаҳи ғубор.***

***Юзунгда хол сафҳада томған киби қаро,  
Холинг малоҳати туз эрурким қарода бор.***

***Жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг,  
Ўт шуъласида айла гумон бир ўчуқ шарор.***

***Билмон, кўнгулда холларингнинг хаёлидур,  
Ё кирпигинг тиканларин айлабсен устивор?***

***Ҳар дам кўнгул ҳалоку кўзум тийра бўлмоғин  
Билгай бировки, ёри эрур шўху холдор.***

***Машшотайи қазо безамиш холу хаттини,  
Беихтиёрлиқда манга борму ихтиёр?***

***Мискин Навоий холи лабинг кўрса жон берур,  
Боқсанг не бўлди сурати ҳолига, эй нигор?!***

Эй сарв қоматли, гул юзли Сенинг холу хатинг (хол устидаги бир мўй, қил)нинг хаёли, ишқидан гоҳ кўзимга хол тушади, гоҳ ғубор.

***Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулгузор,  
Гаҳи кўзумга хол тушубтур, гаҳи ғубор.***

Кўзга хол (доғ) ва ғубор тушиши юзнинг ёрқинлиги (узори) туфайлидир. Тасаввуфий маънода хол вужуд (борлик) доирасининг маркази бўлиб, бутун мавжуд оламларни ихота этади. Ваҳдат нуқтаси холга менгзалади («Муриду-л-ушшоқ»). Ваҳдат нуқтасидан таралган нур кўзни қамаштириши (кўзга хол ёки ғубор бўлиб тушиши) нур таратувчининг кудратидандир. Хат тасаввуфий маънода сулук (йўл)нинг бошланишида турган сўфийнинг илк ҳолати. Унга нур тушиши билан қалби, йўли ва келажаги ёришади. Сарв тик бўл-

ганидан тўғрилиқка, ҳидоятга ишора. Гул эса илоҳий лутфдан очилган чечак, гулгузор бўлиши билан унинг гулга монандлиги эслатилади. Бу ишоратларни тушуниш учун кейинги байтга юзланамиз:

***Юзунгда хол сафҳада томған киби қаро,  
Холинг малоҳати туз эрурким қарода бор.***

Юзингдаги хол шунчалар қораки, гўё оқ саҳифага томған сиёҳ кабидир. Лекин бу тасодифан томиб кетган сиёҳ томчиси эмас, балки холингнинг малоҳати менинг қора (пешона)мга туз (тўғри) ёзилган эди. Холнинг қоралиги, унинг (ранги) ва улуғлигига ишора (туркчада қора – улуғ, катта). Холнинг малоҳати менинг қисматимда бор эканки, у туфайли мен тўғри (туз – ҳидоят) йўлга кирдим.

***Жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг,  
Ўт шуъласида айла гумон бир ўчуқ шарор.***

Менинг жонимни ёруғ юзинг ва қора холинг ўртаётганини билмасанг, бу ўт аланга шуъласидан қолган бир ўчуқ шарор (учқун) бордир. Юз ва хол нур, гўзаллик ташимоқдаки, бу осонгина қабул этилаётгани йўқ (мен томонимдан), жонимни ўртаётган бўлса-да, мен уни қабул этаётганимни унинг менда акс этаётган бир шуъласи ёки учқунда кўргин.

***Билмон, кўнгулда холларингнинг хаёлидур,  
Ё кирпигинг тиканларин айлабсен устивор?***

Билмадим, менинг кўнглимдаги холларингнинг хаёли кипригинг тиканларидан устивор (мустаҳкам) бўлганмикан? Ошиқ қалбига биргина хол эмас, холлар хаёли кириб келмоқда. Бунинг сабаби хаёлнинг паришонлигидагина

эмас, балки киприк тиконлар мустаҳкам қилиб қурилганидандир. Орифнинг солиҳ амалига кўра, Тангрининг назар ва инояти туфайли кўнгилдаги холларнинг хаёли тиканлар каби устивор қилинганлигидандир.

**Ҳар дам кўнгул ҳалоку кўзум тийра бўлмоғин  
Билгай бировки, ёри эрур шўху холдор.**

Ҳар сафар (доим) менинг кўнглим ҳалоку кўзим тийра (қоронғу) бўлганини кимнинг ёри шўх ва холдор бўлса, ўша билиши мумкин. Чунки юзинг ва холинг кўнглимни ҳалок қилган ва кўз ўнгимни қоронғилаштирган эди. Кўнгил ўз ҳолидан ўзгариб ҳалок бўлар экан, аввал унинг кўз ўнги қоронғилашади, буни кимнинг кўнглига ошиқлик тақдири тушган бўлсагина, ўша билди. Бу ўринда шўх ва холдор мажозий маънодан ташқари ботинда хол, яъни ваҳдат нуқтасининг эгаси ва унинг ҳар нарсага қодирлигига ишора бўлиб келади.

**Машшотайи қазо безамиш холу хаттини,  
Беихтиёрликда манга борму ихтиёр?**

Қазо машшота (пардозчи, бугунги истилоҳда услубчи-стилист)си сени хол ва хат билан безаган бўлиб, менга ихтиёр қолдирмаганки, мен беихтиёр, ихтиёрим кўлимдан кетган. Сени Аллоҳ яратаётганда хол ва хат билан безантирганки, менда ихтиёр қолдирмай, менинг сенга ошиқлигимни ўша ондаёқ белгилаб қўйган. Қазо машшотаси – вақтида бўлмаган бир ишни кейинроқ бажармоқ маъносидадир. Демак, буюк Яратувчи сени холу хат билан безаб қўйиб, ўз вақтида менинг ошиқлигимни белгиламаган эканки, мен энди кўриб, холу хатингга кўнглим ҳалок ва кўзим тийра бўлди.

**Мискин Навоий холи лабинг кўрса жон берур,  
Боқсанг не бўлди сурати ҳолига, эй нигор?!**

Мискин (бечора) Навоий холинг ва лабингни кўриб жон бераётир, эй нигор, сени унинг сурат (ташқи кўриниши) ва ҳоли (ички изтироблари)га боқсанг – қарасанг ва бу билан уни даволасанг ёки бир йўла жаннатмакон қилсанг нима бўлади? Холу лабингни кўрибоқ Навоий бечорахол бўлди (унинг мискинлиги шунда), энди унинг су-



рати (ташқи кўриниши) ва ҳоли (ички ҳолати)га назар боқсанг бўлмасми? Бунда боқишлик – қарамоқлик, назар солмоқлик, иккинчидан эса, боқмоқ ҳалок бўларли ҳолатга келган кўнгилни илоҳий нур билан тўйинтирмоқдир.

Ҳазалда мажозий маъно ҳақиқий-илоҳий мазмун билан шундай қоришиқ ҳолда ифода этиладики, бу Илоҳдан нур олиб гўзаллашган қалбнинг бошқа кўнгилларни ҳам ўзига ошуфта қилиш орқали ҳидоят йўли сари юрмоқлигидир.

Хоразм сегоҳи усулида ижро этиладиган куй билан мужассамлашган бу соҳир сўзлар қўшиққа айланиб, янада улугворликни, ҳар бир қалбга етиб бора оладиган даражада мушаккалликни ташкил қилади.

Ҳамид УБАЙДУЛЛОХ

# ҲАХШИЛИК

Одил ЁҚУБОВ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Ҳикоя

Мен ҳар сафар Мунаввар келинойимни эслаганимда кейинчалик рўй берган бу оғир воқеа эмас, дилимда сал маънос ва илиқ ҳислар уйғонган ёз куни эсимга тушади.

...Бувимнинг серсоя боғи қариндош-уруғларимизга, тоғамнинг ёр-биродарларига тўлган: биров ўчоқ қурмоқда, биров ўтин ёрмоқда, биров ҳовлига сув сепиб, сўрига палос ёзмоқда. Кечқурун тўй!

Бу шодиёнадан ҳамма хурсанд, мен ҳам йиғилган болаларга қўшилиб шовқин кўтараман, дам шотутга ўрмалаб, каптар уяларидан тухум қидираман...

Тўсатдан мирзатеракка чирмашиб ўсган аймақи ток орасидан бувимнинг боши кўринади. У мени имлаб чақиради, қўлидаги рўмолидан дўппимга икки-уч бош чиллаки узум солади:

— Бор, меҳмонхонага элтиб бер. Тоғанг билан келинойинг... татиб кўришин.

Мен дўппимни кўкрагимга босиб меҳмонхонага қараб чопмоқчи бўламан, лекин бувим қўлимдан ушлаб тўхтади, ён-верига қараб секин дейди:

— Мабодо... «ўтир», дейишса, ўтирмагин тагин. Бир нафас бўлсаям бирга бўлишин. Эртага... — Бувим, лаблари пирпираб, гапиролмай қолади, рўмолининг учини кўзига босади-ю, имо қилади: — Бор!

...Тоғам эртага урушга кетади. У кеча кечқурун келинойимни Тошкентдан «олиб қочиб келган». Қўлоғимга чалинган шивир-шивирларга қараганда, улар институтда бирга ўқишар экан. Кечаси уйимиз хотин-халажга тўлиб, келинойимни кўролмаган эдим, бугун эрталаб подадан қайтаётди, булоқ бошида кўриб қолдим.

Тоғам булоқ бўйига чўнқайиб, юзини ювар, келинойим эса эгнида атлас кўйлак, бошида четларига гунафша ранг гул тикилган ипак дурра, елкасида сочиқ, қўлида челақ, унинг ёнида турарди.

Келинойим новча, ҳатто тоғамдан ҳам новчароқ, — мен буни тоғам ювиниб бўлиб, қаддини ростлаганида пайқадим, — узунчоқ юзли, нозиккина қиз эди. Мени айникса унинг хиёл маънос қора кўзлари ҳайратда қолдирди. Умуман унинг бутун вужудида, очиқ, мулойим чехрасида, ўйчан тикилиб туришида бўлакча бир ғамгинлик бор эди.

Мен уларга сездирмай ўтиб кетмоқчи эдим, тоғам кўриб қолиб, олдига чақириб олди.

— Мана, танишиб кўйинг, Мунаввархон, — деди у. — Боя сизга айтган жияним Мансур полвон шу йигитча бўлади. Мен кетганда биров сизни ранжитадиган бўлса... шу йигитга айтиб кўясиз...

Келинойим челақни чап кўлига олиб, ўнг кўлини менга чўзди, қошларини чимираиб, мулойим жилмайди.

— Шунақами? Тоғангиз кетганда мени биров хафа қилса... ён босасизми менга, Мансуржон?

Мен қизариб нимадир деб, ғудрандим. Менинг ўрнимга тоғам жавоб берди:

— Ён босиш ҳам гапми, сизни ранжитган одамнинг калласини олади жияним, лаббай?

Келинойим менга қараб кўзини қисди:

— Кўйинг, ҳаммани ўзингизга ўхшаган зўравон деб ўйламанг!

Тоғам қаҳ-қаҳ отиб кулди. Мен эсам, кўнглим ажиб бир ҳисларга тўлиб, ўзим-



ни боққа урдим. Ўшандан бери кўз олдидан келин-ойимнинг ўйчан чехраси, кулоқларимдан эркалаб айтган гаплари кетмас эди.

... Қишлоқи соддаликни қаранг! Хаёлимда ҳеч нарса йўқ, чопганимча бориб меҳмонхонанинг эшигини шарақлатиб очибман! Тўрда ўтирган келинойим чўчиб ўгирилди. Тоғам бошини келинойимнинг тиззасига қўйиб, сочларини ўйнаб ётган экан, ўзини четга олди-ю, мени кўриб яна тишларини ярқиратди:

— Э, сенмисан, полвон? Кел.

— Ҳа, шу... бувимлар узум бериб юбордилар...

— Бувингларми? — яна кулди тоғам. — Қани, опке, узум бўлса, маза қилиб туширайлик бир.

Мен узумни уларнинг олдидаги дастурхонга қўярканман, келинойимнинг кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш кўрдим. Узумни қўйиб, дарҳол орқамга қайтмоқчи эдим, келинойим кўрсаткич бармоғи билан кўз ёшларини сидириб ташлади-да, кўлимдан ушлади.

— Ўтиринг, Мансуржон, бирга узум еймиз.

Тоғам ҳам истар-истамас таклиф қилди:

— Ўтир!

У бир бош узумни келинойимга тутаркан, менга кўзини қисди:

— Биласанми, нимага йиғлаяпти келинойинг! Тўй эскича бўлсин эмиш, чимилдиққа кирармишлар...

— Ҳа, кирмоқчиман, — деди келинойим.

— Икки букилиб амма-холаларингга салом бермоқчи эмишлар...

Келинойим учун, ингичка бармоқлари билан узум доналарини битта-битта узиб оғзига соларкан:

— Нега куласиз? — деди. — Умримизда бир марта бўладиган тўй, ҳаммасини кўрсам дейман. Ойим бечораниям хафа қилманг. Майли, чимилдиқ тутишсин, «келин салом» қилишсин, қизлар лапар айтишсин...

— Ана холос! Сал кам олий маълумотли келин-ойимнинг гапларига қара!..

— Олий маълумотли бўлсам нима бўпти? Ахир сиз эртага урушга...

Келинойим гапиролмай юзини четга бурди.

— Хўп, хўп, таслим бўлдиқ, азизим! Майли, чимилдиққаям киринг, амма-холалариниям хурсанд қилинг. Фақат йиғламанг, жоним. Қани, кўз ёшингизни артинг, бир жилмайинг!.. — Тоғам кулиб келинойимнинг сочларидан тортқилади. Лекин у ҳам тўлиб тургани, ўзига далда бериш учунгина зўраки кулаётгани шундоқ сезилиб турарди... Кўнглим бир хил бўлиб, секин чиқиб кетдим...

Оқшом тўй бўлди. Сўлим ёз кечаси қишлоқ боғлари устида маъёс куйлар, айрилиқ ҳисларига тўла ҳазин лапарлар янгради. Келин келаётганда (уни кўшнимизникидан чиқаришди), дарвоза олдига гулхан ёқишиб, йигитлар йўлга арқон тутишди. Бувим кўлида бир ҳовуч танга, дам йиғлаб, дам кулиб, келиннинг бошидан пул сочи. Қиз-йигитлар айрилиқ ва ҳижрон аламини тамом унутмоқчи бўлгандай, тонг отгунча ўйин қилишди. Эрталаб эса гузгарга йиғилган халойиқ тоғам бошлиқ ўттиз нафар йигитни кўз ёши ва дуолар билан кузатиб қолишди...

Тоғам кетгандан кейин келинойим ўзини қаёққа уришини билмай, оламга сиғмай қолди. У худди олис ва нотаниш жойга тушиб қолган кийик боласига ўхшар,

атрофида гиргиттон бўлган қариндош-уруғлар билан, ҳатто бувим билан ҳам кўп ёзилиб гаплашавермас, аксарият боғни ёлғиз кезар, катта-катта кўзларини олис-олисларга тикиб узоқ ўйга чўмар эди.

Мен баъзан унга ҳар хил китоблар олиб келиб берардим. У китобни миннатдорчилик билан олар, мени эркалар, лекин жуда кам ўқир, ё ўқий бошласа ҳам ярмига етмасданоқ ёпиб қўяр эди. Фақат тоғамдан хат келган кунлари кўзлари чарақлаб, яшнаб-яйраб кетар, катта боғнинг гоҳ у ери, гоҳ бу еридан унинг майин хиргойиси эшитилар эди...

Шу зайлда бир ҳафта ўтди. Кейин, ўқиш бошлангунча (у мактабга ишга жойлашган эди) уйда «юрагим сиқилиб кетади», деб даштга, буғдой ўроғига чиқиб кетди. Бувим қанча қистамасин, ялиниб-ёлвормасин, келинойим то ўқиш бошланмагунча даштдан қайтмади. Мен ҳар куни бўлмаса ҳам, икки-уч кунда бир ҳўтигимга миниб, бувим берган икки-учта тўқач, кўрда кўмилган уч-тўртта жўхори сўтаси, бир товоқ сомса ва бир хурмача қатиқни хуржунга жойлаб, даштга, унинг олдига жўнардим.

Келинойим, оғир меҳнатга ўрганмаган шаҳар қизи эмасми, сал ўтмасданоқ озиб-қорайиб кетди. Қийна-либ қолгани шундоқ сезилиб турса-да, бувимнинг «саломларига» кулиб жавоб берарди:

— Ойимларни тинчитиб қўйинг. Мансуржон, «қиз-жувонлар орасида туппа-тузук юрибди», денг!..

Мен унга дил-дилимдан хайрихоҳ эдим. Қишлоқда кеча-кундуз почтачининг йўлига тикилиб, ўзи билан ўзи олишиб ётгандан кўра, бу кенг даштда ҳамдард, ҳамнафас тенгдошлари орасида ҳасратлашиб, улар йиғлашса йиғлаб, кулишса кулиб юргани яхши эмасми?

Даштдагиларнинг кўпчилиги худди келинойимдай ҳижрон доғидан қалблари кабоб ёш-ёш қиз-жувонлар эди. Улар, худди ҳамма алам, ҳамма изтиробларини меҳнатдан олмоқчи бўлгандай, ўчакишиб, жон-жаҳдлари билан ишлашар, кечалари эса тун ярмигача кенг даштни зир титратиб мўнгли лапарлар айтишар, фронтдаги ёрларига атаб кўшиқлар тўқишар, содда, лекин бўлакча бир самимиятга тўла хатлар ёзишар эди... Келинойим қизларнинг илтимоси билан баъзан уларга «чиройлироқ» хатлар ёзиб берар, баъзан шеърлар тўқир, шунинг учун ҳам ҳамма уни яхши кўрар эди.

Келинойим мени кўзи тўрт бўлиб қарши олар, чунки тоғамнинг хатларини аксарият ҳолларда мен олиб келар эдим. Бундай пайтларда келинойим дағаллашиб қолган кичкина кафтлари билан бошимни маҳкам ушлаб, кўксига босар, пешанамдан ўпар, «Менинг чин ғамхўрим, халоскорим!» деб эркалар, мен эсам унинг яшнаб кетган чехрасини, севинчдан чақнаган тим қора кўзларини кўрганимда бошим осмонга етар, унга кўпроқ яхшилик қилсам, уни кўпроқ қувонтирсам дер эдим.

Келинойим шу кетганча даштдан ўқиш бошланиш арафасида қайтди. Лекин ўқиш бир ҳафта давом этар-этмаёқ мактаб ёпилиб, ҳамма пахта теримига чиқиб кетди. Худди шу орада, сентябрнинг ўрталарида тўсатдан тоғамдан хат узилиб қолди.

(Давоми 26-27 бетларда)



Спортнинг футбол ва теннисдан бошқа турларида олимпиада чемпионлиги жаҳон чемпионлигидан устун саналади. Спортчилар ҳам қитъа ва жаҳон чемпионлигидан кўра, олимпиада ўйинларида қатнашишни, ғолиб ва совриндор бўлишни истайди. Шу йўлда интилади, изланади.

Олимпиада ва паралимпия ўйинларида қатнашган ҳар бир спортчи ўз юртошлари олдида юзи ёруғ бўлиб, Ватанига медаль билан қайтишни истайди. Ҳар қандай спорт мусобақасида учта – олтин, кумуш ва бронза медаллари учун кураш бўлади. Улардан бирига эга бўлишнинг ўзи катта бахт. Агар бир спортчининг ўзи учала медалга ҳам эга бўлса-чи? Уни чинакам қаҳрамон деб аташга тўла маънода ҳақли бўламиз. Ўзбекистон Паралимпия терма жамоаси аъзоси, сузувчи Фотима Омилова ана шундай ўқтамлик кўрсата олди.

Фотима Омилова 1999 йил 11 февралда Андижон шаҳрида туғилган. Айна пайтда Қарши шаҳрида ота-онаси билан яшайди. Шаҳардаги олимпия захиралари коллежининг 2-босқичида таълим олади. 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида



# YUKSAK MARRALARNI KO'ZLAYOTGAN QIZ

ўтказилган Паралимпия ўйинларида қатнашган Фотима 100 метрга баттерфляй усулида сузиш мусобақаларининг саралаш босқичида 1:04:72 натижа кўрсатиб, паралимпия ўйинлари рекордини янгиледи ва финалга чиққан ҳолда бронза медалини қўлга киритди. 200 метрга комплекс усулида 2:24:50 вақт оралиғида белгиланган масофани сузиб ўтиб, жаҳон рекордини янгиледи ва кумуш медални қўлга киритди. 100 метрга брасс усулида 1:12:45 ичида масофани сузиб ўтиб, жаҳон рекордини янгиледи ва олтин медаль соҳиби бўлди. Бундан олдинги рекорд Буюк Британия вакили Ребека Редфенга тегишли бўлиб, у 1:15:96 сония натижани қайд этганди. Фотиманинг расман рекорд ўрнатгани Гиннеснинг рекордлар китоби расмий сайтида ҳам эълон қилинди. Учинчи уринишда олтин медални қўлга киритган ўзбек қизининг матонати, жасоратига бутун дунё қойил қолди, десак муболаға бўлмайди.

Фотидада спортга бўлган қизиқиш оиладан бошланган. Омиловларни бемалол спортчилар оиласи дейишга ҳақлимиз. Отаси Равшан Омилов сузиш спорт тури мураббийи. Онаси Зиёдахон опа эса болалар сув спорти турларига ихтисослашган спорт мактабида ҳамшира бўлиб ишлайди. Акаси Фарҳоджон ҳам спортнинг сузиш тури билан шуғулланади.

Гарчи отаси ҳам сузиш мураббийи бўлса-да, Фотиманинг биринчи устоси амакиси Рустам Омилов бўлган. Ҳозирги кунда эса қаҳрамонимиз отасининг мураббийлигида шуғулланиб келмоқда.

– Болалигимданок сузишга қизиққанман, – дейди Фотима Омилова. – Чунки акам ҳам шу спорт тури билан шуғулланарди. Уларга қизиқиб сузиш ҳавзасига борардим. Дастлабки сузиш элементларини дадамдан ўргандим. Кейин амакимнинг қўли остида жиддий шуғуллана бошладим. Шунга ҳам 9 йил бўлди. Аввал соғлом бўлиш учун сузиш билан шуғулланган бўлсам, вақт ўтиб мақсадларим ўзгариб борди. Бир нарсани таъкидлашни истардим, спорт одамнинг кучли, сабрли ва иродали бўлишни таъминлайди. Менда айнан спорт орқали ўзимга ишонч пайдо бўлди. Спортни танлаганимдан ҳеч қачон афсусланмайман. Баъзида спортчи бўлмаганимда ким бўлардим, деб ўйлаб қоламан. Барибир ҳаётимни спортсиз тасаввур қила олмас эканман. Лекин қизиқишларим кўп. Масалан, психологияга ҳавасмандман.

Спортчининг ҳаёти оддий одамларникидан фарқ қилади. Тинимсиз машғулот, турли йиғинлар... Кундалик ҳаётда ҳам ўзига хос чекловлар мавжуд. Бу ҳақда Фотима шундай дейди:

– Тўғриси айтсам, менга фастфуд (тез тайёрланган оғуликлар) истеъмол қилиш ёқади. Аммо бу истеъмолдан воз кечишга мажбурман. Сабаби спортчилар учун фастфуд, аччиқ, шўр ва газли ичимликлар истеъмол қилиш мумкин эмас. Бунинг мураббийларимиз мунтазам таъкидлайдилар ва бу жараённи назорат қиладилар. Айниқса, мусобақаларга тайёргарлик бошлаганимизда ўзимизга бўлган талабни янада оширишимиз керак. Муҳим мусобақаларга тайёрланиш олдида ўзига хос машғулот ўташга одатланганман. Акам билан ким

ўзарга пойга ўйнаймиз. Дадам доим акамдан ўзиб кета олсамгина мусобақада ғолиб бўлишим мумкинлигини таъкидлайди. Бу оиламизнинг ўзига хос аъёнасига айланиб қолди.

Фарзандининг камолини кўриш ота-она учун катта бахт. Оиладаги тарбиядан ташқари катта мақсадлари йўлида ҳам жонкуяр бўлиб, унинг ёнида туриш эса икки ҳисса бахт экан.

– Лондонда ўтказилган XIV Паралимпия ўйинларида юртимиз спортчилари атиги 1 та кумуш медални қўлга киритганди, – дейди Равшан Омилов. – XV Паралимпия ўйинлари эса Ўзбекистонимиз учун улғувор ғалабаларга, турли рекордларга, ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов болалар спортига жуда катта эътибор берган эди. Мана бугун ушбу ҳаракатлар ўз мевасини бермоқда. Яна бир нарсани бизга ишонч беради: бу борада бошланган ишлар нафақат ривожланмоқда, балки янги поғонага кўтарилмоқда. Мен қизимнинг ҳар бир чиқишини ҳам ота, ҳам мураббий сифатида ҳаяжон билан кузатдим. Фотима дунёнинг ривожланган давлатларидан келган спортчилар орасида чемпион бўла олди. Унга бир йўла Паралимпия ўйинларининг олтин, кумуш ва бронза медаллари берилди. Мен қизим билан фахрланаман. Унинг спортдаги ғалабалари бардавом бўлишини, ўзига билдирилган юксак ишонччи ҳали кўп бор оқлашини истайман.

Фотима Омилова сингари Паралимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларнинг хизмати давлатимиз томонидан юқори баҳоланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 сентябрь куни имзоланган «Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорларини пул мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида»ги Фармойишига биноан Фотима Омиловага 200 минг АҚШ доллари ва «Малибу» автомашинаси топширилди. Эртаси куни, яъни 22 сентябрда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида юқори

натижаларга ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонида биноан Фотима Омилова «Ўзбекистон ифтихори» унвони билан тақдирланди.

2016 йил якунларига кўра ўтказилган «Эътироф» танловида Фотима Омилова «Йилнинг энг яхши спортчиси» деб тан олинди.

– Кўпчилик одамлар мусобақа ғолиби деб эълон қилингангизда кўнглингиздан нималар ўтган, – деб сўрайди, – дейди спортчи. – У пайтдаги ҳиссиётни тил билан таърифлаб, тушунтириб бериш қийин. Ўзингга билдирилган ишонччи оқлаганингдан хурсанд бўласан. Ўша қисқа вақт давомида бутун ҳаётинг, машғулотлардаги қийинчиликлар худди кино лентасидек кўз ўнгингдан ўтади. Одатда, мусобақага борганимда чиқадиган вақтимга яқин қолганида ҳеч ким билан гаплашмайман. Мураббийим машғулот пайтида ўргатган усуллар, техникани эслайман. Уларга қатъий амал қилишим зарурлиги ҳақида ўйлайман. Чунки сузиш техникасини мукамал бажариш жуда муҳим. Ана шундагина, сиз исталган натижа сари яқинлашасиз.

Биз гарчи узоқ Бразилияда бўлсак-да, ҳар лаҳзада халқимизнинг меҳрини, бизни қўллаб-қувватлаётганини юракдан ҳис қилиб турдик. 2018 йилда Жакартада Параолимпия ўйинлари, 2020 йилда Токиода Паралимпия ўйинлари ўтказилади. Уларда ҳам муносиб қатнашишни ният қилганман. Умид қиламанки, Токиодан янада кўпроқ натижалар билан қайтаман. Бу йўлда тинимсиз меҳнат қилишга тайёрман.

Баъзилар бахт мавҳум тушунча дейишади. Аслида бахт интилган одамга пешвоз чиқади. Тинимсиз машғулотлар, кучли ирода, матонат ва сабот бугун нафақат Фотима Омилова каби ёшларни, чин маънода уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийларини ҳам бахтли қила олди. Фотиманинг сузишини кузатган одам уни юксакликни кўзлаб учётган қушга ўхшатади. Биз унга парвозлари ҳамшира юксак бўлишини тилаб қоламиз!

Темур АЪЗАМ

WOMEN'S 100M BREASTSTROKE - SB13		1:12.45
FINAL		WR 1:15.96 PR 1:17.08
1	UZB AMILOVA Fotimakhon	1:12.45 1
2	AUS WATT Prue	1:18.16 6
3	USA YOUNG Colleen	1:17.02 3
4	GBR REDFERN Rebecca	1:13.81 2
5	GER KRAWZOW Elena	1:17.46 5
6	BLR ZUZILAVA Anastasiya	1:19.79 7
7	CYP PELENDRITOU Karolina	1:17.22 4
8	USA RUEYER Martha	1:20.48 8

Тоғам сўнги хатида: «Эрта-индин урушга киримиз», деган эди, шу-шу хат тўхтади-қолди.

Орадан ўн беш кунлар ўтганда тоғам билан бирга жангга кирган бир ҳамқишлоқ йигитдан хат келди. У йигитнинг ёзишича, тоғам ярадор бўлиб, уни госпиталга олиб кетган эмиш. Йигит буни ўз кўзи билан кўрганини айтган ва тоғамнинг адресини сўраган эди. Бу хат қоронғи тунда офтоб чиққандай ҳамманинг дилини умидга тўлдирди, кўзлари яна почтачининг йўлига тикилди. Лекин орадан яқин бир ой фурсат ўтди ҳамки, тоғамдан дарак бўлмади. Бу ўртада ҳалиги ҳамқишлоқ йигитга — унинг ўзи ҳам ярадор бўлиб, госпиталга тушган эди — қанча-қанча хатлар ёзилди. У йигит тоғам ярадор бўлганини, санитаркалар уни оқопдан кўтариб олиб чиқиб кетганини ўз кўзи билан кўрганини яна таъкидлади. Лекин бундан нима фойда? Тоғамдан ҳамон дарак йўқ эди.

Келинойим дастлабки пайтларда ўзини анча дадил тутди, умидсизликка берилмасликка ҳаракат қилди. Лекин кунлар ўтган сайин эзилиб, ахирини жуда бўшашиб кетди. Айниқса, ҳамқишлоқ йигитнинг хатларига қарамай, госпиталдан дом-дарак бўлмагач, тамом руҳи сўниб, кўнгли чўкиб қолди.

У даладаям кўли ишга бормай, аллақандай парижон юрар, арзимаган нарсагаёқ ёш боладай лаблари титраб, кўзига милт-милт ёш олар эди. Ҳар куни тушда, худди хат келса дарров хабар беришмайдигандай, мени уйга жўнатар, сўнг, ранги қочиб, кўзлари мўлтираб, йўлимни пойларди. Мен учун унинг умид билан жавдираб турган катта қора кўзларига қараб «йўқ» деб бош чайқашдан катта азоб йўқ эди!

Одатда мен унинг кўзларига қарашга журъат этолмай олисроқдан индамай ўтиб кетардим, кейин унинг терган пахталарини хирмонга таширканман ё ариқ бўйидан сигирга пичан ўрарканман, ахир бир кун тоғамдан хат келишини ва мен бу хатни узокдан кўрсатиб, чопиб келишимни орзу қилардим. Юрсам-турсам кўз олдимдан шу манзара кетмас эди: келинойим хатни кўрганда албатта қувончдан йиғлар, кейин кулади, сўнг мени қучоқлаб бағрига босади ва биз ҳозиргидан ҳам иноқ ва меҳрибон бўлиб қоламиз!..

Мен келинойим дейману, бироқ ундан ҳам бувимга қийин эди. Ҳар куни кечкурун келинойим даладан қайтиши билан меҳмонхонага кирарди-ю, ўзини сим қаравотга ташлаб ётиб оларди, у кўзини шифтга, бир нуқтага тикиб соатларча ётар, бувим эса, усиз ҳам юраги лахча чўғ, қандай қилиб унинг кўнглини олишни билмай, ич-ичидан зил кетар, дам «ноумид шайтон, сабр қил, болагинам!» деб койиган бўлар, дам ўзи боғни гир айланиб, юм-юм йиғлар, назаримда, у ҳаммадан кўра келинойимнинг кетиб қолишидан кўрқар эди.

Ноябрнинг ўрталари эди. Лекин ҳали совуқ тушмаган, кунлар илк куздагидай илиқ, дарахтларнинг таги хазондан гилам тўшалгандай қип-қизил, яланғоч боғлар аллақандай маъюс ва сокин туюлади...

Эрталаб тегирмонга бориш учун ҳўтигимни эгарлаётиб ошхонадан келинойимнинг хуррам овозини эшитиб қолдим.

— Ойижон! Мени айтди дерсиз — бугун хат келади, — дер эди у. — Туш кўрдим. Ўғлингиз от ўйнатиб

кепти.

— Иншоолло, айтганинг келсин, болам...

Бир лаҳзадан кейин келинойим, озгин юзи аллақандай ёришиб кетган арпа аралаш жўхори солинган тўрвани бувим билан кўтаришиб чиқди. Қопни ҳўтикка ортишга ёрдамлашар экан:

— Тезроқ қайт, жон қайним, — деб кулди. — Бугун қовоқ сомсага тўйиб, бир яйрайлик!..

Мен ҳам кўнглим сув ичгандай бўлиб ҳўтигимни чоптириб кетдим. Туш бўлмасданоқ жўхорини тортириб қайтиб келганимда уйда ҳеч ким йўқ эди. Унни ошхонага тушириб, ҳўтигимни етаклаб сойга кетдим.

Сойга яқинлашиб қолганимда кекса шотут тагидаги улкан қабр олдида ўтирган бувимга кўзим тушди. Бувим бу қабрни авлиё дер, ҳар шанба унинг устидаги қулоч етмайдиган архар шохига оқ латта боғлаб, кечалари унинг меҳробига мойчиноқ ёқарди.

Бувим, тагида наमत, худди эркаклардай чўккалаб ўтирар, лаблари ниманидир пичирлар, афтидан, авлиёга илтижо қилар эди.

Мен бувимни илгарилари ҳам бир неча марта шу аҳволда кўргандим, лекин у одатда бомдод ё аксинча, намозшом пайтлари шундай қиларди, бугун эса... қоқ тушда!..

Кўнглим бир хил бўлиб сойга чиқдим, чиқдим, яна дилим ёришиб кетди. Сойда, толлар орасидаги булоқ бўйида келинойим қатиқланган сочини сувга чайиб ўтирарди.

У мени кўриб белига тушадиган майин сочларидаги сувни сидириб ташлади, тез турмаклаб, ўрnidан турди.

— Дарров қайтиб қолибсан, қайним? Ҳозир қалампир солиб шунақа бир қовоқ сомса қилайки, мазаси оғзингда қолсин!

У тоғорасини кўтариб боққа кириб кетди, мен эса ҳўтигимни тушовлаб сойликка кўйиб юбордим-да, булоқ бўйидаги қуриб-қовжираб қолган ўтга чўзилдим.

Қани энди келинойимнинг туши ўнгидан келса-ю, почтачи менга бир хат ташлаб кетса! Мен уни чопачоп келинойимга элтиб берсам, уйимиз устига йиғилган қора булутлар тарқаб, офтоб чиққанини кўрсам!

Секин қаддимни ростлаб боққа қарардим. Шотутнинг тагида бувим кўринмас эди. Мен авлиё бобонинг қабри ёнига боришга ийманиб, унинг рўпарасига тиз чўқдим. Кўзларим ўз-ўзидан юмилиб, болалиқдагина бўладиган бўлакча бир самимият ва эҳтирос билан пичирладим:

— Э, қудратли, шафқатли, меҳрибон авлиё бобо! Тилагимни қабул қил! Келинойимнинг туши ростга чиқсин! Меҳрибон бувим билан келинойимнинг кўз ёшларини қуритгин, бошларига тушган ғам-ғуссадан соқит қил уларни, э, меҳрибон, қудратли бобо!..

Қулоғимга «Почтачи! Почтачи!» деган овозлар, киргандай бўлди. Чўчиб кўзимни очдим. Қичқираётганлар — сойда сигир боқиб юрган болалар эди. Почтачи — билагидан снаряд парчаси узиб кетган кўли қизил таёққа ўхшаб қолган ёш йигит — шалпанг қулоқ эшагини «хих-хих»лаб сойнинг ўртасида биз томонга қараб келарди.

Ваҳимали, айна замонда куз офтобидай илиқ бир туйғу вужудимни чулғаб олди. Шу топда мен почтачи бизникига йўл олганига, тоғамдан хат олиб келаётга-



нига зиғирдай ҳам шубҳа қилмасдим!

Ўрнимдан сакраб турдим. Ўша ваҳимали ва қайноқ туйғуга бўйсуниб боққа отилдим.

— Бувижон! Келинойи! Хат! Тоғамдан хат!

Уйдан олдин қўллари хамир бувим югуриб чиқди, унинг кетидан бир қўлида тароқ, бир қўлида кўзгу, сочлари паришон келинойим кўринди. Ранги девор, сочлари ёзилган, у ёнимдан ўтиб, мен кўрсатган томонга чопиб кетди, унинг орқасидан хамир қўллари билан елкасига тушган рўмолини тўғрилай-тўғрилай бувим югурди. Учинчи бўлиб мен чопдим. Лекин почтачининг биз томонга бурилмасдан кўшни боққа ўта бошлаганини кўрдим, кўрдиму, аллақандай совуқ бир ҳисдан аъзойи баданим музлаб, беихтиёр тўхтаб қолдим.

Булоқ бошига бориб қолган келинойим офтобда кўзгусини чарақлатиб қўлини силтади:

— Шўттан узата қолинг хатни! Шўттан...

Кетма-кет бувим ҳам етиб борди, ҳансираб-энтикиб деди:

— Вой, қадаминга ҳасанот, почтачи ўғлим! Хатни бергину, ўзинг дарвозадан айланиб кира қол. Қовоқ сомса қилаётувдим, насибангни еб, суюнчингни опкет, болам...

Почтачи эшагини тўхтатди. Худди соқолини силамоқчи бўлгандай қизил таёққа ўхшаган қўлини қимирлатиб қўйди, сўнг юзини четга буриб пўнғиллади:

— Қайси хатни айтасиз?

— Хат-да, хат. Ўғлимдан келган хатни айтаман, болам!

Почтачи бошини кўтармасдан:

— Нима қилай, — деди секин. — Хат ўглингиздан эмас, госпиталнинг начальнигидан экан, холажон. Биз уни... қишлоқ кенгашининг раисига топширдик...

Келинойим ялт этиб менга қаради. Унинг кўзларида шундай бир кўркув, шундай бир даҳшат бор эдики, мен ҳеч қачон ўрни тўлмайдиган ёмон бир нарса рўй берганини ҳис қилдим, ўрнимда қоққан қозикдай қотиб қолдим. Бувим эса ҳамон ҳеч нарсага тушунмай:

— Вой, тентак-эй, — деди қулиб. — Унинг бошлиғидан хат келади-ю, қишлоқ кенгашига берасанми, болам?

Почтачи худди пойгадан қолган чавандоздай жон-жаҳди билан эшагини савалаб йўлига равона бўлди. Бувим унинг кетидан югурмоқчи бўлган эди, келинойим алам тўла бир овозда:

— Ойижон! — деб қичқириб юборди. — Ойижон!.. Қўйинг! Керакмас! — У шундай деди-да, менга ўғирилди, лаблари титраб: — Топган хушxabаринг шу бўлди-ми? — деди-ю, нафаси етмай томоғини силади.

Мен унинг титраган лабларига қарай олмай бошимни эгдим.

— Кечирасиз, — дедим ўпкам тўлиб. — Мен... мен яхши ният билан сизга яхшилик қилсам деб...

— Яхшилик! — келинойимнинг кўзлари олдин жиққа ёшга тўлди, сўнг бирдан ўт чақнади: — Топган яхшилигинг шу бўлса... Йўқол кўзимдан! Йўқол!

У болта теккан ёш ниҳолдай икки букилиб, оёғи остидаги тиконга тиз чўкиб қолди. Боятдан бери хушини йўқотиб, бир келинига, бир менга қараб турган бувим унга отилди, мен эсам ўзимни дарахтзорга урдим...

Сал ўтмай қишлоқ кенгашидан одам чиқди, бир

лаҳзада хотин-халаж йиғилиб қий-чув, йиғи-сиғи бошланди. Бир ҳафтагача бувимнинг уйдан одам аримади, кечаю кундуз йиғи тинмади. Лекин ҳеч ким, ҳатто бувим ҳам мени эсламади. Мен бир ҳафтагача додимни айтадиган тирик бир жон тополмай ўзим билан ўзим олишдим. Ахир... мен чиндан ҳам келин оймни дил-дилимдан яхши кўрганам учун, уни бир қувонтириш учун, унга яхшилик қилиш учун шундай қилдим-ку! Худди шу куни, худди шу соатда қора хат келганини қаёқдан билай ахир? Наҳот келинойим буни тушунмаса?

Ниҳоят, бир ҳафтадан кейин бувим ўзи мени чақириб олди. Мен унинг аллақандай чўкиб қолган жуссасини, бир парча бўлиб қолган юзини кўрдиму, ўзимни унинг бағрига отиб, йиғлаб юбордим.

Мен бувимга кўнглимдаги бор дардимни айтдим. Келинойимнинг дилига озор бериш учун эмас, тоғамдан келганига ишонганим учун, азбаройи келинойимни қувонтириш учун шундай қилганимни, келинойимни ҳамон яхши кўришимни, керак бўлса ундан жонимни ҳам аямаслигимни гапириб бердим...

Меҳрибон бувим! У менинг изтиробларимга тушунди. Келинойим билан гаплашадиган бўлди, йиғлай-йиғлай пешанамдан ўпиб, бошимни силаб тинчитиб қўйди.

Билмадим, бувим келинойим билан гаплашдим, гаплашган бўлса у нима деди, лекин келинойим бир мартаба ҳам менга қайрилиб қарамади.

Эғнида кўк қўйлак, бошида кўк рўмол, у яқин бир ой мотам тутди. Кўнглим хуфтон, мен кечаю кундуз унинг йўлини пойладим, бир оғиз сўзига зор, уйдан чиққанида кўзларига тикилдим, лекин у ҳар сафар мени кўрганда узоқдан тескари бурилиб кетар эди. Бир ойдан кейин келинойим ўз элига кетадиган бўлди. Қариндошларимиздан биттаси хўжалиқдан арава сўраб чиқди. Мен лоақал хайрлашар, ақалли яхши кунлар хотираси учун бир оғиз бир гап айтар, деган умидда эрталабдан йўлини пойладим.

Йиғи-сиғидан юрак безор, келинойим билан бувимнинг хайрлашганини кўрмаслик учун сой бўйига, биринчи бор тоғам билан келинойимни учратган булоқ бошига бориб турдим. Арава кўзғалиб, булоққа яқинлашганида секин йўлга чиқдим. Келинойим, эғнида қора пальто, бошида қора шол рўмол, пичан тўшалган шотили аравада менга тескари қараб ўтирарди.

...Наҳот кечирмаса? Наҳот бир марта қайрилиб ҳам қарамаса? Ақалли хайрлашмаса?.. «Келинойи! Менга бир қаранг! Менинг дардимга қулоқ солинг! Нима қилай, шундай бўлди!.. Хоҳласангиз мени уринг, ўлдилинг, бироқ... бир оғиз бир нима денг! Мен сизни... шундай яхши кўраман, шундай яхши кўраман!..»

Орамиз яқин қолганда мени кўрган аравакаш чол келинойимга бир нима деди. Келинойим секин бурилиб қаради, қаради-ю, яна тескари ўғирилди. Назаримда, унинг йиғидан қизариб, шишиб кетган кўзлари қайта ёшга тўлгандай бўлди.

Арава ёнгинамдан ўтиб кетди. Мен, дилим қон, унга илтижо қилганимча орқада қолдим. Арава муюлишдан бурилиб кетди, келинойим ҳатто қўлини ҳам силтамади. У менинг «яхшилигим»ни кечирмаган, кечиролмаган эди.

1965 йил.



# *Yurtingga sadqa jon qil go'zal ushbu zamonda*

## **ДАВРОН КЕЛДИ, ДИЛРАБО**

Юртимда яйрамоққа даврон келди, дилрабо,  
Юракларга завқ бериб, ўйноқлаб эсар сабо.  
Саодат ола келган, ҳумойжоним, марҳабо,  
Сен макон этган боғда таратар булбул наво.  
Қолмай десанг армонда, ўйнаб-кулиб жаҳонда,  
Элингга садқа жон қил гўзал ушбу замонда.  
Десинлар: барча шодлик Ўзбекистон томонда.

Бахтингга, азиз халқим, дунёлар ҳавас қилсин,  
Қайноқ сенинг меҳрингга дарёлар ҳавас қилсин.  
Хуснингни жилосига зиёлар ҳавас қилсин,  
Ўғлонларингга қоши қаролар ҳавас қилсин.  
Қолмай десанг армонда, ўйнаб-кулиб жаҳонда,  
Юртингга садқа жон қил гўзал ушбу замонда.  
Десинлар: барча шодлик Ўзбекистон томонда.

Элу халқи хуррам юрт – омон юрт, бахтиёр юрт,  
Тенгликка, адолатга, саодатларга ёр юрт.  
Фаровондур ҳаёти, турмуши барқарор юрт,  
Ҳам тўкин-сочинлиқда ҳар не истарсан – бор юрт.  
Қолмай десанг армонда, ўйнаб-кулиб жаҳонда,  
Элингга садқа жон қил гўзал ушбу замонда.  
Десинлар: барча шодлик Ўзбекистон томонда.

Ўтган боболар борки, даврон кўрмаган биздек,  
Осойишта кун кўриб, яйраб юрмаган биздек.  
Ҳамма тенг, адолатли давлат кўрмаган биздек,  
Мустақиллик бағринда қандин урмаган биздек.  
Ошиқ Эркин, жаҳонда, қолмай десанг армонда,  
Юртингга садқа жон қил гўзал ушбу замонда.  
Кўрган десин: барча бахт Ўзбекистон томонда.

## **САОДАТИМСАН МЕНИНГ**

Кел, умримга ҳамдам этай мен сени,  
Севмас эсанг, гулим, нетай мен сени,  
Истамасанг бу жойларда юришни,  
Узоқларга олиб кетай мен сени.  
Саодатли муҳаббатимсан менинг,  
Садоқатли муҳаббатимсан менинг.

Рози эсанг зар либосга ўрайман,  
Сарви қаддинг кучоғимда кўрай ман,  
Рухсатингни, жоним, ота-онангдан  
Ўзим бориб, ёлвориблар сўрайман.  
Саодатли муҳаббатимсан менинг,  
Фароғатли муҳаббатимсан менинг.

Ҳижронингга кунба-куну ой сайин,  
Гулим, севиб, ёнганимни айтайин.  
Ерга сиғмай, кўкда учиб юрибман,  
Рози эсанг, кучоғингга қайтайин.  
Саодатли муҳаббатимсан менинг,  
Садоқатли муҳаббатимсан менинг.

Вафо бирла безаб севги боғини,  
Даф этайлик юракларнинг доғини.  
Раҳмат дер элимиз, ишқ саройининг  
Гулларга буркасақ сўлу соғини.  
Фароғатли муҳаббатимсан менинг,  
Шарофатли муҳаббатимсан менинг.

Вафоли бўл, эй қадди-бўйи шамшод,  
Бевафонинг иши доимо фарёд,  
Орзу-армонларинг ушалгай, эркам,  
Ошиқ Эркинга қўл берсанг умрбод.  
Саодатли муҳаббатимсан менинг,  
Садоқатли муҳаббатимсан менинг.

## **ЮРАГИМДАН ЖОЙ БЕРАМАН, КЕЛСАНГИЗ**

Эртаю кеч йўлингизда кўзларим,  
Заъфарона дўнди кутиб юзларим.  
Наҳот етиб бормас сизга, азизим,  
Нолаларга тўла юрак сўзларим.  
Асал кўшиб чой бераман, келсангиз,  
Юрагимдан жой бераман, келсангиз.

Васлимизга тўймайин шому сахар,  
Сайронлар айласак иккимиз агар,  
Бўлар муҳаббатнинг шаҳри бегумон  
Меҳримизнинг зиёсидан мунаввар.  
Новвот кўшиб чой бераман, келсангиз,  
Юрагимдан жой бераман, келсангиз.

Эй парвойи фалак, беғам сингилжон,  
Раҳм этасиз мен ғарибга, сиз қачон?  
Кутиб жону дилдан сизни интизор,  
Бўғзимгача етиб келди танда жон.  
Асал кўшиб чой бераман, келсангиз,  
Юрагимдан жой бераман, келсангиз.

Ташлаб бўйнингизга чайир билакни,  
Ўлгунча демасман сиздан бўлакни.  
Фотиҳа олиб пирлардан, Ошиқ Эркин,  
Мухрлаб кўйибман сизга юракни.  
Бол аралаш чой бераман, келсангиз,  
Юрагимдан жой бераман, келсангиз.

### ЮРИШЛАРИНГ ЁҚАДИ

Эркама, менга нозланиб юришларинг ёқади,  
Гулдек очилиб, яйраб кулишларинг ёқади.

Юзинг қуёшми, ойми, боқсам қамашар кўзлар,  
Жилоланиб товусдек туришларинг ёқади.

Қоматингга, париваш, тасаддуқ десам жоним,  
Эркаланиб лабларинг буришларинг ёқади.

Тошиб кетиб юрагим, бир бўса хумор этсам,  
«Ёмонсиз», деб чаккамга уришларинг ёқади.

Сўзлашиб қолсам агар бир таниш-ла мулоийм,  
«Ким эди у», деб ғавғо қуришларинг ёқади.

Ошиқ Эркин қалбининг маликаси бўл, десам,  
Ширин-ширин хаёллар суришларинг ёқади.

### ТУРНАЛАР

Осмонимдан учиб ўтган турналар,  
Кўрдингизми, севар ёрим бормикан?  
Келарми деб кўз тутарман йўлига,  
Йўлларимга ул ҳам интизормикан?

Тезроқ келгин дея нома йўлладим,  
Саҳарларда висолини йўладим.  
Орзуларим юлдузларга сўйладим,  
Висолимга ул ҳам интизормикан?

Гўзалликда ягонадир диёрим,  
Булбулларга ошиёндур гулзорим,  
Висол чаманига келсин дилдорим,  
Ул ҳам мени бир кўришга зормикан?

Пахтазорда жавлон уриб ишлашиб,  
Садоқат боғида қўллар ушлашиб,  
Юрайлик чаманда кўнгул хушлашиб,  
Кўнглимга муносиб яхши ёримикан?

Осмонимдан учиб ўтган турналар,  
Кўрдингизми, севар ёрим бормикан?  
Келарми деб кўз тутарман йўлига,  
Йўлларимга ул ҳам интизормикан?

### ЛАЗГИ

Лаззатлар оғушинда галса кимнинг газгиси,  
Чорлар жонон даврага Хоразмнинг «Лазги»си.  
Истасангиз яшармоқ, галаваринг биз томон,  
Ором олар дунё бу, омон, омон, ҳай омон.

Ўйнаганлар дармонда, ўйнамаган армонда,  
«Лазги» туш деб боболар ёзиб кетган фармонда.  
Лаззат олай десангиз, галаваринг биз томон.



Ошиқ ЭРКИН

Ўйланишиб ўтирманг, омон, омон, ҳай омон.

Давронимиз ҳур даврон – «Лазги» ўйнаш даврони,  
Яйраб жавлон ургали кенгроқ олинг даврани.  
Хазатаман десангиз, галаваринг биз томон,  
Оромижон ўйин бу, омон, омон, ҳай омон.

«Лазги» тушса ким агар дарё бўлиб жўшади,  
Худо берган умрига ўн-ўн беш йил кўшади.  
Истасангиз юз яшаш, галаваринг биз томон,  
Кўрки бўлинг даврани, омон, омон, ҳай омон.

Базмимизга марҳабо, кушдек яйрар жонингиз,  
Уч юз олтмиш томирда қайнаб-тошар қонингиз.  
Қандай гўзал бу ҳаёт, омон, омон, ҳай омон,  
Даврамизни гуллатинг, галаваринг биз томон.

Оромижон «Лазги» бу, офатижон «Лазги» бу,  
Бемор эрса ким агар, малҳами жон «Лазги» бу.  
Бўлса кўнглингиз ҳижил, кайфият ҳам сал ёмон,  
Осмон этгали бошни галаваринг биз томон.

Элдошларим, худойим, ўйин тушиб тўямасин,  
Хоразмнинг дилрабо «Лазги»сидан қўямасин.  
Хазатаман деса ким галаварсин биз томон,  
Ёшариб кетар, ҳай-ҳай, омон, омон, ҳай омон.

Лаззатлар оғушинда келса кимнинг газгиси,  
Чорлар жонон даврага Хоразмнинг «Лазги»си.  
Малҳами жон ўйин бу, ўйнаганлар дармонда,  
Ошиқ Эркин «Лазги»син кўрмаганлар армонда.

Бўлса кўнглингиз хижил, кайфиятингиз ёмон,  
Осмон этгали бошни чалаваринг биз томон.  
Сеҳргар «Лазги»дир бу, омон, омон, ҳай омон,  
Яйрамаган қолмасин, омон, омон, ҳай омон.  
Омон, омон, ҳай омон.

# Ko'ngil va ruh tajassumi

Абдуғани СУЛАЙМОН

**Шеър фалсафий ва бадиий тафаккур уйғунлиги маҳсулидир. Зеро, фалсафийлик замирида ҳаётнинг моҳияти, умр аталмиш неъматнинг аҳамияти, инсон ҳаётдан кўзланган мақсад, унинг зиммасига юкланган масъулият сингари азалий муаммолар туради. Ана шу азалий ва абдий муаммоларнинг образлар орқали ифодаланиши шеърнинг бадиияти даражасини белгилайди. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид шеърлари бу жиҳатдан тадқиқотлар учун бой материал бера олади.**

Сен масъуд дунёнинг борини  
Ўйладинг. Яшадинг. Ўткардинг.  
Бердинг қорачиқлар умрини,  
Тунларни киприқда кўтардинг.  
Фарзандлар кетдилар ҳар тараф,  
Сокин қолди уйинг – англадинг.  
Соғиндинг, соғинч-ла йўл қараб  
Бир вужуд соғинчга айландинг.  
Ҳаёт остонасин босмагай хазон,  
Тириклик гоҳ тупроқ,  
Гоҳ осмонийдир.  
Саломлар абаддир, онажон,  
Видолар фонийдир, фонийдир.

Ушбу шеър тафаккур марказида Она образи туради. У масъуд дунёнинг борини ўткарган. Бу мисрада маъно юки «масъуд» сўзи зиммасига юкланган. Яъни она масъуд – саодатли, шодон кунларини ўтказиб бўлган. Онанинг қорачиқлар умрини бериб, тунларни киприқда кўтаргани – шеърнинг асосий моҳияти ушбу бадиий тасвирда ўз ифодасини топган. Тунларни бедор ўтказар экан – бу улғу сиймо ўйида фарзандлар иқболи. Бироқ яна бир ҳақиқат бор: кунлардан бир куни фарзандлар полапонлар каби учирма бўладилар. Она уй сокинликда қолади. Нурийдиларини соғинган, соғинч-ла йўл қараган Онанинг ўзи ҳам бир вужуд соғинчга айланади.

«Ҳаёт остонасин босмагай хазон», яъни инсон умри бардавом. Бу бардавомлик боиси ҳам фарзандлар. «Тириклик гоҳ тупроқ, Гоҳ осмонийдир» сатрларида инсон ҳаёти нечоғлик мураккаб ва зиддиятли экани, унда қувонч ва қадар, шодлик ва ғам, омад ва толесизлик, бахт ва бахтсизлик мудом йўлдош экани бадиий ифодасини топган.

Бу мисраларда шеърнинг асосий бадиий умумлашмаси ифодаланган. Бу хулосада некинлик, ҳаётсеварлик акс этган.

«Сўз йўли» шеърида шоир ва унинг зиммасидаги масъулият, ижодкор руҳиятида кечаётган ғалаёнлар, руҳий пўртаналар образли тасвирлангани кузатилади. Жумладан, шоир ёзади:

Зим-зиё кечалар – сиёҳдонларим,  
Сомоним қайда-ю қайда донларим?

Яшил адирларим тепа бўлдилар,  
Қирларим энкайиб қапа бўлдилар.

Кутиб қолаверди мени туш кўриб  
Бир лойшувоқ уй ҳам бир ёғоч сўри.

Сирожиддин Саййид чиройли ташбеҳлар қўллайди. «Зим-зиё кечалар – сиёҳдонларим» сатри бунинг исботидир. Ана шу биргина мисра замирига ижодкор катта маънони сингдирган. Унда тунни тонгга улаб ижод қилаётган шоир тимсолини кўриш мумкин. Зим-зиё кеча – ҳаётнинг мураккабликлари, инсоннинг қусурли экани, одамзод ҳаётида дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликлару машаққатлар, изтиробу аламлар умумлашмаси сифатида ҳам тушунилиши мумкин. Ана шундай бир неча қават мазмунни бир сатрда ифодалаш шоирнинг маҳоратидан, санъаткорлик даражаси юқори эканидан дарак беради.

Оламда энг оғир – Сўзнинг йўлидир,  
Бу – тўкилиш йўли, кузнинг йўлидир.

Бу йўлда не ранжим кўрмиш жонларим,  
Энг аввал тортмишлар қадрдонларим.

Ҳақиқатан, Сўз йўли бирон ижодкор қисматида осон кечмаган. Шоир буни кучли мантиқ асосида «тўкилиш йўли, кузнинг йўли» деб атайди. Шунинг учун ҳам бу йўлда ранж чекмаслик мумкин эмас.

Ҳаёт ва ижод фалсафаси орасидаги уйғунлик, ижодкор қисмати, унинг умр йўли сингари масалалар Сирожиддин Саййид шеърларининг асосий мавзуларидан:

Бунчалар улугсан,  
Оддий шеърият.  
Сен илоҳийсан, биз  
Моддий, шеърият.

Сен – муҳаббат кўшки,  
Ишқнинг айвони.  
Кўнгил билан руҳнинг  
Мовий осмони.

Ушбу шеърда шоир шеъриятни «безавол гулшан»,

«мангу яшил боғ», дея таърифлар экан, «қанча шоир ўтди юраклари доғ» дея сўзни ижодкор қисматида боради. Унинг фикрича, шоирлар «олам юзин ҳайрон этдилар, кўнгил қони билан алвон этдилар». Бу тасвир орқали ижодкор бўлиш осон эмаслиги, кўнглидан дард силқиб турмаган шоир ижодий юксакликка эриша олмаслиги сингари фалсафий мушоҳадалар ифодаланган. Шеърият кўнгил ва руҳ ҳодисаси экани ҳақидаги хулосага келинган.

Шеърнинг давомида шоир Навоий, Бобур, Усмон Носир, Асқад Мухтор, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф сингари ижодкорлар номини тилга олади. Уларни «барги хазон»га, «куйган юлдузлар»га ташбеҳ этади.

Ким сўз деб нафсига  
Нон берар фақат.  
Ҳақиқий шоирлар  
Жон берар фақат.

Шоирнинг қуроли сўз экани, чинакам шоир сўз дея жон бериши ҳақидаги фикр ижод фалсафасининг, ижод психологиясининг асосини ташкил этади.

«Кўксимдаги зангорларим» шеъри фалсафий жиҳатдан чуқур эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Унда шоирнинг орзу-армонлари, ўй-кечинмалари, бир сўз билан айтганда, ижодкор идеали ифодаланган:

Тонглар кетди, кунларимдан тонглар кетди,  
Кетган тонглар йилларимни онлар этди.  
Бир жонимни севгим юз минг жонлар этди,  
Кўнглим, сенинг давлатингдан шонлар кетди.  
Бу муттасил меҳнатларим бутармукин,  
Кўксумдаги зангорларим кетармукин?

Ҳақиқий шеър дарддан туғилади. Шундагина ўқувчи қалбидаги дардга малҳам бўлади. Шеърнинг қиммати ана шу хусусиятига кўра белгиланади. Кунлардан тонглар кетиши, бунинг натижасида йилларнинг онларга айланиши, бошқача айтганда, ўтаётган вақтнинг бесамар кечиши, кўнгил отлиғ давлатдан шонлар кетиши – булар бари ана шундай дарднинг бадиий талқинидир.

Уч минг йиллик чинор яна куртаклади,  
Эрта-индин яшил куйга буркалади,  
Оҳуларим – тоғларимнинг хуркаклари  
Кечалари таним ҳидлаб суркалади.  
Уларнинг ҳам дунёлари хатармукин,  
Кўксумдаги зангорларим кетармукин?

Ҳар қандай зулматдан ҳам ёруғлик излаш, ҳар қандай дарду аламдан ҳам севинч куртакларини топиш, бу туйғуларни шеърда бетакрор ифодалаш шоир учун муҳим фазилат. Сирожиддин Саййид шеърлари худди шу фазилати билан ҳам қимматлидир.

Ишқ-муҳаббат шеъриятимизда азалдан куйланиб келади. Бу мавзуда шеър ёзмаган шоир учрамаса керак. Лекин қўлига қалам тутганнинг ҳаммаси ҳам бетакрор образлар ижод қила олмайди. Бунинг учун чинакам истеъдод керак, алоҳида иқтидор талаб этилади. Сирожиддин Саййид ана шундай истеъдод соҳибларидан. Шеърларидан бирини

шоир «Муҳаббат кошонаси» деб номлайди. Унда муаллиф, жумладан, шундай ёзади:

Азал гўзал нишонаси бир гулдир,  
Муҳаббатнинг кошонаси кўнгилдир...

Ҳаволардан танлаб Момо Ҳаволар  
Юборгандир тонгга боди саболар...

Момо Ҳаво образи орқали шоир муҳаббатнинг азалий туйғу эканлигига, муқаддас неъмат эканлигига ургу беради. Унингча, бу момомерос туйғуни қадрлаш, асраб-авайлаш, авлодларни ана шу руҳда тарбиялаш зарур.

Чинакам шоирнинг фантазияси кенг бўлади. Унинг ҳаёт дунёси етти фалакни кезиши мумкин. Шоирнинг ишқ аргумоғини минганлиги ҳақидаги тасвир шундан далолат беради:

Миндим оловдай ишқ аргумоғин,  
Қирлардан оша чўлларга солдим.

Гоҳи фалак ҳам қилди карамлар,  
Отимни чўлдан гулларга солдим.

Ишқ – ҳижрон туфайли ишқ, муҳаббат – айрилиқ туфайли муҳаббат. Чунки ҳижрон ишқни камолга етказади. Сабаби, айрилиқ муҳаббатни тоблайти. Ҳижрон азоби, айрилиқ изтироби азалдан ошиқликнинг асосий шартларидан эканини шунинг билан изоҳлаш мумкин. Сирожиддин Саййид шеърияти ҳам бундан мустасно эмас. Бир шеърида муҳаббат билан боғлиқ кечинмаларини шоир:

Тахир бўлди муҳаббатим мевалари,  
Ғубор ичра қолди яшил тепалари,  
Қаёнларга тарқаб кетди тевалари,  
Сарсондирман тополмайин карвонимни.

деб изҳор этиши сабаби ҳам шунда. Шоирнинг «Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат» деган шеъри бор. Бу шеърда ана шу уч тушунчанинг бири-бирисиз мавжуд бўла олмаслиги образли ифодаланган. Шоир ёзади:

Асрлар бор – рўёдай,  
Фасллар бор – муваққат.  
Доим зангор дарёдай  
Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Ижодкор фикрича, асрлар, йиллар, фасллар ҳам ўткинчи. Улар бошлангани каби кунлардан бир куни ниҳоясига ҳам етади. Ҳар доим зангор дарёдай боқий тургучи уч тушунча борки, фақат уларгина кўнгилларида барҳаёт: Ёшлик, Баҳор, Муҳаббат. Шў боис уларни қадрламоқ керак.

Умримда уч сахарим,  
Уч гўзал хуш сахарим,  
Менинг уч хушхабарим  
Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Сахар – поклик, ёруғлик нишонаси. Унга «хуш» сифати



берилаётгани сабаби ҳам шунда. Бамисоли саҳардек пок, саҳардек ёруғ уч хушхабар борки, одамзод кўнглига баҳорий ҳисларни олиб киради, қалбларга ёқимли туйғу бағишлайди. Улар – Ёшлик, Баҳор, Муҳаббат.

Соғинчлари қанотли,  
Ёмғирлари новвотли,  
Армонлари ҳам тотли  
Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Ҳақиқатан ҳам, ёшликнинг соғинчларида қанот бўлади. «Ёмғирлари новвотли» – оригинал ўхшатиш. Бундай ташбеҳлар шоирнинг фикрлаш тарзи ўзига хос эканлигидан дарақ беради.

Сирожиддин Саййид қаламига мансуб «Юз оҳ, Заҳриддин Муҳаммад Бобур» лирик достони ўзига хос бадиий-услубий изланиш самараси эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Асар жанрини муаллифнинг ўзи «Фироқ ва соғинч достони» дея белгилайди. Асарда шоир тасвири образли беришга ҳаракат қилади ва бунга эриша олади. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи шундай ёзади: «Устоз адиблар мактаби ва таҷрибасидан ўрганган ҳолда, бурч ва ҳавас тақозоси юзасидан мен ҳам бир қаламкаш сифатида Бобур бобо ижодига мурожаат қилмоққа журъат этдим. Ва бу – ниҳоятда қисқа, аммо туганмас ҳаётнинг, зим-зиё оламни ёритган чақиндай тез сўнган, лекин, мана, беш юз йиллардан буён тўхтамай давом этиб келаётган, мардлик ва матонат, ғурбату фироқ, меҳнату аламларга тўла умрнинг юз лаҳза, юз ҳолатини қўлимдан келганча ифодалаб беришга ҳаракат қилдим. Гоҳ Бобур ҳазратлари тилидан, гоҳ ўзимдан, гоҳи шеър, гоҳи ғазал тарзида, гоҳ рубоий, гоҳи мухаммас шаклида кўнглимдагиларни, ниҳат ва мақсадимни иншо этишга уриниб кўрдим. Шу жиҳатдан тағсарлавахда «Достон» деб ёзилган бўлса-да, бу битикни достон йўлидаги бир жаҳд ё уриниш дейилса, тўғрироқ бўлар. Бино ёҳуд иморат бўлгани янглиг бунинг пойдеворида «Бобурнома»дан, Бобур шеърлятидаги энг нозик нуқталардан – хотиралар, ўй ва кечинмалар, мисралар билан байт ва рубоийлар асос қилиб олинди».

Шоир сўзини давом эттириб: «Бинонинг тархи-лойиҳаси нечоғлиқ пишиқ, пухта чиққани, ғиштлари билан синчлари қанчалар тўғри қўйилгани, шувоғию бўёқларигача баҳо бериш – зукко ўқувчига ҳавола», деб ёзади. Бу ҳол муаллифнинг ҳолислигига далилдир.

Сирожиддин Саййиднинг ўз иқрорини («Фақат бир таҳлика: Бобур бобонинг қаттиқ, синчков назари, ул зотнинг «Бобурнома»да Султон Маҳмуд Мирзо ҳақида «Табъи назми бор эди. Вале шеъри бисёр паст ва бемаза эди. Андоқ шеър айтмоқдин айтмоғон яхшироқдур», деган қатъий ва кескин сўзлари ҳозир ҳам манглайим узра қиличдек ярқираб тургандек туюлади...») ҳам камтарона баёнот ва ҳам Бобур ижоди олдига таъзим маъносига қабул қилиш мумкин.

Достондаги илк «Бобурнома» номли шеърини яратишда Сирожиддин Саййид шоҳ ва шоир Бобурнинг:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,  
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.  
Ҳар ким бу «Вақое»ни ўқур, билгайким,  
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.

рубоийсини келтирадики, бу диққатга молик. Бу рубоийда Бобурнинг ўқувчисига мурожаатидан ташқари, ҳаёти ва ижодининг гултожи бўлган «Бобурнома»нинг мавқеи ва ўрнига ҳам ҳавола бор. Рубоийдан кейин Сирожиддин Саййид «Бобурнома» услубини аниқ ифодалаган қуйидаги парчани «Бобурнома»дан топиб келтирадики, бу яна бир бор муаллифнинг Бобур ижодини синчиклаб ўрганганлигидан далолатдир: «Бу битилганлардин ғараз шикоят эмас, рост ҳикояттурким, битибтурмен. Бу мастур бўлгонлардин мақсуд ўзининг таърифи эмас, баёни воқеи бу эдиким, таҳрир этуб-

турмен...».

Достон аввалидаги «Бобурнома» шеъри ҳам айнан Бобур ҳаёти ва ижодининг сарҳисобини ўзида акс эттирган. Бунда адиб юксак маҳорат билан шоҳ ва шоир Бобурнинг умр дафтарини варақлайди, унинг шоҳ ва ҳаётга теран нигоҳ билан қарай оладиган мутафаккир сифатида чеккан изтиробларининг «Бобурнома»дек асарини ижод қилиш жараёнидаги заҳмати билан ҳамоҳанглигини таъкидлайди.

Бу менинг ҳам дил достоним,  
Шунча эканми армоним?  
Қандай чидабсиз султоним?  
Сабрнома «Бобурнома»,  
Сабрнома «Бобурнома».

Достоннинг «Бобурнома» ҳақидаги бобида шоир бу буюк асарни «Шоҳ шоирдан авлодларга мангу ўлмас кадрнома» деб атайди. Шоир асарни яна, унинг моҳиятидан келиб чиқиб, «тақдирнома», «жабрнома», «ҳарбийнома», «Кабирнома», «Ботирнома», «Сабрнома» сингари сифатлар билан таърифлайди. Қуйидаги мисраларда эса «Бобурнома» ҳақида ёзар экан, Бобурнинг мураккаб ҳаёт йўлига ишора қилади:

Шоҳ шоирнинг оҳномаси – «Бобурнома»,  
Ҳарбу зарб, жангоҳномаси – «Бобурнома»!  
Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си бордур агар,  
Туркийларнинг шоҳномаси – «Бобурнома».

Муаллиф «Бобурнома» сатрларини шарҳлар экан, бугунги замонамиз учун ҳам аҳамиятли бўлган хулосалар чиқаради. Жумладан, асар «Аждод ва авлод» сарлавҳали шеър билан очилади:

Осмонлар бекорга айламас тугён,  
Чақинлар ярқираб қарс-қарс яралгай.  
Бани башар учун бир буюк султон  
Мисоли мангулик бир дарс яралгай.

Ана шу илк мисралардан оқ муаллиф Бобурдай улуг сиймонинг дунёга келишида буюк бир дарс, буюк бир сабоқ борлигига ишора қилади. Бу фикрни осмонларнинг, яъни фалакларнинг тугён уриб айланиши, чақинларнинг қарс-қарси сабабсиз эмаслиги билан изоҳлайди.

Темурхон наслидин Султон Улуғбек,  
Навоийдан ўлмас сўз – сас яралгай.  
Борми шаъну шавқат, доврўқ бунингдек?  
Қиёматга қадавр шул баҳс яралгай.

...Дунёга келмишдир ҳазрати Бобур,  
Даҳолар ҳам қарзу ҳам фарз яралгай.  
Шерларнинг зурёди фақат шер бўлур,  
Йўлбарс авлодидан йўлбарс яралгай.

Бу сатрларда шоир Соҳибқирон Амир Темур, Султон Улуғбек, ҳазрат Алишер Навоий номларини келтирар экан, қисқа сатрларда, жумлаларда бўлса ҳам, улар образига чизги бериб кетади. Бобурни таърифлаб, унинг таваллудига оид воқеани эслар экан, шоир унинг Темурхон ва Султон Улуғбек шажарасидан, ҳазрат Алишер Навоийнинг муносиб шогирди эканига урғу беради.

«Ҳо, дарвеш» шеърда шоир «Бобурнома»дан қуйидаги иқтибосни келтиради: «Хўжанд била Конибодом орасида бир даште тушубтур, Ҳодарвешга мавсумдур. Ҳамиша бу даштда ел бордур. Марғинонгаким шарқидур, ҳамиша мундин ел борур, Хўжандгаким ғарбидур, доим мундин ел келур: тунд еллари бор. Дерларким, бир неча дарвеш бу бодияда тунд елга йўлиқуб, бир-бирини тополмай, «Ҳо, дарвеш», «Ҳо, дарвеш» дея-дея тамом ҳалок бўлурлар, андин бери бу бодияни

Ходарвеш дерлар».

Сирожиддин Саййид ушбу парчани келтирар экан, уни ўзига хос услубда шарҳлайди:

Ҳо, дарвешо, ҳо, дарвеш,  
Умр бир бўйро, дарвеш  
У ҳам тўзғиб кетгайдир.  
Қолар бир саҳро, дарвеш,  
Ҳо, дарвешо, ҳо, дарвеш.

Шоир умрни образли тарзда бўйрага қиёслайди. Кун ўтиб, бўйра тўзғиб кетишга маҳқум. Шундай бўлгач, ундан саҳродан бўлак бир нарса қолиши гумон – бу тасвир орқали дарвешларнинг оғир қисматига ишора қилинади. «Бобурнома»даги бу лавҳа Сирожиддин Саййидга қаттиқ таъсир этгани яққол сезилади. Мана бу мисралар ҳам ана шу таъсирнинг маҳсули:

Даҳр ранжлиғ ҳам ранглиғ,  
Зарлари ҳам занг янглиғ.  
Сен кетгунг бир ғубордай,  
Сен кетгунг бир чанг янглиғ,  
Ҳо, дарвешо, ҳо, дарвеш.

Ул ўтлуғ оҳ қайдадир?  
Бобур подшоҳ қайдадир?  
Кўкдаги моҳ оҳ уриб,  
То қиёмат айтадир:  
«Ҳо, дарвешо, ҳо, дарвеш!»

Шоир «Даҳр ранжлиғ ҳам ранглиғ, Зарлари ҳам занг янглиғ» мисралари орқали ҳамма замонларда ҳам одамзод ранжу машаққатдан, меҳнату кулфатдан холи бўлмаганига ишора қилади. Тунд ел таъсирида гўёки бир ғубордай, бамисоли бир чангдай йўқолиб қолган дарвешлар ҳолига ачинади. Ўз руҳиятида кечган туйғуларни назмга солади.

Кейинги бандда бу кечинмалар Бобуршоҳга боғлаб талқин этилади. «Ул ўтлуғ оҳ» – буюк шоирнинг «юз оҳ»ига ишора. Шоир наздида кўкдаги моҳ ҳам Бобуршоҳга монанд оҳ уради: «Ҳо, дарвешо, ҳо, дарвеш!», дея нидо қилади.

Баъзан Сирожиддин Саййид Бобур ғазалларига мухаммаслар ҳам боғлайди. Масалан:

Ўзни кўнгул айш ила тутмоқ керак,  
Бизни унутқонни унутмоқ керак.

Бобурнинг ушбу байтига куйидаги уч мисра тахмис қилинади:


Ҳар нимани вақтини кутмоқ керак,  
Болни ҳам ўз вақтида ютмоқ керак,  
Неки ўтар – бахридан ўтмоқ керак.

Сирожиддин Саййид «Бобурнома»нинг ўзига кучли таъсир қилган ўринларини келтиради, улардан олган таассуротларини бугунги XXI аср ўқувчиси руҳиятига мос тарзда талқин этади. Достонни мутолаа қилар экан, ўқувчи кўз ўнгига ҳаётнинг не-не меҳнату заҳмати чеккан, фақатгина юксак матонати, толмас иродаси боис уларни енга билган буюк шахс образи намоён бўлади. Шу жиҳати билан достон катта ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эга.

Умуман, замонавий шеърятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Сирожиддин Саййид асарлари мутолааси бугунги замон ўқувчисини сўз санъатининг бетакрор жозибасига ошно этади, адабиётнинг қудратини намоён қилади.

# Jahonda kitobdin yaxshi yor bo'lmis...

Алишер Навоий  
«Хамса»



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан чоп этилган мазкур китобда шеърят мулкининг султони, улуғ мутафаккир Алишер Навоий ижодининг чўққиси бўлмиш «Хамса» китобидан ўрин олган «Ҳайрат ул-аброр», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» каби достонларининг мазмун-моҳияти ўқувчиларга, айниқса, ёшларга тушунарли тарзда насрий баён этилган. Бу беназир асарнинг лотин алифбосидаги рангли-безакли ушбу янги нашри барча китобхонлар учун чинакам маънавий хазина ҳисобланади. Китоб 5000 нусхада чоп этилган.

## «Ўзбекистон хунармандчилиги ва амалий санъати»

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган 2 жилдлик «Ўзбекистон хунармандчилиги ва амалий санъати» энциклопедиясида ўзбек халқ амалий санъати, тарихи ва назарияси, миллий хунармандчилик турлари, амалий санъат усталари, хунармандларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида атрафлича маълумотлар бериб ўтилади.

Мазкур энциклопедия хронологик жиҳатдан Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган ибтидоий давр маданиятидан бошлаб, ҳозирги давргача бўлган халқ хунармандчилиги ва санъати, меъморчилик тарихига оид мақолаларни ўз ичига олади.

«Ўзбекистон хунармандчилиги ва амалий санъати» энциклопедияси санъатшунослар, талабалар, уста-хунармандлар, устоз-шогирд анъаналари асосида хунар ўрганаётган ёшлар, шунингдек, юртимиз ўтмиши билан қизиққан барча китобхонлар учун муҳим манба ҳисобланади. Китоб 2100 нусхада чоп этилган.

Чингиз Айтматов  
Қиссалар

Машҳур адиб Чингиз Айтматовнинг бирор бир асарини ўқи-маган ёхуд эшитмаган китобхон бўлмаса керак. Зеро, ўз пайтида унинг чоп этилган ҳар қандай янги китоби кўп ўтмай ўзбек тилига таржима қилинар, китобхонлар оммаси, қолаверса, адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинади. Чунончи, атоқли ёзувчининг кўплаб асарлари, жумладан, «Юзма-юз», «Жамила», «Сарвқомат дилбарим», «Алвидо, Гулсари», «Соҳил ёқалаб чопаетган олапар», «Оқ кема» каби қиссалари ҳамда «Қиёмат» («Кунда»), «Кассандра тамғаси» («Охир замон нишонлари»), «Қулаётган тоғлар ёхуд мангу қайлик» романлари ҳали-ҳамон ўқувчиларнинг сеvimли китоблари қаторидан жой эгаллайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси хайрли ишга қўл уриб, жаҳоншумул адибнинг барча қиссаларини илқ бор «Танланган асарлар» рукни остида чоп этиб, кенг китобхонлар эътиборига ҳавола этди. Китоб 5000 нусхада чоп этилган.

Шермурод СУБҲОН тайёрлади

# MAQSADIMIZ –

## bolalar qalbiga ezgulik olib kirish

*Республика кўғирчоқ театри директори Равшан ИСРОИЛОВ билан суҳбат*

– Суҳбатимиз дебечасида Республика кўғирчоқ театрининг тарихи ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

– Менимча, илк ўзбек кўғирчоқ томошалари неча юз йиллар аввал «Одамлару одамлар, эшитмадим деманглар!» деган сўзлар билан иш бошлаган бўлса керак. Дастлабки кўғирчоқ театр труппалари – «Чодирхаёл», «Чодиржамол»лар болалардан кўра кўпроқ катталар учун томошалар кўйган. «Ўтган кунлар» бадий фильмидаги кўғирчоқбозларни эсланг: улар кўчалар, бозорлар, аҳоли гавжум жойларда томошалар кўйиб, одамларни хушнуд этишган. Бевосита ҳозирги Республика кўғирчоқ театрининг тарихига келсак, 1928 йилда илк кўғирчоқ театр студияси пойтахтимиздаги Ёш томошабинлар театри қошида машхур кўғирчоқбозлар сулоласи давомчиси Тошпўлат Дониёров раҳбарлигида ташкил этилган. 1939 йил 19 октябрдан эса ҳозирги Республика кўғирчоқ театри фаолиятини бошлаган. Шу йили илк спектакль намоиш этилган. Театримиз тамал тоши шу тариқа қўйилган. Бугунги кунда театримиз махсус қурилган ўз биносига эга.

– Кўғирчоқ театри асосан, кичик ёшдаги томошабинлар учун спектакллар қўяди. Актёрлар ҳам ўз навбатида болалар тафаккурига мос равишда рол ижро этиши лозим. Бу жуда катта масъулият ва маҳоратни талаб этса керак?

– Албатта, кўғирчоқ театри актёри бўлиш фақат масъулият, касбга муҳаббат ва фидойиликни талаб этади. Кино ва театр актёрлари халққа тез танилади. Улар ўзлари ижро этаётган ролдаги одамга айланади, маълум муддат унинг образида яшайди. Кўғирчоқ театрида воқеани, ҳолатни, қаҳрамоннинг ўзига хос хусусият ва табиатини ҳис қилиб, уни кўғирчоққа сингдириш керак. Шундагина болажонлар ўзлари кўраётган томошадан қониқиш ҳосил қилади. Бу мураккаб жараён. Бизда қўлқопли кўғирчоқлар, симли кўғирчоқлар, планшет кўғирчоқлар билан ишланади. Шунингдек, актёрларнинг ўзлари бевосита кўғирчоқнинг орқасига ўтиб олиб томошалар кўрсатади. Баъзан битта кўғирчоқни икки, уч киши ҳаракатлантириши, улардан биттаси овоз бериши керак бўлади. Бунда ҳар бир киши спектакл моҳиятини, кўғирчоқнинг вазифасини жамоавий тарзда билиши керак, қолаверса, бу жараёнда актёрлар бир-бирини ҳис қилиши лозим. Митти томошабинга кўғирчоқ маъқул келади, унга қарсак чалади, актёр иккинчи даражали бўлиб қолади. Барибир, биз болажонларимизни хурсанд қилганимиздан, уларнинг энди шаклланаётган

маънавий оламига эзгулик олиб кираётганимиздан ўзимиз завқланиб ишлаймиз.

– Театрда репертуар қандай шакллантирилади, эртактлар ва ҳикояларни саҳнага олиб чиқишда кўпроқ нималарга аҳамият берилади?

– Бугунги кунда ўзбек драматургияси қанчалик кўп янги асарлар яратаётган бўлса, театрлар уларни имкон қадар тез саҳналаштириб боришмоқда. Биз кўпроқ тайёр бадий асарларни сценарийга айлантириб, бадий кенгаш тасдиғидан ўтказиб, саҳнага олиб чиқамиз. Бугуннинг болалари 20-30 йил олдинги болалардан кўра анча тийрак ва зеҳнли. Улар ҳар куни жуда кўп ахборот қабул қилади. Шунинг учун эртакт-спектаклларга мурожаат қилаётганда замон талабидан келиб чиқиш ҳам долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Биз драматургларимиздан болаларга ёд бўлиб кетган эртактлардан ташқари, мумтоз адабиётимиз, жаҳон адабиёти дурдоналари асосида болалар дили ва дидига мос қилиб ёзилган сценарийлар, янги саҳна асарлари кутиб қоламиз.

– Юртимиздаги бошқа кўғирчоқ театрлари билан ижодий ҳамкорлик ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

– Ўзингизга маълум, ҳар икки йилда кўғирчоқ театрларининг анъанавий республика фестивали бўлиб ўтади. Ундан кўзланган мақсад ҳам мамлакатимиздаги кўғирчоқ театрлари жамоаларининг бир-бирлари билан танишиб, тажриба алмашишга, устозларнинг маҳорат мактабидан баҳраманд қилишга қаратилган. Фестивал доирасида нафақат театр томошалари, кўғирчоқсозлик, уларга либос яратиш масалалари ҳам муҳокама қилинади. Айниқса, ўтган 2016 йилда Андижон вилоятида бўлиб ўтган Республика кўғирчоқ театрларининг IX фестивали жуда сермазмун, янгиликларга бой бўлди. Биз – барча кўғирчоқ театрлари бутун бир жамоа эканимизни, биргалашиб, ҳамфикрликда ишласак, фарзандларимиз камолоти учун муносиб ҳисса қўшишимиз борасида мазкур фестивалда келишиб олдик. Шу ўринда яна бир янгиликни айтиб ўтмоқчиман. Бизга яқинда Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтадиган II Халқаро кўғирчоқ театрлари фестивалида қатнашиш учун таклифнома келди. Барча ҳужжатли ишлар битганидан кейин бу фестивалга тайёргарликни бошлаб юборамиз.

– Ёш актёрларни театрга жалб қилиш, уларга устоз-шоғирд анъаналарини ўргатиш масалаларида ҳам театрда ўзига хос мактаб бўлса керак?

– Ҳар йили театримизга Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтидан кўплаб талабалар амалиётга келишади. Амалиёт даврида ўзини кўрсата олган, болаларга меҳрибон, улар учун қўйиладиган спектаклларга жон-дили билан киришадиган ёшларни ишга таклиф қиламиз. Масалан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муниса Эгамназарова Шаҳзода Эшмуҳаммедова, Лола Азимова сингари шоғирдлари-га, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулла Хўжаев, Умид Бўриев, Охун Ибодов каби ёшларга саҳна сирларидан сабоқ бериб келмоқда. Яна шуни мамнуният билан айтмоқчиманки, театримиз жамоасининг етмиш фоизини ёшлар ташкил қилади.

**– Айтилик, қўлингизда тайёр асар, уни саҳнага олиб чиқишда нималарга кўпроқ аҳамият берасиз?**

– Биринчи навбатда мазмунга. У болажонларга нимадир бера олсин. Ҳаётда ота-оналар, мураббийлар уларга ҳамиша тўғри йўл кўрсатади, ўзлари ўрнак бўлишга интилишади. Болалар спектаклларда ҳам ота-онага ҳурматни, табиатга, борлиққа меҳрни, озодаликни, ҳалолликни қаҳрамонлар тимсолида кўриб, хулоса чиқаришни ўрганишади. Бу эса улардаги инсоний фазилатларни камол топтиришга хизмат қилади. Яқинда Дилобар Аллаёрова исмли аёл театрга келиб, жамоамизга ташаккур айтиб кетди. У «Мен ўзим ишлайдиган мактабгача таълим муассасасидаги болаларга овқатланишдан олдин ва кейин қўл ювиш зарурлигини айтсам-да, уларнинг кўпчилиги эринишар, мени алдашга ҳаракат қилишарди. «Ирқитвой», «Эгривой ва Тўғривой» сингари спектаклларни кўргач, ўзлари машғулотлардан кейин ювинишга шошиладиган бўлиб қолишди», деди. Яхши образлар уларни эзгуликка етакласа, ёмон образлар уларни ёмонликдан йироқ бўлишга ундайди. Томоша тугагач, болажонларга «Хўш, Зумрад яхши эканми, Қимматми?» сингари ижобий ва салбий қаҳрамонлар ҳақида саволлар берамиз. Улар бир овоздан «Зумрад!» деб жавоб беришади. Бу ҳам уларда фикрлашни, хулоса чиқаришни шакллантиради. Шунингдек, тайёр асарни саҳнага олиб чиқишда рассом декораторлар, бастакорлар асар билан таништирилади. Стол атрофида ўқилиб, характерларга мос образлар актёрларга бўлиб берилади. Дастлаб репетиция, кейин премьер ва ниҳоят асар саҳнага олиб чиқилади.

**– Биз томошабинлар театр деганда кўпроқ зал ва саҳнани тасаввур қиламиз. Аслида бир спектакль учун жуда кўп одам меҳнат қилар экан...**

– Албатта. Бир спектакль тайёр бўлгунча жуда кўп одам тер тўқади. Бизнинг театрда учта цех бор. Бутафория цехида реквизит, декорациялар тайёрланади. Қўғирчоқлар ясаш цехи ва қўғирчоқлар конструкция цехида ҳам кўплаб ходимлар меҳнат қилишади. Галина Чапленко, Лариса Рязанова сингари қўғирчоқ ясовчи усталар ўз касбининг фидойиларидир. Бош рассом Мўътабар Рўзметова, саҳналаштирувчи рассом Нигора Фахриддинова, бош режиссёр Ҳотам Охунов спектакль жараёнида кўриниш бермайди. Лекин уларнинг заҳматлари эвазига биз саҳнада асар воқелигини яратамиз. Бу касбни танлаган актёр бир умр ундан айро яшолмайди. Шу ерда ишлаб, нафақага чиққан устозимиз Венера Юсупова ҳамон келиб бизга ўз маслаҳатларини бериб туради.

**– Қўғирчоқ театрига раҳбарлик қилиш ҳам осон бўлмаса керак?**

– Ҳар бир ишнинг ўз заҳмати ва завқи, роҳати бўлади. Мен театримизни минг-минглаб болаларга эзгулик улашадиган муқаддас даргоҳга ўхшатаман. Ҳар куни ишга келар эканман, бугун кимга нима яхшилик қилсам экан, деб ўйлайман. Спектаклларимизга келаётган болажонлар биздан хурсанд бўлиб кетсин, яна театрга бораман, деб ота-онасини, ака-опаларини ҳол-жонига қўймасин. Бу ерда ишлайдиган актёрлар, саҳна ортида меҳнат қилаётган театр заҳматкашлари: рассомлар, қўғирчоқсозлар барчаси ўз ишидан қониқиш ҳис қилсин. Жамоа бутун бир оила. Жамоа бошлиғи сифатида ходимларнинг барча яхши-асоран кунларида ёнида бўлишга, соғлом муҳит шакллантиришга, яратаётган асарларимизни болаларга манзур қилишга, ўзбек театр санъатида қўғирчоқ театрларининг ҳам ўрни бўлишига ҳаракат қиламиз. Бу фаолиятимиз, ҳаётимиз мазмунидир. Яна бир юксак мақсадим, спектаклларимиз билан жаҳон болаларига эзгулик улашишдир. Бизнинг спектакллар чет тилларга таржима қилиниб, бошқа давлатларда ҳам намоиш этилса. Бу йўлда бутун борлигимизни бахш этиб ишлашга тайёрмиз.

**ХОНИМОЙ суҳбатлашди**



*Мустақиллик барча жабҳалар қатори ўзбек адабиётида ҳам тозариш жараёнини яратди. Бадиий адабиётнинг бугунги қаҳрамони ўзининг «тенглар аро тенг» инсон эканини ва айти пайтда, нуқсон ва камчиликлардан холи бўлмаган оддий инсон эканини англай бошлади. Талабалигимизда устозларимиз «Адабиётнинг вазифаси комил инсонни эмас, комиллик йўлидаги инсонни тасвирлашдир» деб уқтирарди. Мен ҳам бугун бадиий адабиётнинг бир мухлиси, китобхон сифатида ўзбек адабиётида шундай асл жараён кетаётганини кузатиб хурсанд бўламан. Кейинги пайтда ўзбек адабиётида қўлга киритилаётган муваффақиятлар қаторида истеъдодли ёзувчи Улуғбек Ҳамдам асарларини ҳам санаш мумкин.*

## Me'yor mohiyati

Улуғбек Ҳамдам асарлари ўзининг самимий овози, теранлиги, сиқиклиги билан мени китобхон сифатида ўз мухлисига айлантган. Унинг асарларида гўё ёзувчининг ўзи яшайди. Сиз китобни ўқимасиз, балки ёзувчи овозида эшитасиз, кўрасиз. Яна бир ғайритабиий томони шундаки, миангизда пайдо бўлган саволни айти пайтда сезган ёзувчи жавоб қайтара бошлайди. Шу тарзда асар давомида сиз билан гаплашиб бораверади. Унинг асарида тирик овоз, тирик кўз ёш ва тирик севинч бор. Ёзувчи одамларга улкан кўзгу тутуди. Унда ҳаёт бор бўйи билан акс этади. Бу ҳолат ёзувчининг ҳикояларида кўпроқ акс этганини кўрамиз. Ана шундай ҳикояларидан бири «Яхши одамлар»дир. Реал ҳаётнинг сюжет асосига қурилган бу асарда ёзувчи моддият ва маънавият ўртасидаги доимий конфликт мавзусини кўтаради.

Асар қаҳрамони Иброҳим, аввало ота, қолаверса, ёзувчи. Барча конфликт мана шу нуқтадан бошланади. Унинг фарзанди бетоб, жони хавфда. Жарроҳлик амалиёти у ёқда турсин, дори-дармонларнинг баҳосиёқ уни довдиратиб ташлайди. Чора излаб кўчага чиққан Иброҳим чора билан

эмас, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати билан юзлашади: оғир кунда уни умидсизлик ва ёлғизликка рўбарў этган яқинларининг аслида қанчалар узоқ эканлигини у алам билан тушуниб этади. «... англаганлари, ҳис қилганларининг таъми шунчалар аччиқ эдики», бундан унинг «... фикру хаёли уясига чўп тикилган аридек бесаранжом тўзғиб учарди». Ёзувчи туйғуларни, ҳолатларни ифодалар экан, юқоридаги каби чиройли тасвирларни қўллайди.

Иброҳимнинг қалби адабиёт, санъатнинг гўзал олами билан ошуфта. У кўнгил кишиси. Аммо бу тоифа кишилар билан шафқатсиз ҳаёт доим ҳам муроса қилавермайди. Улар ҳаммиша моддият ва маънавият орасида азият чекадилар. Лекин қалблари тўридаги маънавий хазинанинг ҳаммиша қадрини баланд тутадилар.

Иброҳимнинг хотини Адолат нафақат фарзанд дарди ва йўқчилик оғриғидан азият чекаётган она ва оддий аёл образи, балки ҳаёт йўлида учраган ноҳақликлардан муттасил изтироб чеккан, дунё айвонида ўзининг аччиқ саволларига аксарият ҳолатларда жавоб тополмай қийналади.

Муаллиф Иброҳимнинг ўғлига ҳам бежиз Одилжон деб ном қўймаган. Иброҳимнинг дунёдаги бир ҳовуч яхши одамларга ҳам шубҳа билан қарагани ва уларнинг холис

ёрдamlарини нархлагани учун ўғли Одилжоннинг ўзидан ранжиганини сезиб, уялиб кетади. Бу уят ҳисси, аслида, нафақат ўғли, балки ўз қалбидаги одиллик туйғуси олдидаги ҳаё ҳам эди.

Ёзувчи асарни яқунларкан, ҳаётдаги разил, пасткаш кишиларга нисбатан ўз муносабатини уларнинг номларини кичик ҳарфларда ёзиш билан ифодалайди. Шу билан бирга, яна бир сирни – муҳим ҳақиқатни ҳам кўздан қочирмайди: инсон атрофидаги ёмон одамларга бўлган нафрати туйғули унинг ўзи ҳам билмагани ҳолда тубанликка томон сирлана бошлайди. Фақат яхшилиқнинг қадим ва абадий кучига ихлос, одиллик туйғусига нисбатан содиқлик ҳисси туйғулигина инсон ўзлигини сақлаб қолиши мумкин деган ишончли ғояни илгари суради.

Асарни ўқиб тугатаркан, энди ўқувчи қалбида ҳам Иброҳимни изтиробга солган савол айланаверади: нега одамлар ўзгараркин?! «Қалб» сўзи араб тилидан ўгирилганда «айланувчи» деган маънони билдириши бизга аллақандай сирли ҳақиқатни англатади. Аммо дунё кунгураси минг бор айлансин, синовлар қалбимизни чархпалак қилсин, инсон аталмиш муборак зотимизга лойиқ бўлиб қолишимиз лозимлигини «Яхши одам-

лар»ни ўқигач, яна бир бор теран идрок этамиз.

Ёзувчи кўп асарларида адабиётнинг боқий мавзуси бўлган муҳаббатни ўзига хос оҳангларда, ўзгача тарзда тасвирлайди. Таъбир жоиз бўлса, унинг ишқ мавзусидаги асарларида гўё найнинг мунгини эшитамиз.

«Оташ» ҳикоясида ёзувчи қалбида муҳаббат туйғуси уйғонгач, ахлоқий иллатлардан поклана бошлаган инсоннинг руҳий тебранишларини ифодалар экан, одамзот қалби манзараларининг реал ҳаёт манзараларига нақадар мутаносиб эмаслиги ва айна шу тафовут киши руҳий дунёси инқирозининг асосий сабаби эканини очиб беради. Айна мақсадда бош қахрамон мусаввир этиб тасвирланган бўлса ҳам ажаб эмас.

«Ўткан кунлар»даги Отабек тимсоли ўзбек адабиётида гўё ошиқ йигит образининг рамзи сифатида қабул қилингандек туюлади. Ҳикоя қахрамони Оташнинг асл исми ҳам, эҳтимол, шу маънода Отабек деб аталган бўлиши мумкин. Аммо айна пайтда ҳикоя қахрамони Отабекнинг қисмати машҳур романдаги Отабек қисматидан минг чандон фожиавийроқ: чунки унинг суюкли ёри эмас, бутун бошли муҳаббати ўлди. Ўлган даям лоқайд ва ўта жўн бир тарзда писандсизлик билан ўлдирилди. Ҳолбуки, унинг нодир, тиниқ ҳиссиётга тўла қалби бу қадар адолатсиз хўрликка лойиқ эмасди. Асар сўнггида Оташ маҳбубаси сурати билан лиммо-лим тўла хонасини ёқиб юбораркан, бу тасвир орқали ўқувчи оёқости бўлган туйғулар исёнига гувоҳ бўлади. Бунда ёнаётган кулба эмас, ошиқнинг ярадор қалби, соғинчу фироқ оташида эмас, озору хўрлик азобида куяётган руҳи эди.

Муаллиф алангада аста-секин ёнаётган қиз суратларини тасвирларкан, унинг кўзларини олов негадир бир неча вақт ёндиролмайди. Бу тасвир ортида, эҳтимол, шундай маъно ифодалангандир: инсон кўзларида унинг руҳи акс этади. Кўзлар – азиз хотиралар манбаи. Уни шунчаки, осонгина унутиб бўлмайди. Аммо шунда ҳам охир-оқибат бу хумор кўзлар ёна бошларкан, оловнинг шафқатсиз тилларида аста-секин бужмайиб совуқ бир йилтиллаб кулга айланади.

Айна фожа сабаб унинг ўзи ҳам ОТАШга айланади.

Кўплаб соҳаларда эришилаётган ютуқларимиз қатори бадиий адабиётда Улуғбек Ҳамдам каби истеъдодли ёзувчимизнинг борлиги қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

**Гулбаҳор ТАВАККАЛОВА**

# Dildor ohanglar ijodkori

Халқ севган, эл назарига тушган атоқли композитор ва моҳир мураббий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Султон Ҳайитбоев ижодда ўзига хос мусиқий тил ва услубни топа олди. Мусиқа шинавандалари, ижрочи жамоалар, хонанда ва созандалар бастакор томонидан яратилган асарларни ҳамон ардоқлаб келмоқдалар.

Композитор кўп йиллар давомида ранг-баранг, жозибали кўшиқлари, куйлари, оркестр учун асарлари, мусиқали драма ва комедия, симфоник ва вокал-симфоник асарлари билан мусиқа шинавандаларнинг қалбларидан муносиб ўрин олиб, юртимиз замонавий мусиқий маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган.

Султон Ҳайитбоев 1926 йил Хоразм вилоятининг Янгиарик туманида туғилган. Болаликда етим қолиб, аммаси кўлида тарбия кўрди. Ботир қахрамонлар тилидан янграйдиган қадимий дoston йўллари, тўй ва маросимларда халфа ва созчилар ижро этадиган куй-кўшиқларни завқ билан ўрганди, уларнинг сеҳрли оҳанглари бир умрга дил тубига жойлади. Аста-секин мактаб тўғарақларида, дўстлар даврасида най ва доира чалишни ҳам машқ қила бошлади. Бир мунча улғайганда билим ва маҳоратини ошириш ниятида Тошкент мусиқа билим юртига ўқишга кирди. Бир йилдан сўнг бу даргоҳда машҳур ашулачи ва бастакор Комилжон Отаниёзов, Хоразм куйларининг беназир билимдонлари Матниёз Юсупов ва Абдушариф Отажоновлар ҳам ўқий бошлашди. Ўқиш давридаёқ бу тўрт йигит концертлар уюштириб халққа хизмат қилдилар.


1952 йилда Султон Ҳайитбоевни Ўзбекистон халқ артисти, улў бастакор Юнус Ражабий радио қошидаги ансамблга ишга таклиф этди. Бу ерда бўлажак композитор ўзбек мусиқа санъатининг улў намоёндалари, устоз санъаткорлар билан ёнма-ён ишлаб, улардан мусиқа сирларини ўрганди. «Мен жуда ҳам бахтиёрман, – дер эди Султон Ҳайитбоев, – чунки Комилжон Отаниёзов ва Юнус Ражабий ансамблларида ишлаб Хоразм, Бухоро-Самарқанд, Фаргона-Тошкент мусиқий санъатининг ўзига хос хусусиятларини мукамал ўзлаштирдим ва бу мен учун катта мактаб бўлди».

1955 йилда композитор Ўзбекистон давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга кириб, 1960 йили уни муваффақиятли тамомлади. Композитор ижодида икки йўналиш – кўшиқчилик ҳамда сахна асарлари алоҳида ўрин тутди. Кўшиқчилик энг оммавий ва шу билан бирга, ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли соҳа. Композитор мусиқали драмада ҳам чинакам ижодий ютуқларни қўлга киритди. Султон Ҳайитбоев томонидан яратилган сахна асарлари адабий мазмуни тарихий воқеалар ва ҳаётнинг айна ўзидан олинганлиги, мусиқалари миллий руҳда ёзилганлиги ва таъсир кучи билан ажралиб туради. Асарлардаги кўплаб ашула, кўшиқ, ария, ансамбль ва хор номерлари оҳангдор, дилкаш, бир эшитишда ёдда қоладиган ва томошабинларни завқлантирадиган мусиқа номерлари қаторидан муносиб ўрин олган.

Ижодий фаолиятида Султон Ҳайитбоев услуб жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам бир-бирига ўхшамайдиган асарлар яратди. Скрипка ва симфоник оркестр учун ёзилган уч қисмли концерт, ўзбек халқ чолғулари оркестри ва қашқар рубоби учун ёзилган лирик асарлар, тўрт қисмли симфония, симфоник сюита кабилар шулар жумласидандир.

Султон Ҳайитбоевдан мерос асарлар халқимиз дилидан жой олган ва у ўзининг ижодий, ўқитувчилик фаолияти билан ўзбек миллий мусиқа санъати ривожига муносиб ҳисса қўшган санъаткорлардан бири бўлиб қолади.

**Дилбар ҲАЙИТБОЕВА**



# INCHLIK BO'LSIN!



Umida ABDURAZIMOVA

## OTANGGA RAHMAT

O'zgalarni hurmatlab,  
Olar huzur-halovat,  
Bolalarga baxt tilab,  
Deymiz, bo'ling salomat.

Kim desa qo'l ko'ksida,  
Assalomu alaykum,  
Chetda qolib o'ksigay,  
Demasa bu so'zni kim.

Chaqirishsa qayda-yu,  
«Ha», «Hovv!..»  
deya g'o'daymoq?  
Odobidan darak-ku,  
«Labbay, xo'p bo'lar» demoq.

Shirinso'z, oriyatli  
Bola chektirmas zahmat.  
Mehnatkash,  
sof niyatli  
Bolam, otangga rahmat.

Kattaga izzatdasan,  
Kichikka xizmatdasan.  
Tup qo'yib, palak otib,  
Maqsadingga yetasan.

## ABDULBOSIT

Abdulbosit toy bola,  
Quyosh bola, oy bola.  
Hammaga nur ulashar  
Toshqin daryo, soy bola.

Ammo birdan hammaga,  
Tog'a, xola, ammaga,  
«Ket» deb, yig'lab baqirdi,  
So'ngra «kel» deb chaqirdi.

Na bir gappa ko'ndi, u,  
Na bir ishi undi, u,  
«Yig'la» dedi, «kul» dedi,  
Go'yo hamma qul edi.

«Dod-voy» qilib toldi-da,  
Keyin uxlab qoldi-da,  
Uyg'onganida qaysar  
Bu bola yo'qoldi-da,

O'rnida shirin so'zli,  
Kuluvchan, munchoq ko'zli,  
Bola qoldi bol naqshi,  
Batartib, ochiq yuzli.

Kattani hurmat qilar,  
O'zin o'rnini bilar,  
Bolaga aytdik tahsin,  
Vaqtida uxlash yaxshi!

Bolalikning taxtida,  
Quv nab yursin baxtida.  
Talmovsirab yurmasin,  
Uxlamay o'z vaqtida!

## UMID

She'r o'qimas bolajon,  
She'ni qanday anglasin?  
Nahot eshitmagan u  
Onasining allasin?

She'r o'qimas bolajon  
She'ni qanday yodlasin?  
Lekin qo'shiqni tinglab,  
Ohangidan shodlansin.

Mening bu bolajondan  
Shu-chun ko'nglim to'q, axir:  
Qo'shiqni tinglab, anglab,  
She'rga ochmoqda bag'ir.

## ABDUJALIL

Abdujalil toychog'im,  
Chop, desam, chopib ketar.  
Akalari o'ynagan  
Joylarni topib ketar.

O'ynab-o'ynab o'ylagan  
Orzulari ushalgan.  
Akalari o'ynagan  
Joyga maysa to'shalgan.

Akalari o'rnini  
Toy bo'lib bosar, bolam.  
Zo'r bo'lib, polvon bo'lib,  
Kundan-kun o'sar bolam.

Ko'lmaklarda to'xtamay,  
Dengizlarga shoshar u.  
Yurt g'ami,  
El ishqida  
Dovonlardan oshar u.

Yulduz kabi charaqlab,  
Boshimizdan sochar nur.  
Bizning o'g'il shunaqa,  
Yurakka solar g'urur.

### AKAMNING KITOBI

O'qishlarim qiyindir  
Bir-biridan.  
Lekin «besh»im tayindir,  
Algebradan.

«Besh» olmoqlik osonga  
Tushmaydi rosti.  
«Suflyor» ham bir og'iz so'z  
Qo'shmaydi rosti.

To'g'ri yozib qo'yilgan  
Javob kitobda.  
Akam usta edi-da,  
axir hisobda!..

\*\*\*

Buncha sho'xsan, ukam Narimon,  
Bir nafas ham bilmaysan tinim.  
Kun-uzzukun chopqillab har yon,  
Qachon uxlab topasan qo'nim?

Goh saylaysan birimizni «ot»,  
O'zing esa abjir «chavandoz».  
Qulochingni aylab keng qanot,  
Osmonlarda qilasan parvoz.

Goh sakrab, goh umbaloq oshib,  
Mag'rur kulib boqasan bizga.  
Zavqu shavqing tobora toshib,  
Hayrat qo'shding hayratimizga.

Kundan-kunga ortar sho'xliging,  
Ortar yuzlaringning qirmizi.  
Quvnoqliging ko'rib, degaymiz,  
Tinchlik quchsin butun yer yuzin.

Agar bo'lsa olamda tinchlik  
Bolajonlar o'sar sho'x, shodon.  
Bizning yurtda katta-yu kichik,  
Baxt jarchisi, tinchlikka posbon.

Saidmurod XO'ROZBOYEV



## Vatan

Sarhadlari keng Vatan,  
Tenglar ichra teng Vatan,  
Toppinganim, sen Vatan,  
Muqaddasimsan...

Orimsan, g'ururimsan,  
Baxtim va sururimsan,  
Faxrim ham shuurimsan,  
Muhabbatimsan...

Senla iqbolim kulgan,  
Zavqu shavqlarga to'lgan,  
Tinchlikdan ziyo olgan,  
Munavvarimsan...

Garchi yoshman, niholman,  
Lek, bag'ri but osmonman,  
O'zim senga posbonman  
Onajonimsan...

\*\*\*

Aylanib-aylanib tuman tarqaydi,  
Yaxshilarin topib zamon alqaydi,  
Yerni chopib qo'lda ketmon charchaydi,  
Charchamaydi mening dehqon bobomlar.

Tuguniga nonu qand-qurs tugilar,  
Tashvishlar ketidan tashvish tug'ilar,  
Charchab uyga qaytar qizu o'g'illar,  
Charchamaydi mening cho'pon bobomlar.

Behi shox tashdaydi, gullaydi olma,  
Giloslari yoqut, o'righi olmos,  
Daraxtlarin tuzab qo'llari tolmas,  
Charchamaydi mening bog'bon bobomlar.

Duongizdan kelar barakayu qut,  
Siz borsiz elimning dasturxonini but,  
Mehnatidan topgan sharafi buyuk,  
Dehqonlar, cho'ponlar, bog'bon bobomlar.



# SMS

## xabarlari mazmuni haqida jiddiy o'ylab ko'rish kerakmikan...

*Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби маънавий-маърифий турмушимизда ҳам жиддий ўзгаришлар, кутилмаган воқеа ва ҳодисалар содир бўлмоқда. Айниқса, ахборот технологияларининг кундалик фаолиятимизга жадаллик билан кириб келиши турмуш тарзимизга жиддий таъсир кўрсатяпти. Хусусан, уяли телефонларнинг пайдо бўлиши «ахборот асри» деб номланаётган бугунги кунда маълум маънода «инқилоб» ясади. Дастлаб муъжиза туюлган бу қурилманинг имкониятлари бугунги кунда ҳеч кимни ажаблантирмай кўйди. Телефонлардаги хабар юбориш имконияти туфайли фойдаланувчи-абонентлар ўзлари учун муҳим фикр-мулоҳазаларини ўзга бир абонентга ҳар қандай шароитда ҳам етказа олади. Бу эса уларнинг вақтини тежайди, дўст-биродарларининг ҳолидан хабар олиш, доимий мулоқотда бўлиб туриш имконини беради.*

Шу билан бирга бизга мана шундай имкониятларни яратиб бераётган алоқа оператори – компанияларнинг ўзидан юборилаётган SMS хабарларининг ҳам кундалик фаолиятимиздаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Масалан, мен фойдаланадиган компаниядан кишини қувонтирадиган, ҳар кунлик фаолиятимиз учун зарур бўлган хабарлар келиб туради. Бинобарин, кундалик об-ҳаво ўзгаришлари билан боғлиқ маълумотлар ҳар бир кишини огоҳликка чорлайди, айниқса, бундай маълумотлар ҳайдовчилар учун жуда муҳим.

Турли байрамлар муносабати билан юбориладаган табриклар ҳам кишини қувонтиради. Мен ўз туғилган кунимда дўст-биродарларимнинг ташрифидан қанчалик қувонсам, компаниядан келган, кутловдан шунчалик хурсанд бўламан. Қисқаси, SMS хабарла-

ри ниҳоятда тезкорлиги, керакли ва зарур маълумотларни ўз вақтида етказиб бериши, байрам ва туғилган кунлардаги табриклар билан ҳар бир мижозга хушнудлик бағишлайди. Бироқ...

Бизга юборилаётган SMS хабарларининг мазмун-моҳияти ҳақида жиддий ўйлаб кўриш керакмikan... Негаки, тинимсиз юборилаётган хабарлар замирида қандай мақсадлар борлигини, уларнинг алалоқибат нималарга олиб боришини англаб етишимиз зарур. Акс ҳолда тўхтовсиз келаётган хабарлар оқими ёш авлодни ўз таъсир доирасига тортиб кетиши ҳеч гап эмас. «Go'zal qizlar va yigitlar shahriga xush kelibsiz! \*\*\*\* raqamiga qo'ng'iroq qiling va tanishing. Qo'ng'iroq bepul». Яна бир хабар: «Ushbu qish yangi tanishuvlar va ko'plab o'yin-kulgular vaqti! \*\*\*\* ga qo'ng'iroq qiling! Qo'ng'iroq bepul!»

Хабарлар матнига эътибор берилса, унда қўнғироқ қилиш бепуллиги кўрсатиб ўтилган. Демак, истаганча қўнғироқ қилиб янги «дўстлар» орттириш ва улар билан «ўйин-кулгу» қилиш мумкин. Энди чуқурроқ ўйлаб кўрайлик, айти шу имкониятдан «унумли» фойдаланишга ҳаракат қиладиган ёшларимиз камми?! Ахир, қўнғироқ қилиш текин бўлгандан кейин ёшларнинг қўли телефондан бўшамайди-да! Ким билан, нима мақсадда дўстлашмоқда, буёғи бизга қоронғу. Аввалига қўнғироқ бепул деб турган мутасаддилар «ўргимчак тўри»га йигит ва қизларимизни илтириб олгач қўйидаги хабарни йўллайди: «Yangi yilda yangi do'stlar bilan! \*\*\*\*ga qo'ng'iroq qiling. 1 daqiqa \*\*\*\*»; «12.02.2016. Tanishishni xohlaganlar \*\*\*\*raqamida sizni go'zal qizlar va o'ktam yigitlar kutmoqda. Qo'ng'iroq qiling va

suhbatlashing. Har bir daqiqa \*\*\*\*».

Кўринадики, энди «дўстлашиш» пуллик, лекин бу нарса ёш йигит-қизларни чўчитмайди, чунки улар виртуал дунёдаги бундай имкониятни кўлдан бой бермасликка, имкон қадар «дўстлари» сафини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Хўш, бундай ҳолларда биз – катталар қандай йўл тутмоғимиз лозим? Кўзга кўринмас маънавий таҳдидларнинг олди қандай олинади? Биринчи Президентимизнинг «Юсак маънавият – энгилмас куч» асарига кўйидаги сатрлар юқоридаги саволларга жўяли жавоб бўла олади: «Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин».

Келаётган хабарлар оқими шуни кўрсатадики, ҳар бир хабар ортида маълум бир мақсад-муддао бор. Масалан, юқорида кўрсатиб ўтилганларда танишувга даъват бўлса, кейингиларида бевосита севги-муҳаббат тарғиботи бошланади. Бу фикримизни исботлаш учун яна мисолларга мурожаат этамиз. «Sevishganlarga maslahatlar, psixologiya va uy bekalariga maslahatlar, sevgi maslahatlar. \*\*\*\*ga qo'ng'iroq qiling! 1 daqiqa\*\*\*\*». Қаранг, энди бевосита севишганларга мурожаат қилинмоқда. Демак, бевосита муқаддас саналган оиланинг ичига юриш қилинаётир. Ахир, бу – ўтакетган маънавиятсизлик, зўравонлик тимсоли эмасми!? Ахир, бу – оиланинг мустаҳкам кўрғонини ишғол этиб, ҳарир пардани кўтарадиган маънавий таҳдидлардан бири эмасмикан!?

Ҳар қандай фикр ёки ғояни инсон қалбига жойлашнинг ўз усул ва воситалари бўлади. Айни шу маънода телефон орқали хабар тарқатувчилар ҳам тинимсиз «изланишда». Аввал танишувга чорлаган хабарлар, кейинчалик севишганлар доирасини қамраб олмоқда. Бинобарин, бунинг ўзи-

га хос усул ва воситалари, шакл-шамойиллари излаб топилмоқда. Эътибор берилса, севги изҳорларини шеър орқали етказиш билан ёш йигит-қизларнинг ички оламини бутунлай забт этиш кўзда тутилган. Бундай хабарлар оқими кенгайгандан кенгайиб бориб, сизу бизни «севги изтироблари»га чуқурроқ кириб боришга даъват этади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳар кунлик иш фаолиятимиз ҳам уяли телефонларга бевосита боғланиб қолган. Шу боисдан ҳам телефонни ёнимизда олиб юришга одатланганмиз. Бинобарин, келаётган хабарларга ҳам бефарқ бўлолмаймиз. Баъзан шунақа ғайритабиий мунажжимлар башорати келиб қоладики, беихтиёр кўнгилга ғашлик тушади. «Сиз бугун ўз жуфтингизни учратасиз!» Бу хабар албатта, ёшлар учун. Бунақа башоратлар «сариқ» матбуотда ҳам урчиб ётибди. Энди арзимас кўринган катта хатолар нимадан бошланишини тасаввур қилаверинг. Алоқа оператори – компаниями, даврий нашрми, барибир, тегишли давлат органларининг лицензияси билан фаолият юритар экан, демак, бундай номақбул ишлар билан шуғулланишга ҳаққи йўқ! Чунки кўйиб берилса, улар ҳатто шахсий ҳаётимизнинг икир-чикирларигача кириб боришга ҳаракат қилишади.

Келаётган хабарларга кўра, ўзбек халқ мақолларининг маъноси ҳам очиб берилади. Масалан, «Ajoyib va ta'sirchan tabriklar hamda purma'no milliy maqollar sizning telefoningizda. MAQ kodini \*\*\*\* raqamiga yo'llang. 1 kirish sms \*\*\*\*». Ажабо, компаниядаги мутасаддилар ўзбек халқ мақолларининг туб моҳиятини англаб етиб, кейин жавоб қайтарармикин ёки муҳтарам олимларимизнинг заҳматли меҳнати эвазига яратилган «Ўзбек халқ мақоллари» китобидан олиб, ўша матнни лотин ёзувига ўгириб жўнатишармикан?! Аслида, бундай ўринларда муаллифлик ҳуқуқи деган қонун-қоидаларга риоя қилиниши шарт эмасми? Келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, модомики, биз

ахборот асрида яшаётган эканмиз, ҳар бир кичик хабарнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етишимиз ҳамда шунга яраша ҳаракат қилмоғимиз зарур. Кўринадики, ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир воқеа-ҳодиса бугунги кунимиз, миллий менталитетимиз нуқтаи назаридан ўрганиб борилиши зарур. Юқорида келтирилган мисоллардан маълум бўлганидек, ҳар бир хабар ёки маълумот фуқароларимиз томонидан, айниқса, ёш авлод томонидан жиддий қабул қилиниши мумкин. Айниқса, ёшларнинг қалбига, идрокига таъсир этувчи, ўзида пинҳона ғаразли мақсадларни кўзлаган, миллий-маданий қадриятларимизга зид бўлган хабарлар мазмун-моҳиятини ўз вақтида очиб беришимиз зарур. Акс ҳолда ёшларимиздаги севги-муҳаббатдек нозик туйғулар ҳам қандайдир техник воситаларга, виртуал оламдаги янгиликларга қарам бўлиб қолади. Ҳатто мунажжимлар башоратига бутунлай ишонадиган, уларнинг йўриғидан чиқа олмайдиган одамлар пайдо бўлиши ҳам мумкин. Айни пайтда ўзбек халқ мақолларидек бебаҳо бир неъматни оила даврасида оналаридан, мактабдаги устозларидан эмас, балки уяли телефондаги номукамал изоҳлардан ўрганишга ружу қўйилиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Ваҳоланки, китоб ўрнини бирор-бир восита тўлиқ эгаллай олмаслигини даврнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Республикаимизда фаолият юритаётган ҳар қандай алоқа компаниялари давлат рўйхатидан ўтиб, тегишли рухсатнома-лицензияга эга. Шундай экан, улар мавжуд қонун-қоидаларга тўлиқ риоя этиши, миллий-маънавий қадриятларимизни ҳурмат қилиши, миллий менталитетимизга мос хабарларнигина аҳолига етказиши шарт. Ижтимоий ҳаётимизда кечаётган реал воқелик, мафкуравий жараёнлар айна шуни тақозо этади.

**Равшан ЖОМОНОВ,**  
филология фанлари  
номзоди



Миллий матоларимиз хусусида сўз кетганда даставвал хонатласни ёдга оламиз. Атлас зебо мато бўлиш билан бирга ундан либос кийган аёлга ҳам зебо беради. Атлас кийган қизларнинг қўшиқларда мадҳ этилиши ҳам бежиз эмас. Камалакдек товланиб, лов-лов этиб кўзга ташланадиган бу мато ҳеч бир ўзбек аёлини бефарқ қолдирмаган. Оналаримизнинг сандиғидан, келинларнинг бисотидан, қизларнинг кийим жавонидан, албатта, бу нафис матодан тикилган либос жой олган. Биз Тошкент тўқимачилик ва енгил-саноат институтининг костюм дизайни кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди Умида Раҳматуллаева билан айнан хонатлас хусусида суҳбатлашдик.

## Атласида quyosh aksi bor...

– Умида опа, ҳар йили пойтахтимизда анъанавий тарзда ўтказиладиган «Хонатлас» фестивалининг моҳияти ҳақида гапириб берсангиз.

– Икки йилдан бери Тошкент мода ҳафталиги доирасида «Хонатлас» фестивали ҳам бўлиб ўтди. Фестивални ўтказишдан мақсад, бизнинг қадимдан миллий, такорланмас хонатлас матоларининг тури, сифати, уларни бугунги кунда тикилиши, янги, замонавий кўринишларини либосларимизда акс эттиришдан иборат. Фестивалнинг аҳамияти шундаки, хонатласнинг тарихини, халқимизнинг ўлмас урф-одатларини ёш авлод чиройли кўринишда томоша қиладди. Бу қадимги анъаналарнинг бардавомлигини таъминлайди.

– Миллий матоларимиздан атлас, адрас, беқасамларнинг ноўрин ишлатилганига, бошқа либослар билан уйғунлашмаган ҳолда кийилганига ҳам гувоҳ бўлиб қоламиз...

– Ҳар бир иш аниқ режа ёки лойиҳа асосида амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Хонатлас кундалик кийим эмаслиги барчага маълум. Шундан келиб чиққан ҳолда унинг тикилиши ва кийилишига алоҳида эътибор бе-

риш керак. Миллий матоларимизни ҳозир жинси, креп, виллюр сингари матолар билан уйғунлаштиришга уринишлар ҳам урф бўлди. Бошқа матоларга безак сифатида ишлатилаётганда ҳам ранги, кўриниши, бир-бирини тўлдиришига аҳамият бериш зарур. Ҳамма нарсанинг ёзилган-ёзилмаган қоидалари мавжуд. Либос дизайнерлиги ҳам шундай. Тикиш-бичишни ўрганишдан ташқари дидни шакллантириш ҳам муҳим масала. Қалин матога атласнинг ранги уйғунлашса ҳам, ўзи мос тушмайди. Баъзида эркакларнинг байрам ва оқшом кийимларида ҳам атлас ёки адрасдан безаклар қўйилганига кўзимиз тушади. Бу нотўғри, албатта.

Бизнинг ҳудудимизда эркаклар ипак кийим кийишмаган. Яқинда ижтимоий тармоқларда биздан олиб кетилган атлас матосидан европалик йигитлар шим кийиб олишгани кўплаб эътирозларга сабаб бўлди. Буни кўриб, матоларимизни қизганамиз. Мода дегани кўзни қувнатиши керак. Кўпинча бачканалик ва дидсизлик кўзга ташланиб қолади. Талабаларимизда аввало дидни, кейин матога муносабатни, сўнгра либос яратиш кўникмасини шакллантиришимиз керак. Хонатлас матоси келиб чиқиш жиҳатидан

жуда ҳам ранг-баранг бўлганлиги учун уни қаерда кийишни мўлжаллаш ва қайси ёшдаги аёллар кийишини аниқлаб олиб, кейин тавсия берилади. Масалан, ёши катта аёлларга қизғиш-кўк, сарғиш-кўк рангли атласлар унчалик ярашмайди. Уларга ўзига хос бўлган қора-яшил, қора-кўк аралаш атлас турлари тавсия этилади. Қизалоқларга эса тароқлари катта-катта қилиб тўқилган хонатласлар тавсия этилмайди, уларга майда тароқлиси танланади. Демак, атласга мурожаат қилаётганда ҳар бир томонини ҳисобга олиш керак. Ҳатто бичим ҳам катта маҳорат ва сабоқ талаб этади. Кўйлак биноидек чиқсаю, икки енгига икки хил нақш тушиб қолса, хонатлас ўз кўркини йўқотади. «Етти ўлчаб бир кес» деган мақолни айнан миллий матоларимиз учун кўп ишлатамиз.

**– Дизайнерлик фаолиятингизда хонатлас матосидан қай даражада фойдаланасиз?**

– Дизайнер сифатида миллий матоларни тарғиб қилар эканмиз, аввало ўзимиз ўрناق бўлиб, матолар устида жиддий ишлашимиз керак. Кийимнинг кичик бир қисмига ҳам миллий мато ишлатилса, бу яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ўзим ёки талабаларим учун хонатласга мурожаат қилар эканман, аввало уни эгнимда тасаввур қилиб кўраман. Матонинг ранглари, нақши, нусхасига қараб иш бошлайман. Менимча, ҳар бир ўзбек аёлининг энг севиб, алоҳида меҳр билан киядиган либосларининг аввалида атлас турса керак. Шундай экан, энг аввал киядиган одамнинг қувончини ҳис қиламан. Айниқса, республика миқёсида ўтадиган байрам ва сайиллар учун либослар яратаётганда яйраб ишлаймиз. Асли гўзал матони янада гўзаллаштириш ўзимизга ҳам завқ бағишлайди. Бу йилги либосларга хонатласнинг рангига қараб, тошлар билан безаб, янгилик олиб кирдик.

**– Хонатласнинг жаҳон брендлари орасида тутган ўрни қандай?**

– Ҳозирги пайтда адрас, атлас турлари, миллий матоларимизни жаҳон дизайнерлари, машҳур брендлар ҳам ўз коллекцияларида

намоиш этишмоқда. Матоларимизни тўқилиш жиҳати уларни ҳар доим ҳайратга солган. Чунки, миллий матоларимиз ҳар қандай дизайнерга илҳом бахш этади. Ранглари бир-бирига аралашмагани, алоҳида ҳолатда ҳам ёрқинлиги, шакллари улар учун ижод манбаи бўлиб хизмат қиляпти. Кўпчилик хорижий дизайнерлар миллий матоларимизга жуда қизиқиб қолишгани, албатта, бизни хурсанд қилади. Энг яхши томони, бизнинг матолардан чиқилган кийимларга таниқли фотомоделлар, санъат усталари кўплаб буюртмалар беришаётганидир. Демак, машҳур брендлар ҳам ўзимизнинг миллий матолардан илҳомланган. Матоларимиз нафақат юртимиз дизайнерларини балки, бутун дунё дизайнерларини қизиқтирмоқда. Фақат истардикки, миллий матоларимиздан йиртиқ-ямоқ кийимлар, «оммавий маданият»ни тарғиб қиладиган костюмлар учун фойдаланишмаса, мақсадга мувофиқ бўларди.


**– Талабаларингизнинг мода ҳафталиклариде иштироки ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

– Тошкент тўқималик ва енгил саноат институтининг костюм дизайнери кафедрасининг биринчи курсдан то магистратура мутахассислиги бўйича таҳсил оладиган талабалари республикамизда ўтказиладиган мода фестивалларида иштирок этишади. Айримлари «Мода ҳафталиги»да, кимдир «Хонатлас», бошқалари «Болажонлар ва ширинтойлар» фестивалларида қатнашади. Демак, ҳар битта фестивалда албатта дизайнернинг иштироки шарт. Чунки, бу уларнинг ижодий иши, амалиёти ҳисобланади. Агар талабалар ўқиш даврида либос яратиб, ўз иши билан бирор кўргазмада қатнашиб, саҳнага чиқиш туйғусини ҳис қилиб кўрмаса, дизайнер сифатида шакллана олмайди. Бунда устозлар сабоғи, ўзларининг орттирган малакаси кўмак

беради. Бу уларнинг кейинги фаолиятида жуда аҳамиятли. Бошқа дизайнерларнинг чиқишларини кузатиш, либосни саҳнага тайёрлаш, ўз хато ва камчиликлари устида ишлаш етук мутахассис бўлишнинг бир омили ҳисобланади. Шунинг учун талабалар биринчи курсдан бошлаб, ўзгача ёндашган ғоялар, авангард услубига хос бўлган кийим турларини яратишга ҳаракат қилишади. Кейинги босқич талабалари кундалик кийим, прет-а-портье йўналишида кийимлар лойиҳалаштиришади. Шу билан ўз коллекцияларини яратишга ҳаракат қилишади. Муҳими, талабаларимиз келажакда ўз ишининг моҳир устаси бўлсин. Кимдир жаҳон мода оламига ўз ҳиссасини қўшар, кимдир ўз яқинлари учун либослар тикар, нима бўлганида ҳам бу ерда олган сабоғи, кўникмаси ҳамиша уларга дастуриламал бўлсин.

**– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!**

**Нигина ҚОДИРОВА**  
суҳбатлашди



(Давоми. Боши 18-19-бетларда)

**Бекзод ШУКУРОВ,**  
**«Жамият» газетаси бош муҳаррири, «Олтин қалам»**  
**миллий мукофоти учун VI халқаро танлов ғолиби:**

– XXI асрда Оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам мисли кўрилмаган янгиликлар ҳаётимизга кириб келди. Интернет, мобил қурилмалар, рақамли технологиялар ривожланиши н а т и ж а с и д а рақамли телевидение, интернет журналистикаси, фуқаролик журналистикаси, мобил журналистика каби тушунчалар пайда бўлди.



Бундай ўйлаб қарасангиз, ҳамма нарса ўзгаряпти: ҳаётга муносабат, қарашлар, тушунчалар ва ҳоказо. Аммо пайдо бўлганида ҳам матбуотнинг принципи ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Кейинги вақтларда ахборот узатишнинг турли йўллари, воситалари кўпайиб бормоқда. Нафақат ҳар бир идора ва ташкилот, балки ҳар бир фуқаро истаган ахборотини истаганча тарқатиши мумкин. Қисқаси, илгари ахборотни оммавий равишда тарқатиш учун фақат оммавий ахборот воситалари кучидан фойдаланишга тўғри келган бўлса, бугун бунга ҳожат йўқ. Ахборотлар ижтимоий тармоқлар орқали ОАВда тарқатилганидан кўра тезроқ одамларга етиб боряпти. Ахборот тарқатишда чегара тушунчалари

нагидан ўтиб, тахририятдан босмахонага узатилади. Тахрирдан тортиб, китобнинг мазмун-мундарижаси, уни саҳифалаш, муқова дизайни, босмахонадаги жараёнларгача босқич-ма-босқич, қанчадан-қанча зиёли қалблар, меҳнаткаш кўллардан ўтиб, тандирдан узилган иссиқ нондек янги китоблар китобхону кутубхоналарга етиб боради.

**Гулбаҳор ОРТИҚҲҶАЕВА,**  
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги**  
**ихтисослаштирилган «Адолат» нашриёти давлат**  
**корхонаси муҳаррири:**

– Оммавий ахборот воситалари халқ минбаридир. Уларда эълон қилинаётган ҳар бир фикр жамият вакилларининг дунёқарашини, маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади. Кейинги йилларда матбуот, радио, телевидение қаторида интернет журналистикаси, айниқса, ноширлик фаолияти ҳам ўзига хос тарзда ривожланиб борапти.

Китобсиз уйни жонсиз танага қиёслашлари бежиз эмас. Китоблар ҳаммиша элга эзгулик, дилга зиё улашади. Ноширлик ҳам шарафли, ҳам машаққатли соҳадир. Босмахоналар пайдо бўлгунга қадар китоб тайёрлашда котиблару хаттотлар кўлэзма китобларни яратиш, кўчириш, зийнатлаш билан шуғулланганлигини барчамиз яхши биламиз. Бугун дунё кутубхоналарида сақланаётган ноёб кўлэзмалару қадимий китоблар ноширлик соҳасининг илдишларини узоқ тарих билан боғлайди. Қадим асрий анъаналарини ўзида акс эттирган китобат санъати ўрнини бугунга келиб замонавий технологиялар эгаллади, бугун пойхатимизда ўнлаб нашриётлар бор. Авваллари бир нодир китобнинг кўлэзмасини бир хаттот кунлар, ойлар давомида машаққатли меҳнат билан кўчирган бўлса, бугун ноширлик тажрибасига эга катта нашриётларимиз ўндан ортиқ китобни кўп минг нусхада нашр этиб, аҳолига етказиб бермоқда.

Бир китоб дунёга келгунича қанчадан-қанча жараёнлардан ўтади. Муаллиф маромига етказдим деб нашриётга келтирган кўлэзма зуваладек пишитилиб, ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг таъбири билан айтганда, устоз кўзой-

бутунлай йўқолиб бўлди.

Табиий савол туғилади: хўш, шундай бир шароитда ОАВнинг ўрни қандай бўлади? Менинг назаримда, дунё, ҳаётимиз қанча ўзгарса, ривожланса, профессионал журналистикага эҳтиёж шунчалик ортиб бораверади. Хўш, ҳаққоний ахборотни қаердан олиш керак? Албатта, ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш асосий принципи бўлган оммавий ахборот воситаларидан.

Демак, ҳали йиллар ўтади, анъанавий ва замонавий оммавий ахборот воситалари одамларнинг асосий ахборот оладиган манбаи бўлиб қолаверади. Чунки, ҳар хил шов-шув, ижтимоий тармоқлардаги бўлар-бўлмас гаплардан, керак-керакмас, аниқ-ноаниқ ахборотлардан, миш-мишлардан чарчаган одамлар барибир ҳақиқий журналистикани танлай бошлайди, унга ишонч билдиради ва унга қайтади.

Шундан келиб чиқиб, бугун олдимиздаги энг муҳим вазифалар нималардан иборат, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзи илгари сураётган ғоялар орқали аниқ-тиниқ, лўнда қилиб жавоб берди. Халқ билан мулоқот қилишимиз керак. Ахир ўзингиз айтинг, одамлар билан мулоқот қилмай, оддий инсонларнинг ҳаётига чуқур кириб бормай, уларнинг юрак уришини, орзу-интилишларини ҳис этмай туриб ҳаёт ҳақиқатини акс эттириб бўладими?

Демак, бугунги кун, тобора ўзгариб, тараққий этиб бораётган замоннинг ўзи олдимизга шундай вазифаларни қўймоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча журналистлар, нашриёт ва матбаа соҳаси вакилларини, ҳамма устозларим, ҳамкасбларимни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни табриклайман.

нагидан ўтиб, тахририятдан босмахонага узатилади. Тахрирдан тортиб, китобнинг мазмун-мундарижаси, уни саҳифалаш,



муқова дизайни, босмахонадаги жараёнларгача босқич-ма-босқич, қанчадан-қанча зиёли қалблар, меҳнаткаш кўллардан ўтиб, тандирдан узилган иссиқ нондек янги китоблар китобхону кутубхоналарга етиб боради.

Шу соҳада ишлаб, сочи оқарган, бор қалб кўрини, чин меҳрини, кўз нурини, умрининг энг азиз дақиқаларини қўлэзмалар тахририга бағишлаган ноширларимиз билан суҳбатлашсангиз, муҳаррир миллатнинг тарбиячиси, устози, халқнинг энг илғор вакили эканлигига шубҳа қилмайсиз! Шу билан бирга, китоб қатидаги бир варақнинг қадри нондек азизлигини, китоблар инсоният камолоти учун сув билан ҳаводек зарур эҳтиёж эканлигини дилдан ҳис қиласиз. Ахир, Ўзбек миллий матбуотига тамал тошини қўйган зиёлиларимиздан бири – Маҳмудхўжа Бехбудий «Муаллим ила муҳаррир миллатнинг икки кўлидур» деб бежиз айтмаган.

Элга зиё улашиш ҳам бахтдир аслида. Халққа илму маърифат улашиш, яхшилиқни кўзлаб зиё тарқатиш йўлида қилинаётган эзгу ишларида барча ҳамкасбларимизга байрам баҳонасида баракали ижод тилайман!

**Манзура ШАМС ёзиб олди**



# KELING, BIR KULISHAYLIK

Саид АХМАД,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
халқ ёзувчиси

## PALOVGA E'TIBOR

(Ҳажвиялар)

Палов шарқ халқлари ўртасида кенг тарқалган овқат бўлиб, азалдан олдин уни қўл билан ейишган.

Бой-феодаллар меҳнаткаш халқни паловни тўғри истеъмол қилишдан маҳрум қилиб келганлар. Улар бир лаган ошни етти-саккиз кишининг ўртасига қўйиб, ким қанча ошам олишини ҳисобламаган ҳолда улар орасига низо солишга уринганлар. Ана шунинг натижасида ошатиш ва лаган тагида қолган ёққа фамил чой куйиб ичиш каби одатлар вужудга келган. Паловни ўтмишда амалдорлар ва тўралар истеъмол қилганлар. Ана шунинг учун бўлса керак, эксплуататорлар паловга «Паловхонтўра» деб ном берганлар.

Мана шу ўтмиш сарқитини таг-томири билан кўпориб ташлаш мақсадида, паловдан тўғри қўлланмиш тадбирлари изчиллик билан ишлаб чиқилди.

Ҳар бир кишига калкуляция бўйича, алоҳида коса ёки тарелкада палов сузилади. Айрим ҳолларда лагани билан ўртага қўйиб, ҳар кишига биттадан тарелка берилади. Истеъмолчи ўртоқ кераклигини қошиқ билан олиб, ўз тарелкасига солади.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, ҳар қошиқ солганда иккитадан гўшт олишга чек қўйиш пайти келди.

Паловдан тўғри фойдалана билиш керак. Қазилик палов ёз ойларида зўрлик қилади. Баъзи ошхўр ўртоқларимиз ош устига иккитадан кабоб ейишга одатланиб қолганлар. Албатта, бунга чидаб бўлмайди. Девзира гуручдан дамланган паловга бодрингсиз, фақат оқпиез, кўк қалампир, волгоградская деган

помидордан қилинган салатни истеъмол қилиш энг маъқул тадбир деб ҳисобланади.

Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, девзира гуручнинг палови фамил чойни хуш кўрмайди, аксинча, тўқсон бешинчи кўк чой унга энг муносиб чанқов бостидир. Кейинги пайтларда ошхўрчилигимизда яна битта ёмон хусусият сезилмоқда: ош пайтида ароқ истеъмол қилиш. Ана шунинг пировард-оқибатида ёш ошхўрлар палов лаззатидан маҳрум бўлмоқдалар. Бу одатга қўлдан келганча барҳам бериш керак.

Кейинги суҳбатимизда чучварани қандай тугиш ва уни қозоннинг қайси тарафидан ташлаш ҳақида маслаҳат берамиз.

## Qaysar

Жума ота ўтган ҳафтада ўлади-ган эди. Бу гапни доктор кампирга айтаётганда эшитиб қолди.

– Энди, чидайсиз, кампир, отанинг бир-икки кунлик умри қопти, тайёргарлигингизни кўриб қўйинг.

Ота бу гапни эшитди. Ўзининг ўлимидан ҳам кампирга ачинди. Айниқса, докторнинг тайёргарлигингизни кўриб қўйинг, дегани ёмон таъсир қилди.

Тайёргарлиқнинг нималигини ота билади. Камбағал бўлсанг, кўчиб кўр, бой бўлсанг ўлиб кўр, деган гапни у жуда яхши тушунади.

Ўлиш осон гап эканми?

Ота йигирма кундан бери ана кетаман, мана кетаман деб ётган нарса эди. Докторнинг гапидан кейин бадани қизиб қон юришиб кетди. Ёстикдан бошини кўтариб ўтириб

олди. Хотинини чақирди.

– Хотин, докторнинг гапига ишонма. Мен ўлмайдиган бўлдим.

Унинг гапига кампир ҳайрон бўлди.

– Бу нима деганингиз?

– Э, хотин, мен ўлишдан кўркмайман, ўлик кўмишдан кўрқаман. Токчадан чўтни ол. Сенга ўлик кўмишнинг харжини бир ҳисоблаб берай.

Кампир чўтни олиб берди. Чол чўтни тиззасига қўйиб, ҳисоблаб кетди.

– Хўш, ўлган куним унча харажат бўлмайди. Ўлимлик пулимдан уч кило чой оласан, йигирма бешни гўрковга берасан, кафанлигим бор. Ҳар яқшанба, пайшанба кун маҳалладан етти-саккиз киши кириб Қуръон ўқиб, ош еб кетади. Еттимда ош дамлайсан, нон ёптирасан, йигирма кунда кўй сўйиб, ош дамлайсан, етти маҳалланинг мачитидан одам келади. Ундан кейин қирқим бўлади. Бунда ҳам катта харж бўлади. Катта, кичик ҳайитим, ифторлигим, йиллигим, қорёғдим, гулисурхим бўлади... Хўш, шуларга бир ниманг борми?

Кампир кўзига ёш олди.

– Ахир рўзгордан орттириб, у-бу қилиб кўяй десам, жикиллаб қўймадингиз. Агар у ёқ-бу ёққа яширган пулингиз бўлмаса, менда ҳеч вақо йўқ.

– Ҳа, балли, – деди чол. – Ана шунинг учун ҳам бу йилча ўлмай турадиган бўлдим.

Чол болалигидан бир сўзли эди. Бу гал ҳам гапидан қайтмайди. Мана, кўрарсиз, у ўлмайди!

Айтдим-ку, чол қайсар одам деб. Ўлмабди, кеча уни самоварда гап сотиб ўтирганини ўз кўзим билан кўрдим.

# Ikir-fikrlar

\*\*\*  
Одам еттига киргунича ердан таёқ ейди, етмишга киргунча турмушдан.

\*\*\*  
Кулги умрни узайтиради, дейишади. Аммо бу кимнинг устидан кулаётганингизга ҳам боғлиқ.

\*\*\*  
Кўчирмаларга суюниш керак. Афсуски, баъзилар унинг устида ётиб оладилар.

\*\*\*  
Мақтов ароққа ўхшайди: озидан ширакайф бўласан, кўпи бошингни айлантиради.

\*\*\*  
Илгари қизларнинг сочи узун, ақли қисқа, дейишарди. Ҳозир эса аксинча: қизларнинг ақли узун, сочи қисқа.

\*\*\*  
Унинг сўзлари болдай мазали. Шунинг учун бўлса керак, мияга етиб улгурмасдан ҳазм бўлиб кетади.

\*\*\*  
Вақт ҳам кийимдай: улғайган саринг калта келиб қолаверади.

\*\*\*  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатмаган артист.

\*\*\*  
«Дўст бошга қарайди, душман оёққа» деган мақолни ўйлаб кўриш керак. Ахир сартарошларнинг ҳаммаси дўстга, этикдўзлар эса душманга чиқиб кетади-ку.


\*\*\*  
У бир неча тилни пухта ўзлаштирган. Айниқса, аёллар тилини яхши билади.

\*\*\*  
Қорин катталашган сари бош кичрайиб боради.

\*\*\*  
У ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп татиганман дер экан, коньяк ичиб, шоколадни газак қилганлигини назарда тутар эди.

\*\*\*  
Гарчи танқис бўлса ҳам, бировнинг совунига кир ювма!

\*\*\*  
Маданиятимиз ошганининг белгиси: китоб дўконига ўғри тушибди.





* КАЛИТ СЎЗЛАР																	1	2	3	4	5	*														
																	О	Т	Л	И	Қ	6	7	8	9	10	*									
11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30																	
*****																	МУАММОНОМА										*****									
→	26	20	*	11	4	12	30	*	1	2	3	4	5	*	9	22	8	9	7	*																
																	О	Т	Л	И	Қ															
5	4	3	9	*	1	3	11	9	30	9	12	*	4	23	12	4	*	18	4	7																
*	*	2	6	21	7	4	*	2	9	24	18	4	7	*	18	4	3	9	11	*																
9	11	9	3	30	9	*	1	23	4	7	4	23	*	11	25	11	8	4	12	.																

**«КИТОБЛАР ДУНЁСИ»  
ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИ-  
НИНГ ЖАВОБЛАРИ**

**АЙЛАНМА КРОССВОРД.**  
Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1.Папирус. 2. «Авесто». 3. Самарқанд. 4. Қомус. 5. Пергамент. 6. «Алифбе». 7. Матрица. 8. Гиннес. 9. Ўрхун. 10. Гулоб. 11. Хаттот. 12. Тошкент. 13. Ибрат. 14. Хитой. 15. Кулли-ёт. 16. Лаввоҳ. 17. Лавҳ. 18. Каталог. 19. Офсет. 20. Абдалов. 22. Китоб. 23. Пальма. 24. Сандиқ. 25. Кодекс. 26. Нашриёт. 27. «Абушқа». 28. Машҳадий. 29. Саҳифа. 30. Тошбосма. 31. Саҳхоф. 32. Дарслик.

**МУАММОНОМА**

**Калит сўзлар:** 1. Ойтулди. 2. Битик. 3. Назм. 4. Расом. 5. Қалам.

**Ҳикмат:** Оламда китобдан азиз дўст йўқдир.

**Фозилжон ОРИПОВ  
тузди**

8	25	20	*	*	27	*	*	*	*	*	27	*	*	24	29	28
25	*	9	14	21	4	7	*	*	*	27	4	17	24	9	*	9
10	6	3	*	*	3	*	8	*	28	*	17	*	*	11	6	Л
*	7	*	2	4	3	23	25	12	1	22	3	4	8	*	7	*
*	11	*	9	*	9	*	7	*	24	*	9	*	4	*	8	*
8	1	3	18	9	*	18	9	19	1	7	*	4	18	7	9	2
*	12	*	4	*	1	*	23	*	7	*	20	*	29	*	10	*
*	*	16	9	11	22	9	*	8	1	3	4	18	7	4	*	*
*	*	*	2	*	11	*	24	*	24	*	7	*	12	*	*	*
*	*	4	23	5	1	7	4	14	*	18	9	3	29	2	*	*
*	8	*	25	*	12	*	9	*	5	*	8	*	2	*	22	*
11	9	14	12	9	*	17	11	21	4	7	*	18	4	3	9	8
*	8	*	1	*	8	*	29	*	22	*	18	*	8	*	28	*
*	8	*	22	2	7	9	2	1	22	15	29	7	9	*	24	*
2	25	2	*	*	11	*	7	*	9	*	2	*	*	13	1	11
4	*	4	7	11	1	5	*	*	*	23	1	4	7	9	*	25
11	1	23	*	*	12	*	*	*	*	*	12	*	*	7	1	11

**МУАММОНОМА – КЕЙВОРД**

Кейворд – рақамли кроссворд бўлиб, унда жумбоқ сўзлар таърифлари баён этилмаган, ҳарф ва рақамлардан иборат. Бунда ҳар бир ҳарф ўз рақамига эга. Бир хилдаги рақамли катакларга бир хилдаги ҳарфлар ёзиш билан муаммонома ва кейвордни ҳал этинг. Бунда сизга «отлиқ» ҳамда «ўрқач» калит сўзлари ёрдам беради. Муаммономадан соҳибқирон Амир Темур ўғитларидан бирини билиб оласиз.



# Raqslar qanotida

Миллий рақс ва хореография олий мактаби таркибида узлуксиз таълимни таъминловчи тўрт бўғин мавжуд бўлиб, ихтисослашган мактаб-интернат, хореография коллежи ҳамда бакалавр ва магистрлар тайёрловчи олий таълим муассасаси фаолият олиб боради. Битирувчилар ўз ижодий фаолиятини Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театрида, мусикали драма ва комедия театрларида, профессионал ва хаваскорлик рақс ансамблларида, маданият ва санъат коллежларида амалга оширишади. Магистратура йўналишларида ўқиганлар эса санъат ва маданият соҳасига оид олий ўқув юртларида, санъат ва маданият тармоғидаги муассаса, корхона ҳамда ташкилотларда педагогик, илмий-ижодий ва илмий-тадқиқот ишларини олиб боришлари мумкин

– Олий мактабимизни чин маънода мустақиллик меваси дейиш мумкин, – дейди Миллий рақс ва хореография олий мактаби ректори Шухрат Тўхтасимов. – Ўтган йигирма йил вақт ичида бу даргоҳни тугатган талабалар республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият олиб боришмоқда. Айниқса, санъатишунос мутахассислар етишиб чиқаётгани, улар ўз илмий изланишлари билан маданият ва санъат тараққиётига ҳисса қўшаётгани қувонарли ҳол. Миллий рақс ва халқ ижодиётини ривожлантириш, ёш истеъдод эгаларини аниқлаш мақсадида ҳар йили Мукаррама Турғунбоева номидаги республика кўрик-танлови анъанавий равишда ўтказиб келинади. Унда талабаларимиз доимий иштирок этиб, моҳир раққосалар қаторида голиб ва совриндор бўлиб келишади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ёш истеъдодлар учун таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти рақс санъати йўналиши бўйича ҳам раққосаларимиз мунтазам иштирок

1997 йил 1 августда Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган эди. Мазкур Фармон асосидаги Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига мувофиқ Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг хореография бўлими ва хореография билим юрти негизида Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ташкил этилганди. 1997-1998 ўқув йили учун талабалар қабул қилиниб, «Хореография жамоаси раҳбари», «Педагог хореограф», «Балетмейстер – режиссёр» йўналишларида ўқиш бошланган.



## Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби

этиб келади. 2015 йилда талабамиз Сехриё Мирзаева «Ниҳол» мукофотида сазовор бўлди. Виктория Василина, Шерзод Кенжабоев, Сусанна Усенова сингари ёшларимиз халқаро танловларда иштирок этиб, ўзбек рақс санъати сеҳрини дунё саҳналарида намойиш этиб келмоқда. Бу мактабда ўқиганлар ҳақиқий рақснинг моҳиятини, ўзбек ва жаҳон рақс санъати анъаналарини, устозлар сабогини яхши ўзлаштиради. Биз уларга доимо рақс, раққос, раққоса деган номларни ардоқлашни, доғ туширмасликни уқтираемиз.

Рақс деганда кўпчилик мусикага ҳамоҳанг ҳаракатни тушунади. Аслида рақснинг ўз дунёси бор. Унда бармоқлар ҳам, нигоҳлар ҳам, кадам товушлари ҳам ўз тилида сўзлайди. Ҳар бир ҳаракат, ҳар бир ишора маъно касб этади. Айрим халқларнинг миллий рақслари ҳаракат асосида шаклланган. Ўзбек миллий рақсларини чин маънода кўнгил ифодаси дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам «Тановар», «Дилхирож», «Лазги», «Лаган», «Пидла», «Чўпон» сингари рақслар устозлардан шогирдларга ўз сайкали билан ўтиб келмоқда. Бу йўлда самарали меҳнат қилаётган Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби жамоаси фаолиятига раванқ тилаймиз.

Рўзимурод ЭСОНОВ



2017/3  
**GULISTON**



Ўзбекистон халқ артисти  
Рихси ИБРОҲИМОВА

ISSN 2091-5330

**OBUNA DAVOM ETMOQDA**

Indeks: yakka obunachilar uchun – 820, tashkilotlar uchun – 806.